

ЎЗБЕКИСТОН 2023

**Ўзбекистоннинг 2030 йилгача барқарор
ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва
вазифаларни амалга ошириш тўғрисида
ИХТИЁРИЙ МИЛЛИЙ ҲИСОБОТИ
(иккинчи)**



Тошкент – 2023

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1. ҲИСОБОТНИ ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИ ВА ЖАРАЁНИ	5
2. БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ УЧУН ИМКОНияТЛАР ВА ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙ МУҲИТ	8
2.1. Ҳаракатлар стратегиясининг эришилган натижалари Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишининг муҳим асоси сифатида	8
2.2. Миллий мақсад ва вазифаларга эришиш учун молиявий ресурслар	12
2.3. Хусусий сектор ва фуқаролик жамиятининг шаклланган салоҳияти	14
2.4. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг барқарор ривожланишнинг миллий мақсад ва вазифалари билан ўзаро боғлиқлиги	16
2.5. Барқарор ривожланишга эришишда Парламентнинг роли	18
3. Мамлакатнинг барқарор ривожланишига хавф ва таҳдидлар	19
4. МИЛЛИЙ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ	22
4.1. Инсон шаъни ва кадр-қиммати йўлида кенг кўламли ўзгаришлар	22
4.2. Яшил трансформация	57
4.3. Рақамли иқтисодиёт ва инновацияларнинг ривожланиши	81
4.4. Глобал ва минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш	89
5. КЕЙИНГИ ҚАДАМЛАР	109
ХУЛОСА	112
ИЛОВАЛАР	113

КИРИШ

Ўзбекистон 193 мамлакат билан бир қаторда БМТнинг: «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш кун тартиби дастури»ни амалга оширишда ўз мажбуриятларини тўлиқ бажармоқда. Ушбу «кун тартиби»ни изчил амалга ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг «2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасида миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (20.10.2018) ҳамда «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (21.02.2022) қарорлари қабул қилинди.

«Барқарор ривожланиш мақсадлари»ни мамлакат эҳтиёжларига мослаштириш учун жиддий қизиқиш ва интилишлар натижаси сифатида, 2017–2021 йиллар учун Ўзбекистоннинг ҳаракатлар стратегияси натижалари ва ҳозирда амалга оширилаётган «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»ни кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Инсон шаъни ва кадр-қиммати йўлида»ги асосий тамойил халқ фаровонлигини янада ошириш, иқтисодийни трансформация қилиш, тадбиркорликни ривожлантиришни жадаллаштириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ва фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришни кўзда тутди. Шу билан бирга, 2030 йилга бориб, аҳоли жон бошига даромадларнинг 4 000 АҚШ долларигача ўсишини таъминлаш орқали ўрта даромадли мамлакатларнинг юқори гуруҳига кириш мақсадини ўз олдига қўяди.

Ҳозирги вақтда мамлакатнинг барқарор ривожланишини таъминлашга босқичма-босқич ўтишнинг ҳуқуқий, институционал ва иқтисодий асослари шакллантирилган.

Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш, манзилли ижтимоий ҳимоя масалаларини бевосита аҳоли яшаш жойларида (маҳаллаларда) кўриб чиқиладиган, бошқа хорижий мамлакатлардан фарқ қилувчи маҳалла миллий модели амалга оширилмоқда. Мазкур тамойил асосида бир қатор институционал ислохотлар амалга оширилиб, бошқарув тизими ислох қилинмоқда, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг барча соҳаларида аҳоли ва фуқаролик жамиятининг кенг иштироки орқали демократиянинг ривожланиши таъминланмоқда. "Очиқ бюджет" тизими фаол ишлаб чиқилиб, янги "маҳалла бюджети" тизими амалиётга жорий қилиниши натижасида аҳоли маҳаллий бюджет маблағларини аниқ талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда тақсимлашда бевосита иштирок этиб, ўзларининг муаммоларини мустақил ҳал этишмоқда.

Жаҳон ҳамжамиятида сиёсий ва иқтисодий ривожланишдаги ноаниқликлар, турли хавф ва таҳдидларнинг ўсиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, Миллий барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)ни амалга ошириш вазифаси айниқса долзарб бўлиб қолмоқда.

Шу муносабат билан, мамлакат, унинг тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган стратегиялар, концепциялар, мақсадли дастурлар ва йўл хариталарини БРМларга мослаштириш, эришилган натижаларни чуқур тизимли таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва барқарор ривожланишнинг миллий мақсад ва вазифаларига эришиш борасидаги кейинги қадамларни белгилаш учун эҳтиёж ортиб бормоқда.

2020 йилда Ўзбекистон БМТнинг юқори даражадаги сиёсий форумида биринчи Ихтиёрий Миллий Ҳисоботни тақдим этди. COVID-19 пандемияси барқарор ривожланишнинг миллий мақсадлари ва вазифаларини амалга оширишга баъзи ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга сабаб бўлди. Шунга қарамай, турли ички ва ташқи қийинчиликларга қарамасдан, сўнгги уч йилда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг барча соҳаларини тубдан ўзгартириш борасида салмоқли натижаларга эришилди.

Тақдим этилаётган ушбу иккинчи Ихтиёрий Миллий Ҳисобот Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш мақсадларини келгусида мақсадли молиялаштириш, хусусий сектор ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, демографик ривожланиш билан боғлиқ миллий хусусиятларни мослаштириш, аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш сиёсатини кучайтириш, гендер тенглиги бўйича маълум салоҳият ва имкониятларни очиб беради. Ҳисоботда «2022–2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»нинг ривожланиш мақсад ва вазифалари билан мутаносиблиги ва ўзаро боғлиқлиги муҳим ўрин касб этади.

Ўзбекистон барқарор ривожланиш соҳасидаги муаммоларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакат Президентининг "БРМга эришишни жадаллаштиришда парламент ролини кучайтириш тўғрисида"ги ташаббуси Бош Ассамблея томонидан 2022 йил 14 декабрда маъқуллангани бунга ёрқин мисолдир. Мазкур қарорга мувофиқ ишлаб чиқилган "йўл харитаси" Ўзбекистонда 2023-2024 йилларда барқарор ривожланишнинг миллий мақсад ва вазифаларига эришишни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни назарда тутди.

Мазкур ҳисоботда сўнгги йилларда барқарор ривожланишнинг алоҳида миллий мақсадлари ва вазифаларини амалга оширишдаги устуворликлар ва асосий ютуқлар, мавжуд ижобий ва салбий томонлар, яқин келажакдаги аниқ қадамлар очиб берилган.

Миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича иккинчи Миллий Ҳисоботни тайёрлаш БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида амалга оширилди.

1. ҲИСОБОТНИ ТАЙЁРЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ЖАРАЁНИ

Ҳисоботни тайёрлаш методологияси БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти томонидан 2019 йилда тайёрланган ва янгиланган кўрсатмаларига асосланади.

Ушбу тавсиялар қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олади: вазифаларни бажариш учун аниқ муддатлар билан йўл харитасини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштирувчи орган томонидан масъул ижрочиларни белгилаш, ҳисоботни тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар, ҳажми ва мазмуни, шу жумладан барча миллий мақсад ва вазифалар бўйича эришилган ютуқлар; манфаатдор томонлар билан қандай муносабатда бўлиш; объектив ва сифатли маълумотлар базасидан фойдаланиш; вазирликлар, идоралар, фуқаролик жамияти, аҳоли ва бошқа манфаатдор томонларнинг фикр ва таклифларини ҳисобга олиш тартиби.

Ҳисоботни тайёрлашда манфаатдор томонлар асосий иштирокчилар бўлди. Булар Парламент, Ҳукумат, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар), фуқаролик жамияти вакиллари, халқаро ва миллий мустақил экспертлар, илмий жамоатчилик, аҳолининг айрим қатламлари (пензионерлар, ногиронлар, аёллар, ёшлар), хусусий тадбиркорлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқалар.

Ҳисоботни тайёрлаш жараёнида барча манфаатдор томонлар билан биргаликда мунозаралар, консултациялар, давра суҳбатлари ва семинарлар олиб борилди.

Ҳисоботни тайёрлашда мувофиқлаштирувчи ролни Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистонни 2030 йилгача барқарор ривожлантиришнинг Миллий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштирувчи Кенгаш) амалга оширди. Ҳукумат қарорига асосан Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосари Мувофиқлаштирувчи Кенгаш раҳбари ҳисобланади.

Асосий ёндашувларни ишлаб чиқиш, манфаатдор томонлар билан ишлаш, эксперт муҳокамаларини ташкил этиш ва Ихтиёрий Миллий Ҳисоботни умумлаштириш Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти ва мувофиқлаштирувчи кенгашнинг ишчи органи – Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан амалга оширилди.

Президент ҳузуридаги Статистика агентлиги томонидан (<https://nsdg.stat.uz://nsdg.stat.uz/>) платформаси орқали зарурий маълумотлар тақдим этилди.

Ҳисоботни тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Мувофиқлаштирувчи Кенгаш раҳбари томонидан тасдиқланган, бир неча босқичларни ўз ичига олган йўл харитасига мувофиқ амалга оширилди.

Ҳисоботни тайёрлаш ва мувофиқлаштиришнинг асосий босқичлари:

– ҳисоботни тайёрлаш учун манфаатдор томонлар вакилларида иборат эксперт гуруҳини шакллантириш ва тасдиқлаш;

– Биринчи Ихтиёрий Миллий Ҳисобот доирасида берилган тавсия ва таклифларни инобатга олган ҳолда ҳисоботнинг тузилиши ва мазмунини келишиш;

– зарурий маълумотлар базасини шакллантириш ва қайта ишлашни ташкил этиш, ҳисоботни тайёрлаш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш;

– тайёрланган ҳисоботни оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама қилиш, вилоятлар, маҳаллаларда семинар ва давра суҳбатлари ташкил этиш, ҳисобот лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, фуқаролик жамияти вакиллари, олимлар ва аҳолининг турли қатламлари билан мувофиқлаштириш;

– ҳисоботни Миллий барқарор ривожланиш мақсадлари ва вазифаларини мониторинг қилиш бўйича махсус тузилган парламент комиссияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси) ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқилиши.

Ҳисоботни тайёрлашда статистика агентлигининг расмий статистик маълумотлари, идоравий статистик маълумотлар, миллий ва хорижий ҳисоботлар, илмий-тадқиқот институтларининг ахборот-таҳлилий материаллари, ҳудудларда ўтказилган социологик сўровлар натижалари, амалга оширилаётган Стратегиялар, концепциялар ва мамлакат ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадли дастурларидан фойдаланилган.

Шунингдек, ҳисоботда барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда хорижий давлатларнинг тажрибаси ва ёндашувлари ҳисобга олинган. Алоҳида мақсадларнинг амалга оширилишини баҳолашда тадбиркорлик субъектлари ва маҳаллий аҳоли томонидан амалга оширилган йирик лойиҳалар, ташаббускор тавсиялар ва таклифлар кўриб чиқилди.

БРМнинг бажарилишини мониторинг қилиш механизми. Сўнгги йилларда барқарор ривожланишнинг миллий мақсад ва вазифаларини турли даражаларда амалга ошириш бўйича тизимли мониторингни ташкил этишда сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди.

Ҳукуматнинг 2022 йил 21 февралдаги қарорига биноан Мувофиқлаштирувчи Кенгаш таркиби янгиланиб унга қасаба уюшмалари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маркази вакиллари киритилди, барча миллий мақсадларни қамраб олган олти асосий йўналиш (фаровонлик, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳит, самарали бошқарув) бўйича эксперт гуруҳлари ва миллий индикаторлар ҳамда БРМларга эришишни молиялаштириш чора-тадбирлари бўйича иккита янги идоралараро ишчи гуруҳ тузилди.

Идоралараро эксперт ва ишчи гуруҳлардаги фуқаролик жамияти вакиллари сони сезиларли даражада ошди. Фақатгина 2022 йилда Мувофиқлаштирувчи

Кенгаш экспертлар ва ишчи гуруҳлар билан биргаликда БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар экспертларини таклиф қилиб, БРМнинг бажарилишини мониторинг қилиш, шунингдек, иккинчи Миллий Ҳисоботни тайёрлашни ташкил этиш бўйича 5 та мақсадли учрашув ўтказди.

Таъкидлаш жоизки, Парламент (Олий Мажлис) Ўзбекистонда белгиланган барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш мониторингига қўшилди. БРМларнинг бажарилишини мониторинг қилиш учун парламент ҳузурида махсус Парламент комиссияси ташкил этилган. 2021-2022 йилларда Парламент комиссияси томонидан ҳар чоракда 28 та масъул вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларини жалб қилган ҳолда БРМнинг алоҳида мақсад ва кўрсаткичлари бажарилиши бўйича муҳокама ташкил этилди.

Парламент ташаббуси билан 2021 йилда биринчи марта ўтказилган БРМ ҳафталиги доирасида Ўзбекистон мамлакатлар орасида биринчи бўлиб барқарор ривожланиш соҳасидаги парламентарийларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ташаббуси билан чиқди ва Бухоро шаҳрида "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро глобал ҳамкорлик" мавзусида дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларидан парламент аъзолари иштирок этган биринчи халқаро форумни ташкил этди.

Мониторинг вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ҳокимият органлари даражасида 190 дан ортиқ расмий ҳужжатларда акс эттирилган БРМнинг мақсад ва вазифалари орқали амалга оширилади. Булар қабул қилинган қонунлар, Президент Фармонлари ва Қарорлари, ҳукумат қарорлари, амалга оширилаётган стратегиялар, концепциялар, мақсадли дастурлар ва бошқалар.

БРМни амалга оширишда ёшлар, аёллар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини (маҳаллаларни) жалб қилиш, яъни халқ билан бевосита мулоқот қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусий сектор ва фуқаролик жамиятининг иштирокида, республика – ҳудудлар (вилоят, шаҳар, туман) – маҳалла тизими орқали оммавий ахборот воситаларида кенг қўламли ахборот кўмаги, семинарлар, давра суҳбатлари, ишбилармонлик ўйинлари ва бошқаларни ташкил этиш орқали муҳокама ва маслаҳатлашувлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан БМТ Бош Ассамблеясида ёшлар ҳуқуқлари, марказий осиеда хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Оролбўйи минтақасини экологик, инновацион ва технологик минтақа деб эълон қилиш ва камбағалликни қисқартириш бўйича БМТ Ассамблеясининг махсус сессиясини ташкил этиш бўйича илгари сурилган ташаббусларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Давлат раҳбарининг ушбу ва бошқа ташаббуслари барқарор ривожланиш мақсадларига бевосита мутаносибдир.

2. БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШ УЧУН ИМКОНияТЛАР ВА ҚУЛАЙ МУҲИТ

2.1. Ҳаракатлар стратегиясидаги эришилган натижалар Ўзбекистон барқарор ривожланишининг муҳим асосидир

“2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”га мувофиқ, иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг жадал ўсишига олиб келган катта ўзгаришлар амалга оширилди. Бу мамлакатнинг деярли барча барқарор ривожланиш мақсадларини фаол ва мақсадли амалга ошириш учун кучли туртки бўлди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизими тубдан ислоҳ қилинди. Уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, давлат томонидан тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини жорий этиш, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тартибга солишда давлатнинг ролини камайтириш, уларнинг фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш, ўз навбатида, миллий мақсад ва вазифаларга эришишга кўмаклашадиган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Таъкидлаш жоизки, қонунчилик фаолияти сифатини яхшилаш давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг янги демократик шакллари жорий этиш, қонун лойиҳаларини кенг жамоатчилик вакиллари ва экспертлар ўртасида муҳокама қилиш, шунингдек, қонун лойиҳаларининг халқаро шартномалар ва рейтингларга мувофиқлигини ўрганишга устувор эътибор қаратилмоқда.

Мамлакат парламентининг самарадорлиги сезиларли даражада оширилди. 2017–2021 йиллар давомида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар бўйича аҳоли билан жойларда учрашувлар ва сайёр қабуллар, шунингдек, ижтимоий тармоқларда кўтарилган масалалар бўйича қонунчилик сўровлари сони 8 баробар ошди.

“Ҳеч ким четда қолмайди” тамойили остида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилди. 2017–2021 йилларда Президентнинг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига келиб тушган 5 миллион 780 мингдан ортиқ мурожаатлар кўриб чиқилиб, шундан 3 миллион 288 мингдан ортиғи қаноатлантирилди. Шикоятларни тўлиқ, ўз вақтида ва қонунчиликка асосланган ҳолда кўриб чиқиш натижасида уларнинг қондириши даражаси ҳам йил сайин ортиб бормоқда (2021 йилда 86,7 фоизга етказилди).

Маҳалла модели, яъни аҳоли бевосита яшайдиган энг кичик институт (қуйи) маҳаллада ишлаш тизимига ўтилди.

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Хусусан, кўп йиллар давомида мамлакат аҳолиси учун оғриқли масала бўлиб келган "рўйхатга қўйиш" тизими тубдан ислоҳ қилиниб, 2018–2021 йилларда фуқароликни бериш тартиби соддалаштирилиши натижасида 70 мингдан ортиқ кишига Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги берилди.

Суд фаолиятида олиб борилган салмоқли ўзгаришлар натижасида Суд жараёнида назорат органи бекор қилиниб, суд тизимидаги ортиқча суд босқичларини йўқ қилиш орқали "битта суд – битта инстанция" тамойили жорий этилди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилиб, коррупцияга қарши курашиш институционал ва тизимли асосда олиб борилиши белгиланди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарида Суд-ҳуқуқ ва коррупцияга қарши курашиш масалалари қўмитаси ташкил этилди.

Шу жумладан, гендер тенглигини таъминлаш соҳасида туб ўзгаришлар рўй бериб, 2 та Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 та фармон ва қарорлари, 16 та ҳукумат қарорлари, шунингдек, 2030 йилгача Ўзбекистонда Гендер тенглигини таъминлаш, аёлларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, уларнинг давлат ва жамиятдаги ролини ошириш билан боғлиқ Гендер тенглигига эришиш стратегияси қабул қилинди ҳамда Ўзбекистон Республикасида Гендер тенглигини таъминлаш комиссияси ташкил этилди. Бундан ташқари, Аёл сенаторлар сони қарийб 25 фоизга, депутат аёллар сони эса 33,3 фоизга ошди. Ушбу чора-тадбирлар БРМ 5 - гендер тенглигини таъминлашга мақсадига эришишда ёрдам беради.

Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишига мувофиқ сўнгги беш йилда асосий иқтисодий ислохотлар макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляцияни пасайтириш, солиқ юкини камайтириш ва соддалаштириш, иқтисодий тармоқларини диверсификация қилиш, бизнес учун қулай муҳит яратиш, инфратузилмани яхшилаш, қишлоқ хўжалиги, иқтисодий интеграция ва рақамли иқтисодий ривожлантириш мақсадларига қаратилди.

Ислохотлар ҳамма учун тенг ва эркин рақобат муҳитини яратиш, БРМнинг 10-мақсадига эришишга имкон берди. Ортиқча йиғимларни бартараф этиш ва солиқ ставкаларини меъёрлаштириш туфайли тадбиркорлик субъектларига солиқ юки камайтирилди. Шу билан бирга, мулк, даромад ва ижтимоий солиқлар ставкалари 2 баравар, қўшилган қиймат солиғи 20% дан 12% гача камайтирилди.

2021 йилда мамлакатда **иктисодий фаолликни** таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ЯИМ ўсиш суръати 107,4 фоизни ташкил этди. Жаҳон банкининг 2022 йил январь ойидаги прогнозларига кўра, Ўзбекистон Европа ва Марказий Осиё минтақасида етакчи давлат сифатида қайд этилган бўлиб, 2022-2023 йилларда юқори иқтисодий ўсиш кутилмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ижтимоий ривожланишнинг устувор йўналишлари бўйича сиёсати тубдан ўзгарди. Хусусан, **соғлиқни сақлаш тизимини** такомиллаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1373 та қишлоқ тиббиёт марказлари қисқартирилиб, улар ўрнига 793 та қишлоқ оилавий поликлиникалари, 441 та шошилич тиббий ёрдам бўлимлари ва кундузги касалхоналар очилди. 306 та шаҳар ва туман касалхоналарида янги ихтисослаштирилган поликлиникалар ва 1200 та шошилич тиббий ёрдам бўлимлари ташкил этилди. Худудлардаги кўп тармоқли тиббиёт марказлари 14 та стационар ва рақамли мобил рентген аппаратлари, 8 та МРТ аппаратлари, республика ва 6 та вилоят онкологик муассасалари 6,5 миллион долларга 15 та 2 турдаги гамма-терапия аппаратлари билан жиҳозланди. Ушбу чора-тадбирлар аҳоли саломатлиги учун қулай муҳит яратиб, БРМнинг 3-мақсадига еришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, БРМнинг 4-мақсади **сифатли таълим** соҳасида ҳам қатор ўзгаришлар амалга оширилмоқда, мактабгача таълим муассасалари сони 2017 йилдаги 27,7% дан 2022 йилда 70,0% гача ўсди ва мактабгача таълим муассасалари сони 5 211 тадан 27 609 тагача кўпайди. 2017–2021 йилларда олий таълим муассасалари сони 77 тадан 199 тага, олий таълим муассасаларидаги қабул квотаси эса қарийб 4 баробарга оширилиб, 38 фоизга етказилди. Таъкидлаш жоизки, ёш хотин-қизларнинг таълим олиши учун қўшимча имкониятлар яратилди. 2021 йилдан бошлаб, ҳар йили 3 мингдан ортиқ қиз учун алоҳида грантлар ажратилмоқда. Олий таълим муассасаларида аёлларни тўлов-контракт асосида ўқитиш учун имтиёзли шартларда таълим кредитларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан банкларда маблағ ажратишнинг янги тизими жорий этилди. Юқоридаги барча чора-тадбирлар мамлакат таълим тизимининг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистонда **ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтариш**, бу борадаги муаммоларга ечим топиш, ваколатли органлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида 2020 йилда ёшлар ишлари бўйича Давлат агентлиги ташкил этилди¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–269-сон Фармонида мувофиқ Агентлик Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тасарруфига ўтказилди.

Ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилган янги тизим – "Ёшлар дафтари" ва "Ёшлар дастурлари" жорий этилди. Тизимни рақамлаштиришни, ёшларга бериладиган имтиёзларнинг шаффофлигини таъминлаш ва жойларда ишларни мониторинг қилиш (БРМ 8) имконини берувчи Ягона электрон платформа "**yoshlardaftari.uz**" ишга туширилди.

Таъкидлаш жоизки, аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш мақсадида ишсиз аҳолига хизмат кўрсатувчи "Мономарказ" ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда ҳудудларда **14 та "Ишга марҳамат"** мономарказлари, **30 та** касб-хунарга ўқитиш марказлари, **11 та** қисқа муддатли касб-хунарга ўқитиш курслари, 136 та маҳаллада аҳолини касб-хунарга ўқитиш марказлари фаолият юритаётгани бу борадаги ислохотлар самарасидир (БРМ 8).

Шу билан биргаликда, "Волонтёрлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги янги қонуннинг қабул қилиниши билан волонтёрлар фаолиятини янада ривожлантиришга эришилди.

Умуман олганда, Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш натижасида Ўзбекистонда туб таркибий ва институционал ўзгаришлар рўй берди. Булар, биринчи навбатда, жамиятни демократлаштириш, "ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик" тамойили маҳалланинг миллий модели орқали амалга оширилиши, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашдаги катта ижобий ўзгаришлар (иқтисодий ўсиш ва инвестициявий фаолликнинг нисбатан юқори даражаси, халқаро ҳамкорликни сезиларли даражада кенгайтириш, соғлиқни сақлаш ва таълим ислоҳоти, гендер тенглиги, болалар ва ёшлар билан ишлаш, саноат ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш)дир. Ёшларнинг давлат фаолиятида фаол иштирок этиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Олий Мажлис палаталари ҳузурида ёшлар парламентлари ташкил этилди.

2017–2021 йилларда қонунчилик, институционал ва иқтисодий асосларда яратилган пойдевор 2030 йилгача барқарор ривожланишнинг миллий мақсадлари ва вазифаларига эришишга хизмат қилади.

2.2. Миллий мақсад ва вазифаларга эришиш учун молиявий ресурслар

Дунёда барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун катта молиявий ресурслар талаб этилиб, Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра йилига **2-4 триллион** доллар ёки 2030 йилгача ҳар йили глобал ЯИМнинг **14%** чегараларида ўзгариб туради.

Халқаро валюта жамғармаси ҳисоб-китоблари бўйича, COVID-19 инқирозидан олдин, Ўзбекистон учун БРМга эришиш учун ривожланишни кўшимча молиялаштиришга бўлган умумий эҳтиёж ҳар йили мамлакат ЯИМнинг қарийб **7,9 фоизини** ташкил этиши тахмин қилинган эди. Бироқ инқироз натижасида талаб қилинадиган маблағлар миқдорининг сезиларли даражада ошиши кутилмоқда.

ХВЖ маълумотларига кўра, COVID-19нинг ташқи зарбаси ва ички таъсирини бартараф этиш учун кўшимча ташқи молиялаштириш тахминан **4 миллиард долларни** (ЯИМнинг 7%) талаб этиши кутилмоқда.

Кўшимча молиялаштиришга бўлган эҳтиёжни қондириш давлат ва хусусий инвестицияларни сезиларли даражада оширишни талаб қилади. Аксарият чоратadbирлар мавжуд дастурларни кенгайтириш ёки янги дастурларни яратиш орқали давлат харажатларини кўпайтиришни, шунингдек, хусусий бизнесни БРМларга эришиш учун рағбатлантиришни кенгайтиришни ўз ичига олади.

Умуман олганда, БРМни молиялаштириш ҳолатини яхшилаш бир қатор соҳаларда чора-тадбирлар амалга оширишни талаб этади, булардан:

– давлат томонидан молиялаштиришнинг ресурс базасини кенгайтириш мақсадида давлат даромадлари ҳажмини ошириш ҳамда давлат маблағларини режалаштириш ва сарфлаш самарадорлигини ошириш;

– хусусий секторнинг ривожланиши учун шарт-шароитларни яхшилаш орқали унинг иштироки салоҳиятини кенгайтириш, шунингдек, БРМга эришишни молиялаштиришда (биргаликда молиялаштиришда) иштирок этишни рағбатлантириш;

– давлат-хусусий шерикчилиги хилма-хиллигини кенгайтириш ва фаоллигини ошириш, қўшма молиялаштиришни ривожлантириш.

БРМни молиялаштириш учун давлат ресурсларини сафарбар қилиш бўйича ҳаракатлар биринчи навбатда давлат молия тизимини мустаҳкамлашга қаратилиши керак: солиқ ва солиқдан ташқари даромадларни бошқариш сифатини ошириш, давлат корхоналарини ислоҳ қилиш, давлат харажатлари, шу жумладан натижаларга эътибор қаратилган инвестициялар самарадорлигини таъминлаш, ноқонуний молиявий оқимлар ва коррупцияга қарши курашиш.

Ривожланиш учун давлат томонидан молиялаштириш соҳасидаги вазиятни яхшилаш, давлат фаолияти самарадорлигини ошириш, хусусий бизнесни БРМга эришиш учун жалб қилиш имкониятларига ижобий таъсирини ҳисобга олган ҳолда, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш, аралаш молиялаштириш, молиялаштиришнинг анъанавий концепциясидан натижаларга эътибор қаратилган концепцияга ўтишни

фаоллаштиради, масъулиятли инвестиция ва импакт-инвестициялар тамойилларини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Convergence ташаббуси маълумотларига кўра, 2011–2022 йилларда аралаш молиялаштириш доирасидаги инвестициялар миқдори **172 миллиард долларга** ошди. Давлатнинг мавжуд ресурсларни самарали бошқариш қобилиятини кучайтириш унинг ушбу бозорда фаолроқ иштирок этишига имкон беради.

Шу билан бирга, БРМни молиялаштириш учун ресурсларни жалб қилиш соҳасидаги муҳим йўналиш меъёрий-ҳуқуқий базани ислоҳ қилиш, БРМга йўналтирилган хорижий инвестициялар оқими учун шароит яратиш, шу жумладан солиқ ва солиқдан ташқари имтиёзлар ва преференциялар тизимини қайта кўриб чиқиш орқали хусусий бизнесни ривожлантириш учун шароит яратишдир ва янги бозорларнинг пайдо бўлиши учун шароит яратиш (масалан, экотуризм, эко-қурилиш ва бошқалар), мақсадли инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш (иқлимни молиялаштириш, яшил молия), янги инновацион воситалар (диаспора облигациялари, сукук ва бошқалар)дан кенг фойдаланиш талаб этилади.

Ривожланишни давлат томонидан молиялаштириш соҳасидаги вазиятни яхшилаш, ҳукумат фаолияти самарадорлигини ошириш БРМга эришишда хусусий бизнесни жалб қилиш имкониятларига ижобий таъсир кўрсатиб, давлат-хусусий шериклик лойиҳалари ҳамда кўшма молиялаштиришни амалга ошириш фаоллигини рағбатлантиради. Молиялаштиришнинг анъанавий концепциясидан натижага йўналтирилган молиялаштириш концепциясига ўтишни ва масъулиятли инвестициялар ва таъсирли инвестициялар тамойилларини амалга ошириш имкониятини беради. Convergence ташаббусига кўра, 2011–2022 йилларда кўшма молиялаштиришга йўналтирилган инвестициялар ҳажми 172 миллиард долларгача ошган. Мамлакатнинг мавжуд ресурсларни самарали бошқариш қобилиятини кучайтириш ушбу бозорда янада фаол иштирок этиш имконини беради.

Шу билан бирга, норматив-ҳуқуқий базани ислоҳ қилиш, БРМга йўналтирилган инвестицияларнинг кириб келиши учун шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан, инвестицияларни қайта кўриб чиқиш орқали хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш БРМни молиялаштириш учун ресурсларни сафарбар этиш соҳасидаги муҳим йўналиш ҳисобланади. Солиқ ва солиқдан ташқари имтиёзлар, преференциялар тизими, янги бозорларнинг пайдо бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш (масалан, экотуризм, экоқурилиш ва бошқалар), мақсадли инвестицияларни жалб қилишни кучайтириш (иқлим молияси, «яшил» молиялаштириш), янги инновацион воситалар (диаспора облигациялари ва бошқалар).

2.3. Хусусий сектор ва фуқаролик жамиятининг шаклланган салоҳияти

Ўзбекистонда 2017–2021 йилларда хусусий секторни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Сўнгги беш йил ичида хусусий тадбиркорлар учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида мингга яқин қонун ҳужжатлари, Президентнинг Қарор ва Фармонлари, Ҳукуматнинг расмий ҳужжатлари қабул қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ натижалар куйидагилардан иборат:

– тадбиркорлик соҳасида талаб қилинадиган 114 турдаги лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди ва уларнинг 33 тури ўрнига хабар бериш тартиби жорий этилди;


– тадбиркорлик субъектларини расмий рўйхатдан ўтказиш ва рухсат бериш тартиб-тамоийллари икки баравар қисқартирилди;

– назорат ва текширувларнинг барча турлари (рўйхатда кўрсатилганлардан ташқари) бекор қилинди.

– солиқлар сони 13 тадан 9 тагача қисқартирилди, қўшилган қиймат солиғи, ижтимоий солиқ ставкалари пасайтирилди;

– янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги ва оилавий тадбиркорлар учун юридик шахс ташкил этмасдан микрокредитлар ажратиш механизми яратилди;

– махсус молиявий ёрдам давлат жамғармаси ташкил этилди.



Расм 2.3.1. Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлар сонининг ўзгариш динамикаси (минг дона)²

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурида тадбиркорлик субъектларининг Қонунчилик ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш мустақил институти ташкил этилиб, 3 йиллик қисқа давр, яъни 2019–2021 йиллар мобайнида фаол тадбиркорлар сони 358,8 мингдан 501,7 минггача ёки **1,4 бараварга** кўпайди (2.3.1-расм).


² Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

Давлат томонидан фаол қўллаб-қувватлаш 2021 йилда кичик ва хусусий бизнеснинг ЯИМдаги улушини 55,0% га, қурилишдаги улушини 72,4% га, бандликдаги улушини эса 74,4% га ошириш имконини берди. Хусусий бизнес мамлакат барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим манбаига айланмоқда.

Хусусий сектор билан бир қаторда фуқаролик жамияти субъектларини шакллантириш ва кенгайтиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Сиёсий ўзгаришларга мувофиқ фуқаролик жамияти институтлари қўллаб-қувватланди, шунингдек, жамоатчилик назорати механизмлари кенгайтирилди.

2018–2021 йиллар давомида нодавлат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан 1 270 дан ортиқ лойиҳалар қўллаб-қувватланиб, уларни амалга ошириш учун бюджетдан **117,0 миллиард** сўмдан ортиқ молиявий ресурслар ажратилди.

Ушбу чора-тадбирлар натижасида нодавлат ва нотижорат ташкилотлар сони 20,7% дан кўпроққа ошди (2.3.2-расм).



2.3.2-расм Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлар сонининг ўсиш динамикаси³

187 та йирик фуқаролик жамияти ташкилотлари ўз фаолиятини бошлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурида фуқаролик жамиятининг доимий ваколатхонаси ташкил этилиб, Бюджет маблағлари ҳисобидан мамлакатимизнинг 8 та вилоятида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари фаолият юритмоқда.

Расмий статистик маълумотларга кўра, сўнги 5 йил ичида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг маблағлари 12 баробардан кўпроқ ошди.

Умуман олганда, фуқаролик жамиятини самарали ривожлантиришнинг фаол жараёни мавжуд бўлиб, унинг фаолияти Қонунчилик ва ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришни талаб қилади.

³ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

2.4. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифалар билан ўзаро боғлиқлиги

"Инсон шаъни ва кадр-қиммати йўлида" тамойилига асосланган ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил 28 январда тасдиқланган "2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси" (бундан буён матнда Тараққиёт стратегияси деб юритилади) ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда.

Тараққиёт стратегиясининг асосий мақсадлари: халқ фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини сўзсиз ҳимоя қилиш, фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборат.

Тараққиёт стратегиясида қуйидаги устувор йўналишлар кўзда тутилган:

- инсон шаъни ва кадр-қимматини юксалтириш, эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали инсонпарвар давлат барпо этиш;
- адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини мамлакат тараққиётининг асосий ва зарур шартига айлантириш;
- миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;
- адолатли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш ва инсон капиталини ривожлантириш;
- маънавий тараққиётни таъминлаш ва бу соҳани янги босқичга олиб чиқиш;
- глобал муаммоларга миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ёндашиш;
- мамлакат хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат юритиш.

Стратегиянинг юқоридаги асосий йўналишлари 100 дан ортиқ аниқ мақсадларни қамраб олган.

Барқарор ривожланишнинг миллий мақсадларини Тараққиёт стратегиясининг мақсадлари билан таққослаш уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва мутаносиблигини англатади ва шу билан бирга, муайян аниқ вазифалар ва индикаторлар кесимида уларнинг ўзаро боғлиқлик даражаси 60% дан ошмайди. Буни минтақавий муаммоларнинг аҳоли эҳтиёжлари ва талабларини иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа, жамиятни демократлаштириш ва хўжаликни юритишнинг бозор механизмларини ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда Тараққиёт стратегиясида устуворлик берилганлиги билан тушунтириш мумкин.

Алоҳида мақсадлар кесимида қуйидаги ўзаро боғлиқликларни кўриш мумкин:

- Барқарор ривожланишнинг 1-мақсади Тараққиёт стратегиясининг 53 ва 85-мақсадларига;
- 2-мақсад – 30, 32, 45-мақсадларга;
- 3-мақсад – 55-59, 60 ва 63-65-мақсадларга;

- 4-мақсад – 37-44-мақсадларга;
- 5-мақсад – 60 ва 69-мақсадларга;
- 6-мақсад – 31 ва 34-мақсадларга;
- 7-мақсад – 22, 24, 26 ва 31-мақсадларга;
- 8-мақсад – 21-36 ва 86-мақсадларга;
- 9-мақсад – 51-мақсадга;
- 10-мақсад – 66 ва 85-мақсадларга;
- 11-мақсад – 34, 36, 76 ва 80-мақсадларга;
- 12-мақсад – 79-мақсадга;
- 13-мақсад – 79-81-мақсадларга;
- 15-мақсад – 80 ва 81-мақсадларга;
- 16-мақсад – 11, 12, 14, 82 ва 89-мақсадларга;
- 17-мақсад – 26, 51 ва 96-мақсадларга мос келади.

Умуман олганда, **Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси барча Миллий мақсад ва вазифаларни ўз ичига олган** бўлиб, уларга 2030 йилгача эришиш учун яхши асос яратади. Бунда асосий муаммо, Тараққиёт стратегияси ва БРМнинг алоҳида мақсадлари ва вазифаларини амалга ошириш доирасида аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлади.

2.5. Барқарор ривожланишга эришишда парламентнинг роли

Ўзбекистонда ижро ва мониторингни таъминлашда Парламент қошида махсус комиссияси ташкил этилган Олий Мажлис муҳим роль ўйнайди. Комиссия кенг қўламли ва изчил асосда иш олиб бормоқда. Комиссия мажлисида барча миллий мақсад ва вазифаларни қамраб олувчи аниқ чора-тадбирлар мутасадди вазирлик ва идораларни тинглаш, ҳукумат аъзоларига парламент, сенаторлик ва депутатлик сўровларини юбориш орқали муҳокама қилинади ва қабул қилинади.

Қонунларни кўриб чиқиш жараёнида улар барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги иштироки асосида баҳоланади. Парламентга жойларда белгиланган мақсад ва вазифаларга эришишни ҳисобга олган ҳолда мониторинг функцияларини бажариш, ижро этувчи органлар фаолиятини баҳолаш ваколати берилган.

Мамлакат парламентини миллий мақсадларга эришишнинг асосий амалга оширувчилари қаторига киритиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг бевосита ташаббусидир.

БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев БРМни амалга оширишда парламентнинг ролини ошириш бўйича махсус резолюция қабул қилиш таклифини илгари сурди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, 14 йил 2022 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан таклиф этилган "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги резолюцияни бир овоздан маъқуллади. Дунёнинг 80 мамлакати қабул қилинган ҳужжатнинг ҳаммуаллифидир.

Резолюцияда парламентларнинг COVID-19 пандемиясидан тикланишни қўллаб-қувватлаш ва барқарор ривожланиш бўйича ишларни тезлаштириш учун бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва қўп томонлама ҳамкорликка содиқлигини кўрсатишдаги муҳим роли таъкидланган. Гендер тенглигини таъминлаш, ёшларнинг ҳиссасини ошириш, "Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик" тамойилини амалга ошириш, Қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, Ихтиёрий Миллий Ҳисоботлар тайёрлашда иштирок этиш, сиёсий форумлар ўтказиш, жамоатчиликни хабардор қилиш, ногиронларни қўллаб-қувватлаш, парламентлараро ҳамкорликни кенгайтиришни таъминлашда Парламентнинг ролига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Парламентининг 2021-2022 йиллардаги тажрибаси белгиланган миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, уларни ҳуқуқий-қонунчилик, институционал ва иқтисодий қўллаб-қувватлашда муҳим салоҳият бўлиб хизмат қилмоқда.

3. МАМЛАКАТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИДАГИ ХАВФ ВА ТАҲДИДЛАР

Мамлакатда барқарор ривожланишнинг миллий мақсад ва вазифаларига эришишни таъминлаш механизмлари юзага келиши мумкин бўлган ташқи ва ички таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этишни эътиборга олишлари лозим.

Ташқи таҳдид ва хатарлар асосан глобал сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий сиёсатдаги кескинликнинг кучайиши билан боғлиқ. Нуфузли халқаро ташкилотлар (Жаҳон банки, Осиё банки, БМТ ва бошқалар) ҳисоб-китобларига кўра, келгуси йилларда дунёнинг йирик давлатлари (АҚШ, Хитой, Россия ва Европа Иттифоқи) ўртасида савдо мунозаралари кучайиши ва инвестиция шартларининг кескинлашиши билан боғлиқ ҳолда жаҳон иқтисодиётида пасайиш тенденциялари кузатилади.

Жаҳон иқтисодий конъюнктурасида ноаниқлик ва беқарорлик кузатилиб, бу протекционистик қайфиятнинг кучайишига ва турли санкциялар режимларининг жорий этилишига олиб келади. Бу аҳоли ва алоҳида давлатлар иқтисодиётининг эҳтиёжларини ўзини ўзи таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ўтказилишига туртки беради.

Узоқ муддатли барқарор халқаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг узилиши товарлар ва хизматларни сотиш ва сотиб олиш учун янги бозорларни, транспорт коридорларини ва логистикани топиш ва қидиришни талаб этади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари, нефть-газ ва стратегик хомашё нархларининг беқарор ва тез ўзгариб туриши БРМни амалга оширишда рақобатбардошликни кучайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, янги инновацион технологияларни жорий этишни жадаллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш, яшил иқтисодиётни ривожлантириш, инфляцион қутилмаларга қарши курашиш бўйича аниқ чораларни кўришга қаратилган самарали механизмларни топишни тақозо этади.

БРМга эришиш мамлакатлар ўртасида ҳам, мамлакатлар ичида ҳам тенгсизликнинг кучайиши билан боғлиқ ва ўсиб бораётган норасмий миграция оқимларини бошқариш каби глобал муаммоларни ҳисобга олишни талаб қилади.

Глобал иқлим ўзгариши ва унинг оқибатлари билан боғлиқ хавфларни таъкидлаш жоиз. БМТ маълумотларига кўра, дунёда ўртача ҳарорат ва барқарор ўсиш тенденцияси ўртасида боғлиқлик мавжуд. Натижада дунё аҳолисининг 40% дан ортиғи иқлим ўзгаришига қарши ҳимоясиз бўлиб қолмоқда. 2010–2020 йиллардаги табиий офатлар натижасида 1,2 миллиондан ортиқ одам ҳалок бўлди ва иқтисодий зарар қарийб 3,0 трлн. долларни ташкил этди. Иқлим ўзгариши ва унинг оқибатлари яқин 30 йил ичида жаҳон иқтисодиётига 8 триллион долларга тушиши прогноз қилинмоқда. Салбий оқибатларга озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар, жумладан, ҳосилдорликнинг пасайиши, сув танқислигининг

ошиши, ерларнинг деградацияси, касалланишнинг ошиши ва бошқалар киради. Ушбу ҳолат деярли барча БРМга эришишга бевосита таъсир қилади.

Иқлим ўзгариши табиий офатларнинг юзага келиш хавфини ҳам оширади. Булар Марказий Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда тошқинлар, қурғоқчилик ва сув етишмаслиги, сел ва қум бўронларидир. Табиий офатларга тез-тез бўладиган зилзилалар ҳам киради ва ушбу ўзгаришлар уларнинг олдини олиш ва салбий таъсирини камайтириш учун қўшимча чоралар ишлаб чиқишни талаб қилади (13-мақсад).

Жаҳон банки Ўзбекистон учун иқлимий хавфлар бўйича қуйидагиларни кўрсатган:

- Ўзбекистонда исиш даражаси прогноз қилинаётган дунёдаги ўртача кўрсаткичдан анча юқори;

- каттик қурғоқчиликнинг йиллик эҳтимоли сезиларли даражада ошади;

- худуднинг бошқа қисмларида ҳарорат кўтарилиши ва музликлар эриши Ўзбекистоннинг энг катта дарёлари – Амударё ва Сирдарёда 17 йилдан сўнг сув танқислиги юзага келишига олиб келади;

- Ўзбекистонда ҳароратнинг прогноз қилинаётган ўсиши, қурғоқчилик тезлигининг ошиши ва сув танқислиги туфайли 30 йил давомида мамлакатнинг асосий қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги 2000–2009 йилларга нисбатан 25-63% га камайиши;

- ўртача ҳароратнинг кўтарилиши иссиқлик стресси ва ўткир ичак инфекциялари, бактериал дизентерия каби касалликлар ва безгакнинг қайта пайдо бўлиш хавфи ортиши туфайли Ўзбекистонда аҳоли саломатлигига таҳдид солиши.

Ташқи хатарлар макроиктисодий барқарорликка, мамлакатнинг озик-овқат, энергетика, технологик, ахборот ва экологик хавфсизлигини таъминлашга маълум даражада таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон учун ички хавфлар асосан аҳолининг сезиларли даражада юқори ўсиш суръатларидан келиб чиқади. Сўнгги 30 йил ичида аҳоли сони 14,2 миллион кишига кўпайди ва 2022 йил охирида 35,3 миллион кишидан ошди. Фақат сўнгги уч йил ичида (2019–2021) аҳоли сони 1,4 миллион кишига ошди. Прогнозларга кўра, 2030 йилга келиб Ўзбекистон аҳолиси **40 миллион** кишига етади ва бу Марказий Осиё мамлакатлари аҳолисининг деярли ярмини ташкил қилади.

Юқори демографик салоҳият барча миллий мақсадларни амалга оширишга таъсир қилади (камбағалликни қисқартириш, озик-овқат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш, сифатли таълим, инфратузилмани ривожлантириш, шаҳарсозлик, экологик барқарорлик) ва бандликка қўшимча босим кўрсатади.

Сув ресурсларининг, шу жумладан иқлим ўзгариши натижасида камайиши сув ресурсларини бошқариш, сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва қўшимча сув манбаларини топиш бўйича фаол чораларни талаб қилади (БРМ 6-мақсад). Ерларнинг деградацияси ва чўлланиш тенденциялари қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши ва экологик барқарорликка салбий таъсир қилади (2-мақсад, 1-мақсад ва 15-мақсадлар).

Орол денгизининг қуриши ва мамлакатнинг Оролбўйи ҳудудининг барқарор ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни (15-мақсад), шунингдек, зилзила, сув тошқини ва бошқа фавқулодда вазиятлар хавфини алоҳида таъкидлаш зарур.

Умуман олганда, потенциал ва реал хавфлар қабул қилинган барқарор ривожланиш мақсадлари ва вазифаларига эришишга бевосита таъсир қилади, бу эса уларнинг оқибатларининг олдини олиш ва камайтириш учун аниқ механизмларни (стратегиялар, концепциялар, мақсадли дастурлар) ишлаб чиқишга, қўшимча чора-тадбирларни қабул қилишга ва молиявий ресурсларни жалб қилишга олиб келади.

4. МИЛЛИЙ БАҲҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА ЭРИШИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

4.1. Инсон шаъни ва кадр-қиммати йўлидаги кенг қўламли ислохотлар

Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига ишонч билан қадам қўймоқда. 2022–2026 йилларда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида "Инсон шаъни ва кадр-қиммати йўлида" тамойили ўрин олган. Ушбу тамойил, энг аввало, Ўзбекистон Конституциясининг янги таҳририда (2023 йил апрель) алоҳида кўрсатилган.

Ўзбекистон Конституциясининг асосий мақсади халқимиз учун муносиб турмуш шароитини яратишдир. Давлатнинг расмий мажбуриятларига – муҳтожларни уй-жой билан ва турмуш кечириш учун зарур бўлган энг кам иш ҳақи миқдорини таъминлаш, кафолатланган тиббий ёрдам ва таълим, ногиронларни қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва бошқалар киради.

2022 йил "Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" деб эълон қилинган, 2023 йил эса "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" сифатида номланиб, тегишли давлат дастурлари амалга оширилмоқда.

Аҳоли фаровонлигини ошириш соҳасидаги эришилган натижалар ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар – камбағалликни қисқартириш (1-мақсад), овқатланиш рационини яхшилаш (2-мақсад), соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш (3-мақсад), умумқамровли сифатли таълимни таъминлаш (4-мақсад), хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш (5-мақсад), эркалар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш (8-мақсад) ва ижтимоий тенгсизликни қисқартириш (10-мақсад) дан иборат.

Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда инсон шаъни ва кадр-қимматини таъминлаш борасидаги асосий ютуқлари:

– 2021 йил август ойида Вазирлар Маҳкамасининг “Минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тартибини амалиётга жорий этиш тўғрисида” ги қарори қабул қилинган бўлиб, у камбағаллик чегарасини аниқлаш кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади. Миллий статистика маълумотларига кўра, ушбу кўрсаткичнинг амалга оширилиши камбағаллик чегарасидан паст бўлган аҳоли улушини 2020 йилдаги 11,5 фоиздан 2021 йилда 17 фоизга етказди. Бу аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини нафақалар билан қамраб олиш даражаси ошганидан далолат беради. Бироқ World Poverty Clock маълумотларига кўра,

камбағаллик чегарасидан пастда яшаётган аҳоли улуши (Жаҳон банки мезони кунига **1,9 доллар**) 2020 йилдаги **11 фоиздан** 2023 йилда **9 фоизгача** камайди;

– 2019–2021 йилларда халқаро камбағаллик чегарасидан пастда яшаётган аҳоли улуши (мезон кунига 1,9 АҚШ доллари) 5,9% дан 5,4% гача камайди. Камбағалликнинг миллий мезонига (минимал истеъмол харажатлари) кўра, кам таъминланганлар улуши 2021 йилдаги 17,0 фоиздан 2022 йилда 14,0 фоизгача камайди. Маҳалла даражасида аҳолининг кам таъминланган қатламларини ҳисобга олиш ва манзилли кўллаб-қувватлаш асосида камбағалликни қисқартиришнинг миллий модели шакллантирилди;

– Ўзбекистон 2019–2022 йилларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича энг юқори натижага эришган 10 та давлат орасида биринчи ўринни эгаллади. Полиз экинлари, картошка, сабзавот, узум, мева, резаворлар ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш сезиларли даражада ошди. Ер муносабатлари соҳасида салмоқли ишлар бошлаб юборилди. Шу жумладан, 100 минг гектар экин майдонлари 400 минг нафар деҳқонлар ихтиёрига топширилди ва бу ўз ўрнида эса қўшимча 1,5 миллион тонна озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳамда 100 минг нафар қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлаш имконини бермоқда;

– болалар ва гўдаклар ўлими сезиларли даражада пасайди (2017–2021 йилларда болалар ўлими ҳар 1000 та тирик туғилган чақалоқ нисбатига 15,4 дан 12,3 гача, гўдаклар ўлими эса (чегара қиймати 10 бўлган ҳолатда) ҳар 1000 нафар туғилган чақалоққа 11,5 дан 9,2 коэффицентгача пасайди. Сўнгги йилларда кузатилаётган соғлиқни сақлашни соҳасини молиялаштиришнинг барқарор ўсиши – 2017 йилда 7,1 трлн. сўм, 2019 йилда 12,1 трлн. сўм ва 2021 йилда эса 19,4 трлн. сўмни ташкил этди. Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси чекка ҳудудлардаги маҳаллаларда ҳам сезиларли даражада янгиланди;

– Ўзбекистонда таълим ва тарбия барқарор ривожланиш гарови деб эълон қилинган. Фақат 2019–2022 йилларнинг ўзида болаларни мактабгача таълим билан камраб олиш даражаси 46,6 фоиздан 70,0 фоизгача оширилди ва мазкур ислохотлар ЮНЕСКО ташкилоти томонидан юқори баҳоланди. Сўнгги йилларда олий ўқув юртлари сони 108 тадан 199 тага етди ва ўз ўрнида олий таълим билан камраб олиш даражаси 9 фоиздан 38 фоизга кўтарилди. Барча бўғинларда таълим тизимининг сифатини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда;

– гендер тенглигини таъминлашга бағишланган қонун ҳужжатлари ҳаётга татбиқ этилиб, («Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»), «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар, «2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер

тенгликка эришиш стратегияси»). Булар натижасида: 2019–2021 йилларда ОТМларда тахсил олаётган қизлар сони 2 баробар ошди, 2021 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаолият юритувчи хотин-қизларнинг улуши 32,0 фоизга, Сенатдагилар 24,0 фоизга ва раҳбарлик лавозимларидагилар 28,8 фоизга ошди. Хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва ҳозирги кунга келиб, тадбиркорлик фаолиятида хотин-қизларнинг улуши 35,0 фоизга етказилди. Жаҳон банкининг хотин-қизлар, бизнес ва қонун индексида Ўзбекистон 2020 йилда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва гендер тенглик бўйича аҳамиятга молик ислоҳотларни амалга оширган 27 та давлат қаторидан жой олди;

– амалга оширилаётган ёшларга оид сиёсат устувор йўналиш бўлиб, уни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг ҳуқуқий, институционал ва иқтисодий механизмлари биринчи навбатда бандлик ва таълим соҳаларида қабул қилинди ва амалга оширилди (2021 йилда 35 ёшгача бўлган ёшлар сони мамлакатимиз аҳолисининг 55,0 фоизини ташкил этган);

– аҳолининг, жумладан, кам таъминланган фуқароларни уй-жой билан таъминлаш имкониятларини яхшилашда катта силжишлар рўй берди. 2017–2022 йиллар мобайнида мамлакатимизда намунавий лойиҳа бўйича 300 минг хонадон ва яқка тартибдаги уй-жойлар қуриб, фойдаланишга топширилди ва бу кўрсаткич мустақилликнинг ўтган йилларига нисбатан 10 баробар кўпдир. Шу билан бирга, сўнгги 3 йилда ипотека кредитлари асосида аҳолини уй-жой билан таъминлаш чора-тадбирлари натижасида мазкур кўрсаткич ортиб бормоқда.

Қуйида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган барқарор ривожланишнинг алоҳида мақсадлари келтирилган.



1-мақсад. Аҳолининг кам таъминланганлик даражасини ҳар томонлама қисқартириш.

Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш моделини ҳаётга татбиқ этиш орқали тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2019–2021 йилларда халқаро камбағаллик чегарасидан пастда яшаётган мамлакат аҳолиси улуши қунига 3,2 АҚШ долларидан кам даромад топиш мезони бўйича 26,3 фоиздан 25 фоизга, қунига 1,9 АҚШ долларидан кам даромад топиш мезони бўйича эса **11,0 фоиздан 9,0 фоизгача** камайди.

2021 йилдан бошлаб республикада камбағалликнинг миллий даражаси минимал истеъмол харажатлари асосида ҳисобланиб келмоқда ва ушбу мезонга кўра 2021 йилда камбағаллик **17 фоизни**, 2022 йилда эса **14 фоизни** ташкил этди. Озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг минимал даражаси методологиясига кўра, 2021 йилда камбағаллик даражаси **11,0 фоизгача**, жумладан, шаҳарларда **8,9 фоизгача**, қишлоқ жойларда **14,0 фоизгача** тушди.

Мамлакатда камбағалликни қисқартириш соҳасида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда:

– аҳоли даромадларини оширишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш. Ҳар йили истеъмол нархларининг ўсиши муносабати билан давлат хизматчиларининг иш ҳақи, пенсия ва нафақалар индексация қилинади, индексация натижасига кўра аҳолининг энг камбағал **40 фоиз** қатлами даромадларининг ўсиш сурати (2021 йилда **122,4%**) аҳоли жон бошига ўртача даромаднинг ўсиш суръатига (**121,8%**) караганда тез суръатлар билан ўсиб бормоқда;

– “**Ижтимоий ҳимоя ягона реестри**” ахборот тизими ва “**Маҳаллада ижтимоий хизмат**” модули орқали ижтимоий хизматлар кўрсатиш жорий этилди, мазкур платформалар ёрдамида кам таъминланган оилаларни аниқлаш, уларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамлар тайинлаш, хизматлар кўрсатиш ишлари амалга оширилмоқда. Биринчи босқичда **20 дан** ортиқ хизмат турлари камраб олинган бўлиб, кейинчалик ижтимоий хизматларни **70 туригача** босқичма-босқич кенгайтириш режалаштирилмоқда;

– кам таъминланган оилаларнинг ишсиз аъзоларини бандлиги ўқишга, профессионал таълимга ва тадбиркорликка жалб қилиш орқали таъминланмоқда. Ҳар бир маҳаллада ишсиз деб топилган, ишлаш ёки тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизлар ва ёшлар рўйхати шакллантирилган бўлиб, турли касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш курслари харажатларининг **70 фоизини** давлат томонидан қоплаш механизми йўлга

қўйилган. “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар” да рўйхатга олинган аҳоли учун тренинг ва машғулотлар мутлақо бепул. Ўқув курсларини тамомлаган фуқароларга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказишдан тортиб, ўз фаолиятини йўлга қўйишгача бўлган амалий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, меҳнатга лаёқатли бўлган ногирон хотин-қизларни иш билан таъминлайдиган тадбиркорлик субъектларига олти ой давомида хар ой субсидиялар ажратиб борилади;

– аҳолини касб-ҳунарга ўргатиш тизими камбағалликни қисқартиришнинг муҳим омили эканлигини инобатга олган ҳолда 2021 йил якунига қўра **85 минг нафар фуқаро ўқитилди**, шундан **53 минг нафари хотин-қизлар** ва **26 минг нафарини эркаклар** ташкил этади. 2020-2021 йилларда “Темир дафтар” да рўйхатга олинган оилаларнинг **668,2 минг нафар** кам таъминланган аъзоларининг бандлиги таъминланди. Шунингдек, мазкур янги тизим асосида 76,5 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди ва 170 минг нафар ишсиз фуқаро касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитилди. Фермер ва деҳқон хўжалиklarини ривожлантириш ҳисобига 527 минг нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Томорқаси бўлган тадбиркорларга 300 миллиард сўм имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратилди.

– хотин-қизлар ўртасида камбағалликни қисқартиришга қаратилган таълим тизими инклюзив ривожлантирилмоқда. 2022 йилдан бошлаб олий ўқув юртлари, техникум ва коллежларда таҳсил олаётган хотин-қизларнинг таълим контрактларини тўлаш учун давлат томонидан 7 йил муддатга фоизсиз таълим кредитлари ажратилган. Шу билан бирга, давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида таҳсил олаётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловлари қайтармаслик шarti билан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

– чет давлатларга ишлаш учун кетаётган фуқароларни касб ва мутахассисликлар бўйича ўқитган ва дастлабки тайёргарликдан ўтказган ҳолда уюшган меҳнат миграциясини амалга ошириш меҳнат мигрантлари оилалари даромадларини оширишга ва қишлоқларда ҳудудларда камбағалликни қисқартиришга катта ҳисса қўшмоқда. Мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш учун 2020-2021 йилларда **95 миллиард сўм** маблағ йўналтирилиб, **74 минг нафар** меҳнат муҳожирлари ўқитилди;

– ижтимоий ҳимоя тизимида манзилли ишлашни кучайтириш ва барча муҳтожларни ижтимоий ҳимоя чоралари билан тўлиқ қамраб олиш кўзда тутилган бўлиб, 2017–2021 йилларда барча турдаги пенсия ва нафақаларни (ёшга доир пенсиялар, ногиронлик бўйича нафақа ва бошқалар) олувчи аҳоли сони

3,3 миллиондан нафардан **4,3 миллион** нафарга, ўртача ойлик пенсия миқдори эса қарийб икки баробарга оширилди. Кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимояси **435 мингдан 2 миллионга** (8 миллиондан ортиқ киши) ошди. Шу муносабат билан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга давлат харажатлари **7 баравар**, ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса **0,8 фоиздан 2,5 фоизга** ошди;

– кам таъминланган аҳолини шинам уй-жой билан таъминлаш даражасини ошириш учун қулай шароитлар яратилди. Аҳолини уй-жой билан таъминлашни кенгайтириш мақсадида имтиёзли кредитлашнинг энг қулай шартлари жорий этилди ва ипотека кредитларини олиш тартиби соддалаштирилди. Кам таъминланган фуқароларга яқка тартибдаги уй-жой қуриш учун ажратилган ипотека кредитлари бўйича биринчи беш йил давомида Давлат бюджетидан фоиз ставкасини қоплаш учун ва ипотека кредити бўйича дастлабки тўловнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар ажратилмоқда. Охириги 3 йилда **91,8 мингта** кўп болали, меҳнатга лаёқатсиз ногирон, болалиқдан ногирон бўлган ёлғиз кексалар бўлган оилалар турар жой билан таъминланиб, яшаш шароитлари яхшиланди.

2019–2021 йилларда эришилган асосий натижалар:

– туб институционал ислохотлар амалга оширилди, камбағалликни қисқартириш учун масъул вазирликлар ва ҳудудий тузилмалар ташкил этилди;

– миллий камбағаллик чегараси аҳолининг минимал истеъмол харажатларидан келиб чиққан ҳолда расман қабул қилинди;

– Ўзбекистон аҳолисини 2030 йилгача ижтимоий-ҳимоя қилиш стратегияси ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда;

– маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла) даражасида аҳолининг кам таъминланган қатламларини ҳисобга олиш ва манзилли қўллаб-қувватлашнинг янги миллий модели жорий этилди;

– замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, хусусан, давлат томонидан ижтимоий ёрдами кўрсатишни рақамлаштириш имконини берувчи **“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”** ахборот тизими жорий этилди;

– маҳалла даражасида аҳолининг алоҳида қатламлари (аёллар, ёшлар, кексалар, ногиронлар) бўйича табақалаштирилган ҳолда энг муҳтож оилаларни ҳолисона баҳолаш ва рўйхатини шакллантириш амалга оширилмоқда;

– кам таъминланган оилалар аъзоларини мономарказларда ўқитиш ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш учун саноат, ёшлар, тадбиркорлик зоналарида янги иш ўринлари яратиш бўйича махсус механизмлар ишлаб чиқилди ва бандликнинг ностандарт шакллари (хўжалик ишлари, шахсий томорқа) ривожлантирилмоқда.

Камбағалликни камайтириш бўйича кейинги қадамлар:

– камбағаллик даражасини жинси, ёши, яшаш жойи бўйича ажратилган миллий мезон бўйича баҳолаш;

– болалар, аёллар, ёшлар, қариялар ва ногиронлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган камбағалликни қисқартириш стратегиясини қабул қилиш;

– аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини амалга ошириш, унинг манзиллилиги ва самарадорлигини ошириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш хизматлари сифатини ошириш, барча муҳтожларни ижтимоий ҳимоя чоралари билан тўлиқ қамраб олишга эришиш;

– аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда шинам уй-жойлар қурилишини таъминлаш бўйича республика ҳудудларида мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш;

– 2030 йилгача аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг иқлим ўзгариши ва бошқа хавф-хатарларга чидамлилигини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларини фавқулодда вазиятлардан ҳар томонлама муҳофаза қилиш концепциясини ишлаб чиқиш;

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясига мувофиқ камбағалликни 2 баробарга қисқартиришни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.



2-мақсад. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, овқатланиш рационини яхшилаш ҳамда қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан 2019 йил октябрь ойида қабул қилинган “Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси” кўплаб йирик ислохотларни амалга оширишга хизмат қилди, хусусан, 2020 йилда пахта хомашёси, 2022 йилда эса ғалла етиштириш учун давлат буюртмаси тизимининг бекор қилиниши, шунингдек, пахта ҳосилини йиғиб олишда мажбурий меҳнатдан фойдаланишни тизимли равишда йўқотишга эришилди.

Озиқ-овқат бозорларида коронавирус пандемияси келтириб чиқарган ноаниқлик ва нархларнинг ўзгарувчанлигига қарамасдан Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида маҳаллий ва минтақавий даражада жадаллик билан ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.


Сўнгги йилларда пахта ва узум ҳосилдорлигини сезиларли даражада оширишга эришилди. Бироқ қурғоқчилик даражаси ортиши ва юзага келаётган иқлим аномалиялари туфайли бир қатор асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлигида пасайиш кузатилмоқда. Хусусан, полиз экинлари ҳосилдорлиги **17,6 фоизга**, сабзавот ҳосилдорлиги **14,3 фоизга**, дон ва маккажўхори **6,1 фоизга**, картошка **2,6 фоизга**, буғдой ҳосилдорлиги **1,6 фоизга** камайди.

Сўнгги йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг барқарор тизимларини яратиш бўйича амалга оширилган тизимли чора-тадбирлар натижасида пахтадан бўшатиш ерлардан фойдаланиш ҳисобига мевали боғлар ва узумзорлар доимий экин майдонлари кўпайтирилди, 2016 йилда **349 минг гектар** майдонда ёки умумий экин майдонининг **9,4 фоизида** мева ва узум етиштирилган бўлиб, 2019 йилга келиб, уларнинг майдонлари **456 минг гектар**, 2021 йилда эса **496 минг гектарга** етди. Шунингдек, ҳосилдорлиги паст бўлган анъанавий боғлар аста-секин ҳосилдорлиги юқори бўлган интенсив боғларга айлантирилмоқда. Бу силжишлар қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратади.

2020-2021 йилларда Ўзбекистон пахта етиштириш ва мева-сабзавотчиликда сув тежовчи технологияларни жорий этишни фаол қўллаб-қувватлай бошлади. Пахта етиштиришда сув тежовчи технологияларга инвестицияларни қўшма молиялаштириш учун республика бюджетидан 2019 йилда **120 млрд сўм**, 2020 йилда **132 млрд сўм**, 2021 йилда **199 млрд сўм**, шунингдек, 2020-2021 йилларда мева-сабзавотчиликда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш учун **90 млрд сўм** маблағлар йўналтирилди. Интенсив боғлар учун томчилатиб суғориш ва бошқа сув тежовчи технологияларни инвестиция пакетига киритиш бўйича

меъерий талаблар қабул қилинди. Натижада сув тежовчи технологиялар билан суғориладиган майдонлар 2018 йилдаги **1,7%** дан 2021 йилда **19,6%** га кескин ошди.

Полиэ экинлари етиштириш ҳажми 2019 йилдаги **2 068,7 минг тоннадан** 2021 йилда **2 285 минг тоннага** ёки **10,5%** га ўсди. Шу билан бирга, картошка - **6,6%** га, сабзавот – **6,3%** га, узум – **5,7%** га, мева ва зираворлар – **3,6%** га ўсди. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда сезиларли даражада ўсиш қайд этилди, гўшт (тирик вазнда) – **6,7%** га, сўт – **5,3%** га, тўхум – **3,6%** га (2.1-расм).



2.1-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, минг тонна⁴

Қайд этиш жоизки, Global Food Security Index (GFSI) рейтингда Ўзбекистон 2019–2022 йилларда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида энг илғор 10 та давлат орасида биринчи ўринни эгаллади ва бу даврда ўз кўрсаткичларини 6,1 баллга яхшилаб олиш билан бир қаторда умумий рейтингда 85-ўриндан 73-ўринга кўтарилди.

2.1-жадвал

Ўзбекистон халқаро GFSI рейтингдаги ўрни⁵

2022 й. Ўрни	2019–2022 йилларда GFSI рейтингдаги ТОП 10 мамлакатлар	2019 й. Балл	2022 й. Балл	Δ
73	Ўзбекистон	51,4	57,5	+6,1
41	Саудия Арабистони	65,0	69,9	+4,9
29	Болгария	68,2	73,0	+4,8
88	Руанда	47,0	50,6	+3,6
58	Гватемала	59,7	62,8	+3,1
108	Мадагаскар	37,6	40,6	+3,0
54	Аргентина	62,3	64,8	+2,5

⁴ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

⁵ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

18	Коста Рика	74,9	77,4	+2,5
71	Украина	55,5	57,9	+2,4
4	Франция	77,9	80,2	+2,3
Манба: https://impact.economist.com/sustainability/project/food-security-index				

Келгусида амалга ошириладиган ишлар:

- ҳосилдорлиги паст ерларда пахта ва ғалла етиштиришни босқичма-босқич қисқартириш ҳамда бўшатишган ерларда сабзавотлар ва кўп йиллик ўсимликлар экилишини йўлга қўйиш;
- мавжуд эски боғ ва узумзорларни интенсив боғларга босқичма-босқич айлантириш, шунингдек, юқори технологияли агротехник тадбирлардан фойдаланган ҳолда янги интенсив боғлар барпо этиш ва бўшаган ерларда мева-сабзавотлар етиштириш. 2030 йилда интенсив боғларнинг умумий экин майдонларидаги улушини 50% га етказиш ҳисобига ҳосилдорликни камида 3-4 баробар ошириш имконини яратиш;
- қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини оширишни мукофотлаш ва рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш;
- кичик ва оилавий фермер хўжалиқларининг ҳосилдорлиги ва даромадларини ошириш учун хизматлар, билимлар, бозорлар, ресурслар ва пул маблағларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;
- ҳар йили 200 минг гектар майдондаги экинларни суғоришда ресурс тежовчи илғор технологияларни жорий этиш, экинларни суғориш ва қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради;
- биологик хилма-хилликка бевосита таъсирни камайтириш, унумдор ландшафтларда унинг таркибий қисмларидан барқарор фойдаланиш;
- қишлоқ аҳолисининг даромадларини ошириш ва аҳолининг барча қатламлари учун соғлом овқатланишнинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаш.



3-мақсад. Соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва барча ёшдаги кишиларнинг фаровонлигига кўмаклашиш.

Сўнгги йилларда аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича белгиланган мақсадларга эришишда ижобий тенденциялар кузатилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда 2030 йилгача бўлган даврда оналар ўлимини учдан бир бараварга қисқартириш мақсадида қуйидаги норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди:

– «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (11.03.2019 й.)


– «Репродуктив ёшдаги аёллар, хомиладорлар болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги Қарори.

– «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги Қарори.

– «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июлдаги Қарори.

– «2022–2026 йилларда оналик ва болалиқни муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги Қарори.

Қабул қилинган чора-тадбирлар самарадорлиги оналар ўлими даражасининг пасайиш кўрсаткичларида акс этмоқда (3.1-расм). Шу билан бирга, малакали тиббиёт ходимлари томонидан қабул қилинган туғилиш нисбати кўрсаткичи юқори даражада (100%) сақланиб қолмоқда.



3.1-расм. Ҳар 100 минг янги туғилган чақалоқларга нисбатан оналар ўлими коэффициенти⁶

⁶ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

2030 йилгача бўлган даврда янги туғилган чақалоқлар ва беш ёшгача бўлган болалар ўлимини икки бараварга қисқартириш вазифасига эришиш учун меъёрий-ҳуқуқий базани таъминлаш мақсадида қуйидаги чора-тадбирлар қабул қилинди:

«Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида»ги 2019 йил 23 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.


«Ноёб ва бошқа ирсий касалликларга чалинган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 7 сентябридаги Фармони.

Мамлакатда болалар ва чақалоқлар ўлимининг сезиларли қисқариши кузатилмоқда. Жумладан, 2017–2021 йилларда ҳар 1 000 нафар янги туғилганларга тўғри келувчи чақалоқлар ўлими сони **15,4** нафардан **12,3** нафаргача, болалар ўлими **11,5** нафардан **9,2** нафаргача қисқарди (2.3.2-расм).

2030 йилгача бўлган даврда аҳоли ўртасида сил ва ОИТС билан касалланишни камайтириш, гепатит, сув орқали юқадиган касалликлар ва бошқа юқумли касалликларга қарши курашни таъминлаш назарда тутилган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳукумати малакали тиббиёт ходимлари, арзон дори воситалари ва янгиланган инфратузилмадан кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилган соғлиқни сақлаш соҳасида миллий қонунчиликни ислоҳ қилиш бўйича кенг қўламли дастурни амалга оширмоқда.

Шунга қарамастан, COVID-19 пандемияси даврида Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган шифокорлар сонининг қисқариши, тиббий хизматлардан фойдаланишдаги тенгсизлик, айрим жойларда кўрсатиладиган хизматлар сифати етарли даражада эмаслиги ҳамда инфекция касалликларнинг олдини олиш ва назорат қилишнинг қониқарли эмаслиги каби соғлиқни сақлаш тизимидаги асосий камчиликлар аниқланди⁸.



3.2-расм. Болалар ва чақалоқлар ўлими даражаси (ҳар 1000 янги туғилган чақалоқларга нисбатан)⁷

⁷ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

⁸ Реформирование здравоохранения в Узбекистане: какова роль международного сообщества? Себастьян Пейруз, <https://www.iphonline.org/wp-content/uploads/2020/12/UZB-report-3.12-1.pdf>

Ушбу камчиликларни баргараф этиш мақсадида Ўзбекистон ҳукуматининг 2030 йилгача⁹ бўлган даврда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича тизимли стратегияси ва йўл харитаси ишлаб чиқилган бўлиб, халқаро донорлар, хусусан, UNICEF келажакда эмлаш дастурининг мустақамланиши ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган соғлиқни сақлаш тизимининг барча таркибий қисмлари ҳисобга олинишини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаган.

2020 йил 10 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Саломатликни мустақамлаш ва соғлом овқатланишни яхшилаш тўғрисида" "Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори **ги Фармони қабул қилиниб**, унга мувофиқ 2022 йил 1 январдан бошлаб **0-5 ёшгача** бўлган болаларнинг ривожланиши учун универсал прогрессив патронаж модели амалга оширила бошланди. Ҳар йили **4 млн дан ортиқ** болаларга, уларнинг уйларига ташриф буюрган ҳолда соғлиқни сақлаш хизматлари кўрсатилади. Мамлакат бўйлаб **50 мингдан ортиқ** ҳомийлик ҳамширалари ҳомиладор аёллар, тарбиячилар ва беш ёшгача бўлган болаларни бирламчи соғлиқни сақлаш даражасида парвариш қилишни яхшилаш (*аҳолини эмлаш, турғуқдан олдинги парвариш* ва *касалликларни даволаш*) устида иш олиб бормоқда.

Таҳлиллар натижасида, сўнгги 20 йил ичида Ўзбекистонда мунтазам эмлашлар қамрови анъанавий равишда мамлакат аҳолисининг **95 фоизини** қамраб олган.¹⁰ Бироқ COVID-19 пандемияси эмлаш дастурига ва умуман соғлиқни сақлаш тизимига кучли таъсир кўрсатди.

Соҳани ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2019 йил 13 февралда «Ихтисослаштирилган фтизиатрик ва пулмонологик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори қабул қилинди.

2021 йилда янги ташхис қўйилган сил касаллиги даражаси ҳар **100 минг** аҳолига **34,8 кишини** ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 12,1% га камайган ва натижада 0 - 14 ёшдаги болалар орасида турли касалликларга чалиниш даражаси 2021 йилда – 17,4%, 15-17 ёшдаги болаларда 22,2% га сезиларли даражада пасайди.

⁹ 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида вМК <https://lex.uz/docs/5873508>

¹⁰ Ўзбекистон тўғрисида маълумот, 2022 г., Гаши, <https://www.gavi.org/programmes-impact/country-hub/europe/uzbekistan>.

Шунингдек, 2021 йилда сил касаллигининг дори-дармонларга чидамли тури хар 100 минг аҳолига 6,7 кишини ташкил этган бўлиб, 2015 йилга нисбатан 43,7 % га пасайган.

Фтизиатрия муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар доирасида сил касаллигини даволаш муассасаларини энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун 2019–2021 йиллар давомида **12 млн АҚШ доллари** ажратилди ҳамда тегишли профилактика ва даволаш тизими қамровини ошириш мақсадида Наманган вилоятида **2-худудий фтизиатрия шифохонаси ташкил этилди.**

Ҳозирги устувор вазифалардан бири – кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини таъминлашдир. Республикада барқарор санитария-эпидемиологик вазиятни таъминлаш чораларини кучайтириш мақсадида ихтисослаштирилган фтизиологик ва пульмонологик ёрдамни янада такомиллаштириш, шунингдек, ишлаб чиқилган барча чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш зарур. "Аҳолини сил касаллигидан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш лозим.

2030 йилгача бўлган даврда аҳоли орасида юрак-қон томир, онкологик касалликлар, қандли диабет ва сурункали респиратор касалликлари натижасида эрта ўлимни 30 фоизга камайтириш режалаштирилган бўлиб, ушбу вазифани амалга ошириш учун бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган:

Шу жумладан:

– 2011 йил 26 августдаги Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини тарқатиш ва улардан фойдаланишни чеклаш тўғрисида»ги Қонуни;


– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 декабрдаги «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги «Соғлом турмуш тарзини кенг жорий этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

– Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 майдаги «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонуни.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги "Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори.

Аҳоли орасида турли бахтсиз ҳодисалар, жароҳатлар, заҳарланиш, неоплазмалар (онкологик) ва овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари билан боғлиқ эрта ўлимнинг қисқариши кузатилмоқда (2.3.3-расм).



3.3-расм. Ҳар 100 минг нафар ўлганлар сонига тўғри келадиган ўлим даражасининг асосий сабаблари акс эттирувчи стандартлаштирилган коэффицент¹¹

COVID-19 нинг оқибатлари нафас йўллари касалликлари, қон айланиш тизими касалликларидан ўлим сонинг кўпайишига олиб келди.

Психоактив моддаларга, шу жумладан гиёҳвандлик ва спиртли ичимликларни истеъмол қилишга бўлган қарамликнинг олдини олиш ва профилактикани яхшилаш (зарарли спиртли ичимликларни истеъмол қилишни 10% га камайтириш) муҳим масала ҳисобланади.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун 2020 йил 27 октябрда "Наркологик касалликларнинг олдини олиш ва даволаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2022 йил 16 майда "Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ҳамда 2019 йил 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари қабул қилинган.

2010–2021 йилларда аҳоли орасида учрайдиган наркологик касалликлар қуйидаги тенденцияга кўра, ҳар **100 минг кишига** тўғри келадиган: гиёҳвандлик **7,6%** дан **3,0%** га камайган, аммо алкоголизм **18,9%** дан **21,7%** га ва гиёҳванд моддаларини истеъмол қилиш **0,1%** дан **0,2%** ортган.

Бунинг натижасида, аҳоли орасида наркологик касалликлар билан касалланишнинг кўпайишини аниқланишнинг яхшиланганлигини ва аҳолининг наркологик ёрдам кўрсатиш тизими орқали мурожаат қилиш кўрсаткичи ошганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, халқаро

¹¹ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

хужжатлар асосида соҳага оид қонунлар ва бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Шу жумладан:

– 2021 йил 9 августдаги "Транспорт тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

– 2018–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлиги концепцияси ва уни амалга ошириш бўйича йўл харитаси;

– "Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасига хусусий секторни жалб қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори;

– "Жамоат хавфсизлиги соҳасида профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори.

Сўнгги йилларда кузатилаётган йўл транспорт ҳодисалари (ЙТХ), шу жумладан ҳалокатли ЙТХлар сонини камайтириш тенденциясига мувофиқ 2021 йилда ЙТХ натижасида ўлим даражаси **6,9%** га камайди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, дунё мамлакатлари ичида Ўзбекистон ЙТХ оқибатидаги ўлимлар сонининг энг паст кўрсаткичига эга.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини таъминлаш мақсадларига эришиш соҳасида чора-тадбирлар амалга оширилди:


– 2019 йил 11 мартда "Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни;

– 2019 йил 8 ноябрда "Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори;

– 2021 йил 25 майда "Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди.

2030 йилгача бўлган даврда репродуктив ёшдаги (15–49 ёш) аёлларни замонавий контрацептивлар билан қамраб олишни ("контрацептивларнинг тарқалиши") 85% гача (2021 йилда 49,6%га) оширишни мақсадли кўрсаткич сифатида қабул қилинган.

Оилаларнинг тиббий ёрдамга сарф-харажатларида силжишлар мавжуд. Мисол учун, 2015–2021 йилларда уй хўжалиқларининг умумий харажатлари таркибида тиббий ёрдам харажатлари ўртача **10%** ни ташкил этадиган оилалар сони 2021 йилга келиб бу кўрсаткичнинг **23,8%** гача ўсиши кузатилди.




3.4-расм. Тиббий хизмат харажатларининг уй хўжаликлари харажатларининг умумий таркибидagi улуши¹²

Уй хўжаликларининг умумий харажатлари таркибидa тиббий ёрдам харажатларининг улуши ўртача **25%**ни ташкил этадиган оилалар сони 2019 йилда ортган бўлса, пандемия давридаги мамлакатнинг кучли ижтимоий сиёсати натижасида 2020 йилда **2,9%** ёки **0,5 пунктга** камайди (3.4-расм).

Табий ресурслардан фойдаланишнинг тизимли мониторингини амалга ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан мақсадли

ва оқилona фойдаланиш соҳасидаги давлат назоратини баҳолаш, ахборот билан таъминлаш мақсадида 2019 йил 5 сентябрда "Ўзбекистон Республикасида атроф-табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди.



3.5-расм. Ҳар 10 минг аҳолининг шифокорлар билан таъминланганлик даражаси¹³

Атмосфера ҳавоси манбаларидан ифлосланувчи экомониторинг қилинадиган объектлар сони 2019 йилда 264 тадан 2021 йилга келиб 294 тага, ер усти сув ҳавзалари 171 тадан 207 тага ҳамда ер-тупроқ объектлари мос равишда 123 тадан 127 тагача ошди.

¹² Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

¹³ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

Сўнгги йилларда соғлиқни сақлашни молиялаштириш ҳажми 2017 йилда **7,1 трлн. сўмдан**, 2019 йилда **12,1 трлн. сўмга**, 2021 йилда эса **19,4 трлн. сўмга** ортган.

Ҳар **10 минг аҳолига** тўғри келадиган барча мутахассислик бўйича шифокорлар сони 2015 йилдаги **26,8 кишидан** 2021 йилда **27,1 гача** ошди, ҳар **10 минг аҳолига** тўғри келадиган ўрта тиббий ходимлар сони мос равишда **107,4** дан **105,6** гача камайди (3.5-расм).

Кейинги қадамлар ва чора-тадбирлар:

– соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланишни тарғиб қилиш;

– аҳоли орасида сил ва ОИТСнинг олдини олишга қаратилган, гепатит, сув билан юқадиган касалликлар ва бошқа юқумли касалликларга қарши курашиш, шунингдек, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тўғри овқатланишни тушунтириш ишларини олиб боришда тегишли давлат органлари ва оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш;

– ҳомиладор аёллар ва болаларга ихтисослаштирилган юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш учун муассасаларнинг, шунингдек, республика ва вилоятлардаги акушерлик ва педиатрия муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва янги биноларни куриш;

– ўзига хос бўлмаган сил ва ўпка касалликларининг олдини олиш мақсадида ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, сил касаллиги муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш.




4-мақсад. Умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага бутун умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш.

Сўнгги йилларда 3-6 ёшдаги болаларни мактабгача таълим тизими билан қамраб олишнинг барқарор ўсиш тенденцияси кузатилмоқда (2019 йилдаги 40% дан йилдаги 2021 йилга келиб 67,2% га) (4.1-расм). 2026 йилга бориб эса ушбу кўрсаткични 80% гача етказиш кўзда тутилган.



4.1-расм. 3-6 ёшдаги болаларни МТМга қамраб олиш тенденцияси ва МТМарида 100 ўринга тўғри келадиган болалар сони. ¹⁴

Қизларни мактабгача таълим тизими билан қамраб олишнинг ўсиши айниқса ижобий тенденция бўлиб, 2019 йилгача анъанавий тарзда, таълимнинг барча босқичларида бўлгани каби, ўғил болаларни қамраб олишга нисбатан паст кўрсаткич қайд этган. Тизимга хусусий секторни жалб қилишни фаол рағбатлантириш ва оилавий мактабгача таълим муассасалари сонининг ўсиши мактабгача таълим билан қамров даражасини (шу жумладан кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини ҳам) оширишда имкониятларни кенгайтирди (4.2-расм).




¹⁴ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

4.2-расм. 2021 йилда 3-6 ёшли болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни оширишда оилавий мактабгача таълим муассасаларининг улуши, %¹⁵

Қишлоқ жойлардаги болаларни ҳам мактабгача таълим муассасаларига фаол жалб этиш ва мактабгача таълим муассасаларидаги ўринлардан тобора самаралироқ фойдаланилишига қарамасдан (100 ўринга 2021 йилда 105 нафар бола, таққослаш учун 2010 йилда 76 нафар бола), мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг нотекис тақсимланиши муаммоси сақланиб қолмоқда. Эришилган натижаларга қарамай, 2022 йилда эълон қилинган МICS маълумотларига мувофиқ, мавжуд муаммолар гендер тенглиги, қишлоқ ва шаҳар аҳолиси даромадлари орасидаги тафовутлар билан боғлиқ.

Расмий бошланғич мактабга чиқиш йилидан бир йил олдин болаларни мактабга тайёрлаш тизими билан қамраб олиш даражаси 2015–2021 йилларда 3 баравардан зиёд яхшиланди (4.3-расм).



4.3-расм. Расмий бошланғич мактабга чиқиш ёшидан бир йил олдин болаларни мактабга тайёрлаш тизими билан қамраб олиниши даражаси ¹⁶


Мактабгача таълим тизимида 3-6 ёшли болаларни қамраб олишда қиз болалар улуши кетма-кет иккинчи йил ўғил болаларнинг қамровига нисбатан баланд кўрсаткич қайд этмоқда.

Олий ўқув юртлари, шу жумладан хорижий ва давлат ОТМларининг филиаллари ҳамда хусусий ОТМлар сонининг ўсиш тенденцияси (4.4-расм), олий таълим учун давлат квоталарининг (шу жумладан жисмоний имкониятлари чекланган ва

кам таъминланган оилаларнинг ўрта таълим битирувчилари учун алоҳида) оширилиши (4.5-расм), ёшларнинг олий ўқув юртларига қабул қилиниши даражасини оширишга ижобий таъсир кўрсатмоқда (4.6-расм).

¹⁵ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

¹⁶ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари




4.4-расм. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган ОТМлар сонининг ўсиш тенденцияси, бирлик. ¹⁷



4.5-расм. 2021 йилда жисмоний имконияти чекланган ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун ажратилган квоталар сони ¹⁸

2015–2021 йилларда хотин-қизларни олий таълимга қабул қилиш даражаси 5 баравар яхшиланганига қарамасдан, ўғил болаларни қамраб олишга нисбатан ҳали ҳам 4% паст.

2021 йилда ахборот коммуникация технологиялари кўникмаларига эга бўлган аҳоли улуши 2019 йилга нисбатан ўрта ҳисобда 1,6 ф.п.га ошган.



4.6-расм. Ёшларни (18-22 ёш) олий ўқув юртларига қабул қилиш қамрови ошиши, % ¹⁹

2021 йилдаги таълим тизимидаги паритет индексининг динамикаси (қишлоқ ва шаҳарларда, фаровонлик даражаси) муҳим аҳамиятга эга. Таълим тизимининг паритет индексига кўра, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги дифференциация 0,022 ф.п.ни ташкил қилди. 2017–2021 йиллар оралиғида квинтилар бўйича яхшиланиш биринчи (0,11 ф.п.) ва бешинчи квинтиларда (0,06 ф.п.га) қайд этилган.

Таълим муассасаларини қўл ювиш воситалари, ичимлик суви манбалари ва минимал жиҳозланган алоҳида ҳожатхоналар билан таъминлаш сезиларли даражада ошди. Ўқув мақсадларида Интернет тармоғига уланган мактаблар ва

¹⁷ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

¹⁸ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

¹⁹ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

ўқув мақсадларидаги компьютерлар улуши 2021 йилда 92,5 фоизга етди (4.1-жадвал).

4.1-жадвал. Умумтаълим мактабларининг зарур шарт-шароитлар билан таъминланганлиги, %²⁰

Шарт-шароитлар билан таъминланганлиги	2017 й.	2021 й.
Электр энергияси	99,0	99,8
Таълим мақсадлари учун Интернетга уланганлик	87,9	92,5
Таълим мақсадлари учун компьютерлар билан таъминланганлик	87,3	97,7
Имконияти чекланган ўқувчилар учун қулай инфратузилма ва материаллар билан таъминланганлик	-	38,0
Тоза ичимлик суви билан таъминланганлик	34,4	86,5
Минимал жиҳозланган алоҳида хожатхоналар билан таъминланганлик	15,4	81,3
Кўл ювиш учун базавий воситалар билан таъминланганлик	59,0	90,9

Келгусидаги қадамлар:

- ислохотларнинг асосий йўналишлари сифатида сифатли ва инклюзив таълимга алоҳида эътибор қаратиш;
- ҳудудларда Интернет инфраструктурасини ривожлантириш;
- ёшларда келгусида эгалламоқчи бўлган касблари бўйича аниқ мақсадларни шакллантиришни қўллаб-қувватлаш;
- аҳоли орасида мустақил таълим олиш кўникмаларини ривожлантиришни тарғибот қилишни рағбатлантириш;
- таълим сифатини ошириш бўйича стратегия ва концепцияларнинг (2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси) самарали амалга оширилишини таъминлаш.

²⁰ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари



5-мақсад. Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш.

Ўзбекистонда аёлларни ҳар қандай дискриминациялардан ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ҳимоя қилишни тартибга солувчи барча асосий халқаро шартномалар ратификация қилинган. Сўнгги йилларда мамлакатимизда гендер тенглигини таъминлашга қаратилган 25 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, 2 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 дан ортиқ фармони ва қарорлари ҳамда ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

2019 йилдан бошлаб жинсий дискриминация бўйича камситишларга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги меъёрларга риоя этилишини таъминлаш бўйича миллий ҳуқуқий механизмлар жорий этилди. Шунингдек, гендер тенглигини таъминлаш масалаларига бағишланган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилинди.

Ўзбекистонда 2030 йилгача гендер тенглиги стратегиясининг амалга оширилиши барча соҳаларда ва қарорларни қабул қилиш ҳамда амалга ошириш даражаларида аёллар ва эркаклар тенглиги тамойилини амалга оширишга комплекс ёндашувни назарда тутди.

2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича миллий дастури тасдиқланди.

Олий ўқув юрғларида таҳсил олаётган хотин-қизлар сони икки бараварга кўпайди. Малакали аёл кадрларнинг ортиб бораётгани ҳаётнинг барча жабҳаларида фаолликни оширишга хизмат қилмоқда.


Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатида ва бошқа раҳбарлик лавозимларида хотин-қизларнинг сиёсий фаоллиги ва салмоғи ортиб бормоқда.

Ахборот технологиялари соҳасида гендер тенглиги барқарор ўсиб бормоқда: мобил телефон ва интернет фойдаланувчилари бўлган аёллар улуши кўпаймоқда.

Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача гендер тенглигига эришиш стратегиясида мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларни тенг ва сифатли таълим билан таъминлаш, қишлоқ жойларидаги хотин-қизларнинг олий таълим олиши

учун имкониятлар яратиш, зўравонлик ва одам савдосининг олдини олишга қаратилган устувор вазибалар белгилаб берилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар бир маҳаллада ишсиз деб топилган, ишлаш ёки тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизлар рўйхати шакллантирилиб, уларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш курслари харажатларининг 70 фоизи давлат томонидан қоплаб берилмоқда. Кам таъминланганлар учун эса мазкур ўқув курслари мутлақо бепул тақдим этилади. 2020-2021 йилларда аёллар ишсизлигининг пасайиш тенденцияси ва аёллар бандлигининг ўсиши кузатилмоқда (5.1-расм).




5.1-расм. Аёллар ўртасида бандлик ва ишсизлик даражаси²¹

Хотин-қизларга йўналтирилган таълим тизимини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртларига ўқишга кирувчи хотин-қизлар учун **4 фоизлик бюджет квотаси** жорий этилди. 2021/2022 ўқув йилида **2 минг нафар** хотин-қизлар олий таълим муассасаларига махсус грант асосида ўқишга қабул қилиниши натижада, олий ўқув юртларига қабул қилинган талабаларнинг **45,6% аёллар** ташкил этди. 2022 йилдан бошлаб олий ўқув юртлари, техникум ва коллежларда таҳсил олаётган хотин-қизларнинг таълим контрактларини тўлаш учун давлат томонидан **7 йил муддатга фоизсиз**

²¹ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

таълим кредитлари ажратиш тизими йўлга қўйилди ва ОТМларда таҳсил олувчи хотин-қизлар сони сезиларли даражада ошиб бормоқда (5.2-расм).




5.2-расм. Университетлардаги талабалар сони²²

Хотин-қизларга томорқаларда гул ва сабзавот етиштириш учун иссиқхоналар қуриш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳамда асаларичиликни ташкил этиш ва бошқа йўналишлар учун **35 миллион сўмгача** имтиёзли кредитлар ажратилган.

Ўзбекистонда **3,94 миллион киши** ҳақ тўланмайдиган уй юмушлари билан банд бўлиб, уларнинг **92 фоизини** аёллар ташкил этади. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларга мувофиқ оилада парвариш ва уй меҳнатидан фойдаланишда тенгсизликни камайтириш мақсадида “Маҳаллада ижтимоий хизмат” жорий этилмоқда, болаларни мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олиш кенгайтирилмоқда, жойларда маиший хизмат жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Айни пайтда мамлакатда **давлат хизматчилиги тизимида** фаолият юритаётган ходимлар сони **95 минг нафардан ортиқни** ташкил этиб, уларнинг **21 фоизи аёллар** улушига тўғри келади. Шундан, аёлларнинг **10 фоизи** давлат органларида **раҳбарлик лавозимларида** фаолият юритади.

²² Манба: Статистика агентлиги маълумотлари



5.3-расм. Аёллар эгаллаган ўринлар улуши²³

2021 йилда Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва ҳуқуқ” индекси Ўзбекистонни аёллар ҳуқуқлари ва гендер тенглиги соҳасида муҳим ислохотларни амалга оширган **27 давлат** қаторига киритди. Ўзбекистон индексининг аёллар ҳаракатчанлиги, тадбиркорлик ва активлар каби таркибий қисмлари бўйича юқори кўрсаткичларга эришди. Шу билан бирга, иш жойидаги камситиш, иш ҳақи ва пенсиялар, шунингдек, болаларни тарбиялашда гендер тенглиги масалалари бўйича Ўзбекистон ўзининг гендер сиёсатини такомиллаштириш кераклиги кўрсатилган.

Келгуси қадамлар:

- давлат органларининг юқори ва қуйи тизимларида хотин-қизларни раҳбарлик лавозимларига тайинлаш амалиётини кенгайтириш; гендер номуносаблиги мавжуд бўлган давлат органларида вақтинчалик квоталар тизимини жорий этиш орқали аёллар ва эркеклар сонининг тенглигини таъминлаш;

- бандликни таъминлаш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш ва ижтимоий ҳимояланмаган ва кам таъминланган аёлларни, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчи аёлларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш;

- оилада ва иш жойида хотин-қизларга нисбатан тайзиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, жамиятдаги шаклланган қарашларга барҳам бериш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- Жаҳон банкининг Аёллар, бизнес ва ҳуқуқ индекси (**The Women, Business, and the Law Index**) Гендер тенглик индекси (**Gender Inequality Index**), ижтимоий институтлар ва гендер индекси, Аёллар кучи индекси ([Women’s Power Index](#)) глобал рейтингларида Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш;

- аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш учун юқори самарали технологиялардан, хусусан, ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланишни рағбатлантириш.

²³ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари



8-мақсад. Самарали бандликни ошириш ҳамда эркаклар ва хотин-қизларни муносиб иш билан таъминлаш асосида барқарор ва умумқамровли иқтисодий ўсишга кўмаклашиш.

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига реал ЯИМнинг ўсиш суръати 2017 йилда **2,7 фоизни**, 2021 йилда эса **5,3 фоизни** ташкил этди (8.1-расм). Шу билан биргаликда, иш билан банд аҳолига тўғри келадиган ЯИМ **1,8 баробарга** ошди. Бунда иқтисодиётни диверсификация қилиш ва ислох қилиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар ва механизмлар ёрдам берди. ЯИМ ўсишига саноат ва қурилиш энг катта ҳисса қўшди. COVID-19 пандемияси натижасида аҳоли жон бошига ЯИМ 2019 йилда **-0,1%** гача камайди ва 2021 йилда яна **5,3%** гача кўтарилди.

2021 йилга келиб Ўзбекистонда банд бўлган аҳолининг ўртача йиллик сони **13,5 миллион кишини** ташкил этиб, меҳнат ресурсларининг бандлик даражаси **74 фоизни** ташкил этмоқда. Шунингдек, иш билан таъминланган сони йилига **83,21 минг кишига** кўпайди ва 2019–2021 йилларда банд бўлган аҳоли жон бошига **ЯИМ 1,2 бараварга** ошди.



8.1-расм. Ҳар бир банд учун аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиш суръати ²⁴


Сўнгги йилларда хотин-қизларнинг иқтисодиётда бандлик даражаси тушиши негизида эркакларнинг бандлик даражаси ўсиб бормоқда. Бинобарин, бандлик таркибида жинс бўйича ўзгариш кузатилмоқда, 2021 йилда иқтисодиётда банд бўлган аёллар улуши 41,3 фоизни ташкил этган.

Норасмий бандлик муаммолари меҳнат бозорининг асосий муаммоларидан биридир. Бугунги кунга келиб, норасмий сектордаги бандлик даражасининг юқори суръатлари меҳнат бозоридаги таркибий бузилишлар билан бир қаторда расмий секторда бандликни ошириш ва иқтисодий ўсишга ҳамда иқтисодиётни модернизация қилишга тўсқинлик қилмоқда. 2021 йилда норасмий секторда банд

²⁴ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

бўлган аҳолининг улуши 54 фоизни ташкил этди ва 2016 йилга нисбатан 1,1 фоизга камайди.

Вилоятлар кесимида иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлганларнинг энг юқори улуши Наманган (57,6%), Сурхондарё (56%), Жиззах ва Қашқадарё (52,5%) вилоятларида кузатилмоқда. Норасмий бандликни тармоқ тузилишига қараганда, хизматлар кўрсатиш соҳаси, қурилиш, транспорт хизматлари, турар жой ва овқатланиш хизматлари, шунингдек савдо, соғлиқни сақлаш ва кадрлар тайёрлашда кўрсатиладиган хизматларда норасмий бандлик улуши устунлик қилади.



8.2-расм. 2010–2021 йилларда Реал сектор тармоқларининг кўшилган қийматининг ўсиш динамикаси ²⁵

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги ижобий ўзгаришларга қарамадан, ишсизлик даражаси юқори сақланиб қолмоқда, 2021 йилда ушбу кўрсаткич 9,6 фоизни ташкил этди, аёллар орасида бу кўрсаткич ўртача кўрсаткичдан 13,3 фоизни, эркеклар орасида эса 6,9 фоизни ташкил этди. Ишсизлик даражасининг ўсишига биринчи навбатда коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазият ҳам таъсир кўрсатди.

Меҳнат бозорида мутахассислар, хусусан, шифокорлар ва ўқитувчилар учун иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ҳудудлар контекстида талаб ва таклиф ўртасидаги номутаносиблик сақланиб қолмоқда.


Иқтисодиёт таркибидаги энг яхши динамик ўзгариш тенденцияси қишлоқ хўжалиги улушига тўғри келади.

²⁵ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

Тоғ-кон саноати ва энергетика фаолияти табиий ресурсларнинг юқори суръатларда истеъмоли билан боғлиқ. Иқтисодий таркибидаги уларнинг кўрсаткичлари пасайиши (5% дан 3,2% гача ва 2,2% дан 1,7% гача) иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатлари шароитида табиий ресурсларни тежашга ёрдам берди.

Бошқа томондан, қурилиш улушининг тез ўсиши (5,5% дан 10% гача) ушбу мақсадга эришишга тўсқинлик қилди, чунки қурилиш цемент ва бошқа қурилиш материалларининг асосий истеъмолчиси бўлиб, уларни ишлаб чиқариш катта миқдордаги қазиб олинadиган ёқилғидан фойдаланиш билан боғлиқ.

Ўзбекистонда сўтги 5 йил ичида ўқимаган ва ишламаётган ёшларнинг (16 ёшдан 24 ёшгача) улуши камайганига қарамай (2016 йилдаги 21,2 фоиздан 2020 йилда 30,5 фоизгача иш билан банд бўлганлар улуши) ўсиш тенденциясига эга (8.3-расм).



8.3-расм. 16-24 ёшгача бўлган, ўқимайдиган ва ишламайдиган ёшларнинг улуши (%)²⁶

2021 йилда 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 18 миллиондан ортиб, аҳолининг деярли 55 фоизини ташкил этади. 18-30 ёшдаги ёшлар орасида расмий ишсизлик улуши 17% ни ташкил қилиб, 2020 йилга нисбатан 0,4 %га камайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги "Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари


²⁶ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

тўғрисида”ги²⁷ фармонига мувофиқ республикаимиз ҳудудларида ёшлар ва тадбиркорлик зоналари ташкил этилди. Шу билан бирга, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиши кўзда тутилган.

Мониторинг натижаларига кўра халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)²⁸ 2021 йилда Ўзбекистон ҳар йили пахта йиғим-теримида мажбурий ва болалар меҳнатидан фойдаланишни тугатишга эришди, деган хулосага келди.

Мажбурий меҳнатни бекор қилиш соҳасидаги олиб борилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистон пахтаси учун кўйилган тақиқ олиб ташланниб, Cotton Campaign халқаро коалицияси томонидан тақиқни бутунлай бекор қилиш натижасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун янги имкониятлар очилди. Ва бу ўз ўрнида, тўқимачилик маҳсулотлари экспортини кенгайтиришга замин яратди.

2018 йилда Ўзбекистон иш берувчилар федерацияси ва 2019 йилда халқаро меҳнат ташкилоти тамойиллари асосида меҳнат муносабатлари ва бандлик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар шароитида самарали фаолият кўрсатаётган ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича **Республика уч томонлама комиссияси** ташкил этилди. Комиссия халқаро меҳнат ташкилоти билан биргаликда муносиб меҳнат шароитларини яратишга қаратилган устувор вазифаларни муваффақиятли амалга оширди.



8.4-расм. Банк муассасалари ва депозитлар сони²⁹

²⁷ <https://lex.uz/docs/5383005>

²⁸ https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---dgreports/---ilo-washington/documents/projectdocumentation/wcms_767756.pdf

²⁹ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

2019–2021 йилларда молиявий хизматлар ривожланишида ижобий ўзгаришлар юз берди (8.4-расм).

Бугунги кунда республикада 34 та банк муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Фаолият кўрсатаётган банк муассасалари сони (барча филиаллари билан) бўйича ҳар 100 минг кишига 10,6 банк муассасаси тўғри келмоқда. Ҳар йили аҳолининг банклардаги депозитлари сони ортиб бориши аҳолининг банкларга бўлган ишончи ортиб бораётганидан далолат беради, бу эса ўз навбатида банк тизимини ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади. Ҳар 100 минг фуқарога 111 мингдан ортиқ депозит тўғри келмоқда.

Келгусида амалга ошириладиган ишлар:

– қийин ижтимоий-иқтисодий шароитда бўлган ва ногиронлиги бўлган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш;

– анъанавий сайёҳлик марказлари, улкан табиий, тарихий ва маданий марказларни тиклаш ва ривожлантириш; ички ва ташқи талабни ҳисобга олган ҳолда янги сайёҳлик зоналари, саёҳатлар ва маршрутлар, инфратузилмани ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;


– ҳудудларда банк хизматларига бўлган талаб асосида банк инфратузилмасини (шу жумладан банк хизматлари марказлари) ташкил этиш;

– банк хизматларига бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда барча туман ва шаҳарларда, шу жумладан олис жойларда жойлашган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш банк муассасалари (банкматлар, тўлов кассалари ва ҳ.к) сонини оширишдан иборат.

10-мақсад. Мамлакат ичида тенгсизликни унинг барча кўринишларида қисқартириш.

Тенгсизлик асосан аҳолининг турли қатламлари ўртасида даромадларнинг шаклланиши билан боғлиқ. Мамлакат ҳудудида аҳоли даромадлари изчил ошиб бориши кузатилмоқда. Хусусан, 2019–2021 йилларда аҳолининг энг камбағал қатламининг 40 фоизида жон бошига тўғри келадиган уй хўжаликлари даромадларининг ўсиш суръати 16,9 фоиздан 22,4 фоизга, барча аҳоли ўртасида жон бошига тўғри келадиган уй хўжаликлари даромади 19,3 фоиздан 21,8 фоизга ўсиши – даромадлар дифференциаллиги барқарорлигини тасдиқлайди.

Иш ҳақи ва ижтимоий ҳимоя ҳамда даромадларни ошириш бўйича мақсадли сиёсат амалга оширилмоқда. Ходимлар иш ҳақининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2018–2021 йилларда 22,5 фоиздан 25,4 фоизга ошди. Аҳоли даромадлари таркибида хусусий тадбиркорлик ва тадбиркорликдан олинадиган даромадлар, шунингдек, яқка тартибдаги бандликдан олинадиган даромадлар устунлик қилмоқда.




10.1-расм. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар динамикаси³⁰

Сўнгги йилларда аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишда салмоқли ўзгаришларга эришилди. Белгиланган ҳуқуқий ва институционал механизмлар қариялар ва ногиронлар, айниқса, болали оилалар, орасидаги камбағаллик даражасини камайтириш имконини берди.

Даромадлари ўртача (медиан) даромаднинг 50% идан паст бўлган аҳоли улуши аста-секин ўсиб борди, аҳоли даромадларининг децил дифференциал коэффициентини (ўнлик фарқлаш коэффициентини) нисбатан барқарорлашди.

³⁰ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари



10.2-расм. Даромадлар тенгсизлиги³¹

Аҳолининг турли қатламларини мақсадли қўллаб-қувватлаш ижтимоий тенгсизлик ўсишининг олдини олишда ёрдам берди. Кам таъминланганлар рўйхатига киритилган хотин-қизларга ижтимоий ёрдам кўрсатишни кучайтириш мақсадида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ташкил этилди. Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, саломатлигини муҳофаза қилиш, касб-ҳунар ва тадбиркорликка жалб қилиш, ипотека кредитларининг дастлабки тўловларини қоплаш, уй-жой сотиб олиш ва ҳоказолар бўйича амалга оширилди.

Президент Фармони билан Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилиб, Ўзбекистонда 2025 йилгача ёшларга оид давлат сиёсатини ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Жойларда ёшларнинг сифатли таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар кўникмаларини эгаллаши ва муносиб иш, уй-жой билан таъминланиши, шунингдек, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш ва даромадларини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.


2020 йилда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун кучга кириб, унга кўра ногиронлиги бўлган шахсларни имтиёзли уй-жой, таълим ва иш билан таъминлаш, қулай инфратузилма, давлат хизматларидан фойдаланиш кафолатлари берилди.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун абитуриентларнинг умумий қабул сонидан давлат гранти асосида олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилишнинг қўшимча икки фоиз квотаси ажратилади. Шунингдек, ногиронларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини

³¹ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

ошириш мақсадида, ногиронларни ишга олган ташкилотлар рағбатлантирилади, ихтисослаштирилган иш ўринлари ташкил этилиши таъминланади, шунингдек, ногиронларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон 2023–2030 йилларга мўлжалланган болалар парвариши тизимини деинституционализация қилиш бўйича Стратегия ва “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш орқали болаларни деинституционализация қилишда яхши натижаларга эришиди. Президент Қарорига мувофиқ барча 4 та меҳрибонлик шаҳарчалари, 16 та меҳрибонлик уйларида 13 таси ҳамда 11 та болалар уйидан 2 таси ёпилиши режалаштирилган.



10.3-расм. Худудлар бўйича аҳоли жон бошига умумий даромад³²

Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг худудлараро номутаносиблиги долзарб масала бўлиб қолмоқда. Тошкент шаҳрида аҳоли жон бошига умумий даромад Сурхондарё ва Фарғона вилоятларига нисбатан 3 баробар кўпдир.

Ўзбекистоннинг 2,3 миллиондан ортиқ аҳолиси меҳнат муҳожирлари сифатида доимий равишда хорижда бўлиб турибди. Ушбу ҳолат республиканинг меҳнат ресурслари ортиқча бўлган худудларида меҳнат бозоридаги кескинликни камайтирмоқда. Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида махсус жамғарма ташкил этилган.

Меҳнат мигрантларининг ҳаёти ва саломатлигини суғурталаш, уларнинг оила аъзоларига ипотека кредитлари бериш амалиёти жорий этилди. 2021 йилдан бошлаб хорижга ишлаш учун кетаётганларни мажбурий касб-хунарга ўқитиш тартиби жорий килинди. Хусусан, 2020-2021 йилларда 74 минг нафар фуқаро касб-

³² Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

хунарга ўқитилиб, уларга 95 миллиард сўм маблағлар ажратилди. Меҳнат муҳожирлари ўз-ўзини иш билан таъминловчи сифатида қаралади ва улар ижтимоий солиқ ва пенсия тизимига тортилади.

Асосий ютуқлар:

– COVID-19 пандемиясидан кейин энг камбағал аҳоли даромадларининг кескин ўсиши ҳисобига аҳоли даромадлари табақаланиши даражасини пасайтириш ва барқарорлаштиришга эришилди;

– яратилган ҳуқуқий ва институционал механизмлар, айниқса, болали оилалар, қариялар ва ногиронлар ўртасида камбағаллик даражасининг кенг кўламли ўсишининг олдини олишга имкон берди;

– одамларнинг уюшган миграциясига кўмаклашиш ҳам ўсиб бораётган тафовутни бартараф этишнинг калитидир;

– ҳудудлараро ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги тенгсизликларни босқичма-босқич мақсадли давлат дастурлари асосида камайтирилмоқда тенгсизликни босқичма-босқич камайтирилмоқда.

Кейинги қадамлар:

– тенгсизликни камайтириш, ижтимоий ҳимоя дастурлари самарадорлигини ошириш, аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари даромадларининг тезроқ ўсишини таъминлаш;

– тенгсизлик даражасининг барча кўринишларини (даромад, истеъмол, мулк ва бошқалар) доимий мониторинг қилиш тизимини ташкил этиш;

– ходимлар иш ҳақининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини камида 30 фоизга етказиш (Ҳукумат, Касаба уюшмалари федерацияси ва Иш берувчилар конфедерацияси ўртасида 2023–2025 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича Бош жамоа шартномасига мувофиқ).

4.2. Яшил трансформация

Ўзбекистонда яшил иқтисодиётни ривожлантириш амалга ошириладиган ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу мақсадли расмий маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, давлат дастурларига яшил ривожланиш тамойилларини жорий этиш, иқлим ўзгариши ва газлар чиқиндиларига қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишга ўтишни жадаллаштиришда ўз ифодасини топмоқда.

Ишлаб чиқилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг асосий натижалари:

– сўнгги йилларда иқтисодиётни яшил трансформациялашга қаратилган 154 дан ортиқ чора-тадбирларни назарда тутувчи 20 дан ортиқ расмий ҳужжат қабул қилинди. “2019–2030 йилларга мўлжалланган «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси” (04.10.2019 й.), “Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача «яшил» иқтисодиётга ўтишга қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президентнинг Қарори, “Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларининг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича жадал чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Қарори шулар жумласидан.

Келгуси вазифалар:

– 2026 йилгача иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва яшил иқтисодиётни жорий этиш орқали зарарли газлар эмиссиясини 20 фоизга камайтириш;

– ёпиқ цикли, яъни хомашёдан тайёр маҳсулотгача ва чиқиндисиз технологиядан фойдаланишга (пахта хомашёси, рангли металллар, сабзавот ва мевалар, қурилиш материаллари ва бошқалар) асосланган иқтисодиёт моделини жадал жорий этишга ўтиш;

– 2019 йилда Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида Яшил ўсиш глобал институтининг биринчи аъзо давлати бўлди. Ушбу институт билан 2022 йилда Оролбўйи ҳудудини яшиллаштиришни молиялаштиришга қаратилган қўшма лойиҳа (5,65 миллион доллар) амалга оширилди;

– 2019–2021 йиллар учун Орол денгизининг қуриган тубида чўл ўсимликларидан 1,5 миллион гектар майдонда ҳимоя ўрмон плантациялари яратилди;

– муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар улуши охириги уч йилда 2 баробарга ошди. Угом-Чотқол кўриқхонаси, Хоразм миллий табиат боғи, Жанубий Устюрт,

Марказий Қизилқум, Оқтов-Томди, Судоче-Акпетки давлат кўриқхоналари ташкил этилди;

– экологик таълимни ривожлантириш концепциясига (2019 йил) мувофиқ мактабгача таълим муассасаларида “Эколог бола” ва “Она табиат” дастурларини жорий этиш, “Энг яхши экологик тоза мактаб” ва “Энг яхши мактаб” танловларини ўтказилди ва **тамоийили умумтаълим мактабларида “Эколог талаба” жорий этилди.** Шаҳар, туман, маҳаллаларда кўкаламзорлаштириш бўйича “яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда.

– комплекс бошқарувни жорий этиш натижасида сув ресурсларини тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш индекси 2019 йилдаги 49 фоиздан 2021 йилда 55 фоизга кўтарилди. Сув ҳисобининг шаффоф тизими жорий этилди, 13 мингга яқин сув хўжалиги объектлари рақамлаштирилди, 16 та йирик насос станциялари муқобил энергия манбаларига ўтказилди;

– 2019 йилда Жаҳон банкининг “Қуёш энергиясини масштаблаш” дастури доирасида Навоий вилоятида лойиҳа амалга оширилди, 2021 йилда Самарқанд ва Жиззах вилоятларида яна иккита қуёш электр станциясини қуриш лойиҳаси ҳамда рағбатлантирувчи имтиёزلарни жорий этиш орқали давлат бинолари ва уй-жой иморатларида қуёш батареяларини ўрнатиш бўйича чора-тадбирларни кенг қўламли амалга ошириш бошланди;

– халқаро маълумотлар базаси (EDGAR) маълумотларига кўра, 2021 йилда Ўзбекистонда ЯИМнинг углерод сифими 0,465 тоннани ташкил этди ва 2019 йилга нисбатан 6,6 фоизга камайди. 2030 йилгача атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси ифлослантирувчи чиқиндиларни 10 фоизга қисқартиришни, қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳажмини 18 фоиздан 65 фоизга оширишни назарда тутди.


Яшил трансформациянинг кўрсатиб ўтилган натижалари асосан 6, 7, 11, 12,13,15-мақсадларидан келиб чиқади.

6-мақсад. Сув таъминоти ва санитария ҳолати, барқарор ривожланиш учун сув ресурсларини сақлаш ва бошқариш.

Жаҳон табиий ресурслари институти маълумотларида Ўзбекистон сув стресси юқори бўлган мамлакатлар қаторида келтириб ўтилган ва сув стресси даражаси юқорилиги бўйича тузилган рейтингда дунёнинг 164 та мамлакати орасида 25-ўринни эгаллаган. Ўзбекистонда сув ресурсларига босим даражаси минтақада сув захираларининг юқори даражада (169 %) сарфланиши билан боғлиқ.

Ўзбекистонда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бевосита аҳолининг марказлашган сув таъминотидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш орқали амалга оширилади. Бу борада тизимли ишлар олиб борилмоқда, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 ноябрдаги «Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Республика сув таъминоти тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Қарори доирасида амалга оширилмоқда.

Натижада сўнгги 5 йил ичида республикада марказлашган ичимлик суви таъминоти билан таъминланган аҳоли улуши 5,2 % пунктга ортиб, 2022 йилнинг дастлабки ҳолатига қўра 69,7 %ни ташкил этди. Шунингдек, канализация билан таъминланганлик даражаси 17,5 % га етди. Шу билан бирга, ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси нисбатан паст бўлган ҳудудлар сифатида Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах вилоятлари (60 % дан паст) қайд этилган (6.1-расм).



6.1-расм. Аҳолининг марказлашган сув таъминоти ва канализация билан таъминланганлик даражаси (%да, 01.01.2022 ҳолатига қўра)³³

³³ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

Ўзбекистон аҳолисининг тегишли санитария-гигиена воситаларидан умумий ва тенг ҳуқуқли фойдаланишини таъминлаш зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

2021 йилда йилда хавфсизлик талабларига амал қилган ҳолда ташкил этилган санитария хизматларидан фойдаланадиган аҳолининг улуши 92,7 % ни ташкил этди, шунингдек совун ва сув билан қўл ювиш мосламаларидан фойдаланадиган аҳолининг улуши мос равишда 96,2% га етди.

Яшаш учун қулай экотизимни таъминлаш доирасида республикада сувнинг ифлосланиш даражасини камайтириш, оқова сувларни хавфсиз тозалаш ва қайта самарали ишлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда ва ўз ўрнида, ушбу масалаларни ҳал қилиш Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясида, Ўзбекистон Республикасининг 2016–2020 йилларга мўлжалланган экологик мониторинг дастурида ҳам келтириб ўтилган. Бу йўналишдаги ижобий натижалар, бир томондан, сув ресурсларига бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжни қондиришга ёрдам берса, иккинчи томондан, атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтиришга хизмат қилади.


2017–2021 йиллар мобайнида Ўзбекистонда хавфсиз тозаланган оқова сувларнинг улуши 92,4 % даражасида қолмоқда. Шу билан бирга, сувнинг ифлосланиш индекси 2017–2021 йилларда бироз ёмонлашди (1,35 дан 1,52 гача). Мавжуд кўрсаткич сув сифати бўйича III тоифага (ўртача ифлосланган) мос келиб, қониқарли экологик ҳолатни назарда тутади.

Минтақадаги трансегаравий сувлар сифати қониқарсизлигининг асосий сабаблари сув таркибида туз, феноллар, пестицидлар, нефть маҳсулотлари, металл микдори ва биологик ифлосланишнинг ортиши ҳамда сув қаттиқлигининг ўзгариши билан боғлиқ. Сувнинг микдори ва сифатига сув бошқариш тизими, суғориш объектларининг ҳолати, иқлим омиллари таъсир қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 11 июлидаги Фармонида кўра «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган Концепцияси» тасдиқланган. Концепциянинг устувор йўналишларидан бири мамлакатда сув сифатини яхшилашдир. Уни амалга ошириш доирасида 2030 йилга қадар 18 та гидрологик постларни тиклаш ва сувни тезкор назорат қилиш тизимини жорий этиш режалаштирилган.

Республикада сув ресурсларини бошқариш доирасида ирригация тизими самарадорлигини ошириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар (Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки) маблағларини жалб қилган ҳолда мамлакат сув ресурсларидан фойдаланиш ва ҳисобга олиш самарадорлигини таъминлаш имкониятларини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга

оширилмоқда. Натижада, Ўзбекистонда сув ресурсларини комплекс бошқаришни амалга ошириш даражаси 2017–2021 йилларда 45 % дан 55 % гача ошди (6.2-расм).



6.2-расм. Сув ресурсларини комплекс бошқаришни жорий этиш даражаси, (%)³⁴

Ўзбекистон учун сув ресурсларини бошқариш трансчегаравий дарёлардан минтақалараро комплекс фойдаланишни кўзда тутди. Шу муносабат билан сувдан оқилона фойдаланиш ва уни тежаш, сув ресурсларининг адолатли тақсимланишини кафолатлаш, шунингдек, минтақадаги барча давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сув ресурсларини тақсимлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Иқлим ўзгаришлари Ўзбекистонда сув танқислигини янада кучайтиради, қурғоқчилик давомийлиги ва муддатининг ортиши мамлакат иқтисодиётида сув ресурсларига бўлган эҳтиёжларни қондиришда жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Деярли барча ҳудудларда дарё оқимларини сув билан таъминлаш 60 % дан 90 % гача ёғингарчилик миқдорига боғлиқ. Ушбу хавфнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у кўпроқ табиий омилларга боғлиқ. Хавфнинг олдини олиш чоралари мавжуд сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш билан боғлиқ. Шунингдек, сувнинг ифлосланиш даражасининг ошиши ҳам аҳоли саломатлигига таҳдид солади.

Мамлакат бўйлаб сув ресурсларининг нотекис тақсимланиши, сув хавзаларидан самарасиз фойдаланиш ва уларнинг ифлосланиши барқарор ривожланиш учун жиддий таҳдиддир.

³⁴ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

Ўзбекистон сувга бўлган эҳтиёжнинг 80%ини қўшни мамлакатларнинг сув хавзаларидан кондирити ва қисман иқлим ўзгариши сабабли сув ресурсларини бошқаришда муҳим муаммоларга дуч келмоқда. Мамлакат 2007 йилдан бери БМТнинг 1992 йилдаги трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўллари ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Конвенцияси³⁵ (Сув Конвенцияси), шунингдек, 1997 йилдаги БМТнинг халқаро сув оқимларидан навигациясиз фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенцияси иштирокчиси ҳисобланади. Сув Конвенцияси, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш ва унинг мақсадларининг тартибини тарғиб қилиш ва амалга ошириш учун кучли восита саналади. У Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлардан сув ресурсларини комплекс бошқаришни, шу жумладан шароитга қараб трансчегаравий ҳамкорлик орқали амалга оширишни талаб қиладиган 6.5-вазифанинг бажарилишини бевосита қўллаб-қувватлайди.

2020 йилдаги БРМ бўйича иккинчи ҳисоботнинг³⁶ 6.5.2 кўрсаткичига кўра, Ўзбекистондаги трансчегаравий хавзалар майдонининг 69,6 фоизи тезкор битимлар ёки сув билан ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар билан қамраб олинган. Шунингдек, Ўзбекистон Қирғизистон ва Туркменистон билан муҳим янги шартномалар тузди ва Қозоғистон билан Сирдарё бўйича ҳамкорликни фаоллаштирди. Трансчегаравий ер ости сувлари тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги яхшиланган бўлса-да, трансчегаравий ер ости сувлари ҳақидаги билимларни ошириш ва умумий сув қатламлари бўйича ҳамкорликни ўрнатиш учун қўшимча тадбирларни амалга ошириш зарурати мавжуд.

Сув ресурсларини комплекс бошқариш бўйича биринчи Миллий сиёсий мулоқот³⁷ (МСМ) 2022 йилда бўлиб ўтди. МСМ Ўзбекистонда бугунги кунда тармоқларни ривожлантириш учун сувнинг мавжудлиги, оқова сувларнинг стандартлари, ер ости сувлари мониторинги, трансчегаравий ҳамкорлик ва қуйи Амударёнинг экологик оқимига эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон ҳозирда Сув ва соғлиқни сақлаш протоколнинг иштирокчиси эмаслигини инобатга олган ҳолда, ҳукумат БМТ ва ЖССТ протоколнинг қўшма котибияти билан ҳамкорлик орқали аъзо бўлиш имкониятлари ва афзалликларини ўрганмоқда.

Келгусидаги қадамлар:

– бозор тамойилларини жорий этиш, сув хўжалигини тартибга солиш ва молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш;

³⁵ [Convention on the Protection and Use of Transboundary Watercourses and International Lakes \(Water Convention\)](#)

³⁶ [Отчетность по глобальному целевому показателю ЦУР 6.5.2](#)

³⁷ [About the National Policy Dialogues](#)

- сув ресурсларини бошқариш сиёсати ва механизмларини такомиллаштириш;
- инфратузилмани модернизация қилиш ва сув хўжалиги хизматларини ривожлантириш;
- сув хўжалигини бошқаришнинг илмий ва инновацион салоҳиятини ривожлантириш;
- экологик барқарорликни таъминлаш учун ишлаб чиқилган стратегия ва концепцияларни амалга ошириш;
- барқарор ривожланиш учун сув ресурсларини сақлаш ва улардан оқилona фойдаланишни яхшилаш;
- инфратузилмани модернизация қилиш ва сув хўжалиги соҳасини давлат-хусусий шериклик орқали ривожлантириш;
- сув ва саломатлик тўғрисидаги протоколга кириш имкониятларини баҳолаш;
- трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўллари муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ қўшни мамлакатлар билан трансчегаравий ва ер ости сув ресурслари бўйича ҳамкорликни кенгайтириш.

7-мақсад. Ҳамма учун ҳамёнбоп, ишончли, барқарор ва замонавий энергиядан фойдаланишни таъминлаш.

Аҳолини электр энергияси билан барқарор таъминлаш Ўзбекистонда энергетика соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор вазифалари ва йўналишларидан бири саналади. Ички энергетика бозоридаги мавжуд чекловларга қарамадан, ҳозирда республика аҳолисининг 100 фоизи электр энергиясидан фойдаланиш имкониятига эга, Ўзбекистон ушбу асосий кўрсаткич бўйича жаҳонда юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Мамлакатда мавжуд энергия таъминоти тизимини бозор тамойилларининг босқичма-босқич жорий этилиши доирасида кенгайтириш, янги энергия манбаларини жорий этиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга ошириш имконини бермоқда. Ҳукумат ташаббуси билан энергетика соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар институционал муҳитнинг сезиларли яхшиланишига ва энергетика соҳасида қатор инвестиция лойиҳаларини фаол амалга оширишга хизмат қилди. Аҳоли томонидан қайта тикланадиган энергия қурилмаларини харид қилишни рағбатлантириш ва ижтимоий соҳа объектларини кенг қўламда “яшил” энергия манбаларидан фойдаланишга ўтказиш бўйича янги чора-тадбирлар комплекси амалга оширилиши Ўзбекистоннинг “яшил” ривожланишга ишонч билан ўтиши учун катта имкониятлар яратди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида сўнгги олти йил ичида барқарор энергия таъминотининг технологик платформасини шакллантиришда ижобий ўзгаришлар рўй берди, жумладан 5 минг МВт дан ортиқ янги қувватлар ишга туширилди (олдинги даврга нисбатан 1,5 баробар кўп), 45 минг км. электр тармоқлари ва 13 мингдан ортиқ трансформатор қувватлари янгиланди (нисбатан 3,5 баробар кўп).

Сўнгги уч йилда (2019–2021 йилларда) 2,2 ГВт ҳажмдаги янги қувватлар ишлаб чиқариш бўйича электр энергияси ишга туширилди ва бунинг натижасида электр станцияларининг умумий ўрнатилган қуввати 14,1 фоизга ошди. Шунингдек, қуввати 450 МВт бўлган янги Тўрақўрғон ИЭСнинг биринчи блоки, 200 МВт қувватга эга иккита қуёш станцияси ва бошқа энергетика объектлари ишга туширилиши натижасида жами электр энергияси ишлаб чиқариш 2019 йилдаги ҳажми 63,6 миллиард кВт/соатдан 2021 йилда 71,4 миллиард кВт/соатга ошиб, ўсиш 12,4 фоизни ташкил қилди (7.1-расм).



7.1-расм. Электр энергияси ишлаб чиқаришнинг ўсиши, млрд. кВт/с.³⁸

Шу билан бирга, дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлгани каби, электр тармоғига уланиш кўрсаткичи ва электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг нисбатан юқори даражаси сифат ва ишончлилиқ параметрларига мос келадиган энергия таъминотини, шунингдек тоза энергия турларига талабни тавсифловчи кўрсаткичларнинг қийматларини кафолатламайди.

Жаҳон банки экспертларининг хулосаларига кўра, энергия таъминотида чекловларни бошдан кечираётган уй хўжалиқларининг улуши камида 13-20 фоизни ташкил қилади. Электр энергиясининг тез-тез узилиб қолиши ва газнинг тақчиллиги туфайли, асосан, қишлоқ жойларда деярли ҳар бешинчи хонадон кам самарали ва ифлослантирувчи ёқилғи – кўмир ва ўтиндан фойдаланишга мажбур бўлмоқда, бу эса ўз ўрнида турмуш сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги айрим кўрсаткичлар бўйича уларнинг қийматларининг ёмонлашувини кўрсатди. Тоза ёқилғидан фойдаланадиган аҳоли улуши 2019 йилдаги 97,1 фоиздан 2021 йилда 94,3 фоизгача камайди.

³⁸ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари



7.2-расм. Қайта тикланадиган энергия манбалари ҳисобига тоза ёқилғи ва электр энергиясини ишлаб чиқаришдан фойдаланадиган аҳолининг улуши³⁹



7.3-расм. Асосий энергия капиталига йўналтирилган инвестициялар улуши⁴⁰

Мавжуд тенденцияларни ўзгартириш мақсадида қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш бўйича керакли инвестиция лойиҳалари портфели шакллантирилди, уларнинг амалга оширилиши 2-3 йил ичида ушбу кўрсаткични яхшилаш имконини беради. Ҳозирда қайта тикланадиган энергия манбаларининг электр энергияси ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмидаги улуши белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришилмаган. Умумий ишлаб чиқарилган электр энергиясидаги қайта тикланадиган энергия манбаларидан ишлаб чиқарилган электр энергиясининг улуши 2019 йилдаги 10,2 % дан 2021 йилда 7,0 % фоизгача камайди. Ушбу ҳолат гидроэнергетика ресурсларини жалб этишнинг чекланганлиги, қуёш ва шамол энергетикасининг етарли даражада ривожланмаганлиги билан боғлиқ (7.2-расм).

Электр энергияси ишлаб чиқариш таркибида қайта тикланадиган энергия манбаларининг ролини камайиши ва бунинг натижасида аҳолининг тоза энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларидан самарали фойдаланмаслигининг омили энергия қувватларини ривожлантиришга инвестиция чекловларининг мавжудлигидир. Охириги уч йилда энергетика тармоғида асосий капитални ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар улуши 10,8 % дан 7,9 % гача камайди (7.3-расм). Ушбу кўрсаткични ўзгартириш учун инвестиция оқимларини

³⁹ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

⁴⁰ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

“яшил” лойиҳаларни амалга оширишга ва устувор йўналиш сифатида давлат-хусусий шериклик воситаларидан фойдаланган ҳолда қайта тикланадиган энергия лойиҳаларига йўналтириш кўзда тутилган.

Энергетика қувватларини ривожлантириш прогнозига мувофиқ, 2030 йилга қадар арзон, ишончли ва замонавий энергия таъминотидан фойдаланишга тўлиқ эришиш режалаштирилган. Электр энергияси ишлаб чиқаришни икки бараварга ошириш натижасида – 115 - 120 миллиард кВт.с. гача эришиш ҳамда қайта тикланадиган энергия улушини – 30 фоизгача кўпайтириш орқали, аҳоли томонидан энергия истеъмоли ҳажмини жорий даражага нисбатан камида 1,8 баробарга оширишга эришилади.

Кейинги қадамлар:

– “яшил” энергияга ва умуман “яшил” иқтисодиётга ўтишга қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш;

– давлат-хусусий шериклик механизмларидан тўлиқ фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда энергия қувватларини ривожлантириш дастурини, шу жумладан қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш дастурини самарали амалга ошириш;

– энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш дастурини жадаллаштирадиган янги тарифга изчил ўтиш;

– арзон, ишончли, барқарор ва замонавий энергия манбаларидан оммавий фойдаланишни таъминлаш мақсадида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш;


– мавжуд иқтисодий рағбатларга риоя қилган ҳолда маҳаллий энергия тизимларини ривожлантиришга хусусий секторни жалб этиш орқали, қайта тикланадиган энергия манбалари асосида ишлаб чиқариладиган “тоза” электр энергиясидан уй хўжаликларида фойдаланишнинг салоҳияти ва имкониятларини тўлиқ жалб қилиш учун шарт-шароит яратиш;

– энергия тизимини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини тоза электр энергияси ишлаб чиқариш технологияларидан фойдаланиш, қайта тикланувчи энергия манбалари салоҳиятини жалб қилган ҳолда, айниқса, қишлоқларда энергия таъминоти тизимини янада ривожлантириш.

11-мақсад. Шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларининг очиқлиги, хавфсизлиги ва экологик барқарорлигини таъминлаш.

Барқарорлик ва хавфсизлик масалалари аҳолининг, шу жумладан, кам таъминланган қатламларнинг зарур инфратузилмага эга сифатли турар жойлардан фойдаланишини яхшилаш муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқдир.

Уй-жой қурилиши соҳасидаги давлат сиёсати фуқароларнинг турли тоифалари ва аҳоли қатламлари учун сифатли уй-жой билан таъминлашни кенгайтириш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилган. Бунда Давлат инвестиция дастурлари, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ҳамда бозор тамойиллари асосида ипотека кредитлари ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар асосий восита ҳисобланади⁴¹. Сифатли, хавфсиз ва арзон уй-жойлардан ҳамма фойдаланишини таъминлашга қаратилган ушбу ва бошқа чора-тадбирлар аҳолининг уй-жой билан таъминланиш даражасини оширишда ўз ифодасини топиб (2017 йил 15,7 м²/кишидан, 2021 йил 18,2 м²/ кишига) 1,2 баробарга кўпайди. Асосий ўсиш сўнги 3 йилда кузатилган (11.1-расм).




11.1-расм. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш (кв.м. киши).⁴²

Сўнги олти йил давомида мамлакатимизда 300 мингга яқин хонадон ва якка тартибдаги уй-жой қурилди. Бу мустақилликнинг олдинги йилларига нисбатан 10 баробар кўпдир.

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Аҳолини бозор тамойиллари асосида ипотека кредитлари бериш орқали уй-жой билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6186-сон қарори


⁴² Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

2021 йилда қурилиш ва аҳолининг ўсиш суръатлари ўртасидаги ўзаро нисбат 1,07 ни ташкил этди. Шу билан бирга, ушбу кўрсаткичнинг ўсиш тенденцияси аҳоли сонининг ўсишига нисбатан янги уй-жойларни қуриш жараёнининг тезлашганини кўрсатади (11.2-расм).



11.2-расм. Уй-жой қурилиши ва аҳолининг ўсиш суръатлари ўртасидаги ўзаро нисбат⁴³

2017–2021 йилларда жамоат транспортдан қулай фойдаланиш имкониятига эга бўлган Ўзбекистон аҳолисининг улуши 1,2 % пунктга ўсди ва 86,1 % га етди (шу жумладан, эркаклар ўртасида – 85,6 %, аёллар – 86,7 %). (11.3-расм).




11.3-расм. Жамоат транспортдан қулай фойдаланиш имкониятига эга бўлган аҳоли улуши (жинси, ёши ва ногиронлиги белгилари бўйича, %)⁴⁴

⁴³ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

⁴⁴ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

Кейинги йилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш тизими инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Туманлар ва шаҳарларда 172 та филиалга эга 13 та санитария-тозалаш давлат унитар корхонаси, шунингдек, қаттиқ маиший чиқиндиларни комплекс бошқариш бўйича 9 та кластер ташкил этилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар 2019 йилдаги 45% ўрнига 2021 йилда мамлакатимиз аҳолисининг 50% санитария-гигиена хизматлари билан қамраб олиш имконини берди.



11.4-расм Маиший чиқиндиларнинг умумий массасида мунтазам йиғиладиган ва тўғри утилизация қилинадиган қаттиқ маиший чиқиндиларнинг улуши, %⁴⁵

Кўрилган чора-тадбирлар туфайли мунтазам йиғилиб, тўғри утилизация қилинадиган қаттиқ маиший чиқиндиларнинг умумий маиший чиқиндилар массасидаги улуши 25,9 % пунктга ошди (11.4-расм).

Кейинги қадамлар:

- уй-жой қурилишида уй-жой майдонининг ижтимоий меъёрлари ва демографик ўсишни, шунингдек, кейинчалик энергия таъминоти, сув таъминоти, канализация, иссиқлик таъминоти ва газлаштиришни ҳисобга олиниши зарур;
- шаҳар инфратузилмасини ривожлантиришда шаҳар аҳолисини ижтимоий-маиший объектлар, жумладан, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, умумтаълим мактаблари, ижтимоий-маданий объектлар ва транспорт хизматлари билан қамраб олишни кучайтириш зарур;
- йирик, ўрта, кичик шаҳарларда аҳолининг жамоат транспортдан фойдаланиш улушини ошириш;
- жамоат транспорти инфратузилмаси объектларини (оралиқ ва якуний станциялар, автостанциялар ва автовокзаллар) аҳолининг кам ҳаракатли гуруҳлари, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар учун янада мослаштириш⁴⁶;

⁴⁵ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

⁴⁶<https://lex.uz/ru/docs/5841063>, 175-банд (Туризм инфратузилмасидан фойдаланиш имконияти)

– қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқиш учун санитария тозалаш инфратузилмасини, шунингдек қайта ишлашнинг самарали тизимини (масалан, муқобил энергия манбалари шаклида) ривожлантириш;


– полигонларга утилизация қилиш учун юборилаётган қаттиқ маиший чиқиндилар ҳажмини камайтириш, санитария ва экологик меъёрлар талабларига жавоб берадиган замонавий қаттиқ маиший чиқиндилар полигонларини яратиш, шунингдек, мавжуд полигонларни ёпиш ва рекультивация қилиш чораларини кўриш;

– санитар тозалаш соҳасида нархларни такомиллаштириш ва тарифларни оптималлаштириш;

– шаҳарларни ривожлантиришнинг бош режаларини қабул қилиш ва ривожлантириш жараёнида шаҳарсозлик ва санитария меъёрлари ва қоидаларига қатъий риоя қилиш, давлат-хусусий шерикчиликни кенгайтириш.

12-мақсад. Барқарор истеъмол ва ишлаб чиқариш шаклларига ўтишни таъминлаш.

Ўзбекистондаги янги иқтисодий моделни “айланма цикл иқтисодиёти” деб номлаш мумкин. Айланма цикл иқтисодиёти – бу асосан яшил иқтисодиётга боғланган истеъмол ва ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш воситаси ҳисобланади. Айланма цикл иқтисодиёти 2019–2030 йилларга мўлжалланган “Яшил иқтисодиёт стратегияси”нинг кенгроқ иккинчи шакли бўлган “Яшил ўсиш стратегик дастури”нинг (the Green Growth Strategic Framework) иккинчи мақсади яъни, “Яшил, кам углеродли саноат ва иқтисодиётни ривожлантириш” мақсадида ҳам киритилган. Шунингдек, ушбу даврий мақсадлар 2019–2028 йилларга мўлжалланган қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш стратегиясига (*Solid Waste Management Strategy for 2019–2028*) ҳам киритилган. Масалан, ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларнинг **60** фоизи ва алоҳида қаттиқ маиший чиқиндиларнинг **25** фоизи қайта ишланади. Европа Иттифоқи, SWITCH Asia, Жаҳон банки ва БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда Ўзбекистонда айланма иқтисодиёт учун зарур шарт-шароитлар таҳлили ўтказилди.



12.1-расм. Аҳоли жон бошига хавфлилиги 1-3 тоифадаги захарли ишлаб чиқариш чиқиндиларининг ҳосил бўлиши (кг)⁴⁷

Ўзбекистонда ҳар йили ўртача **7** миллион тонна маиший чиқинди ҳосил бўлади. Уларнинг атиги 1,8 миллион тоннаси қайта ишланаётганига қарамай, қайта ишлаш даражаси 21,9 % дан 26 % га ошди. Республикада ҳозирда 307 та қайта ишлаш корхонаси фаолият юритмоқда ва чиқиндилардан 1400 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Таҳлилларга кўра, 2019–2021 йилларда аҳоли жон бошига хавфли тоифадаги захарли ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳосил бўлиши 13,1 кг дан 8,5 кг гача камайди.

Ўзбекистонда истеъмол ва ишлаб чиқаришнинг оқилона моделларига ўтиш вазифаси ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган устувор стратегик

⁴⁷ Кўрилган чора-тадбирлар туфайли мунтазам йиғилиб, тўғри утилизация қилинадиган қаттиқ маиший чиқиндиларнинг умумий маиший чиқиндилар массасидаги улуши 25,9 % пунктга ошди (11.4-расм).

ривожланиш вазифалари тизимига киритилган. Ушбу вазифаларни ҳал этиш нуқтаи назаридан иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқлари ва соҳаларида энергия ресурсларини оқилона ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишга ўтиш энг муҳим устувор йўналиш ҳисобланади. Бу йўналишда республикада энергия самарадорлигини ошириш бўйича қатор тармоқ дастурлари, “яшил” иқтисодиётга ўтиш бўйича стратегик чора-тадбирлар қабул қилиниб, амалга оширилмоқда.

Қабул қилинган дастур ва чора-тадбирларни амалга ошириш даврида энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тенденциялари кузатилди. Жумладан, уй-жой коммунал хўжалиги каби тармоқларда умумий энергия истеъмолининг 40% дан ортиғи ва умумий энергия салоҳиятининг ярмидан кўпроғи ҳамда CO₂ эмиссиясини камайтириш учун захиралар ташкил этади.

Ушбу тадбирлар натижасида, фақат энергия тежовчи лампалардан фойдаланишга ўтиш чоралари кўрилади, аҳоли ва бошқа энергия кўп истеъмол қилувчилар учун (*саноат корхоналарида*), энергияни тежаш ва уни истеъмолчиларга етказиб бериш харажатлари таъминланади.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2021 йилда энергия тежовчи лампочкалардан фойдаланаётган аҳоли улуши 50-60 фоизгача ошган.

Аҳоли энергиянинг асосий истеъмолчиларидан бири эканлигини инобатга олган ҳолда, оқилона истеъмол намуналарини шакллантириш ва маиший соҳага энергия хизматлари кўрсатиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни жадаллаштириш мақсадга мувофиқ.

Ривожланиши энергия тежаш салоҳиятини рўёбга чиқариш чора-тадбирлари билан ҳамроҳ бўлган электр энергетика соҳасида самарадорлик кўрсаткичларини яхшилаш тенденцияси кузатилмоқда (*масалан, 2021 йилда энергия тизимидаги умумий йўқотишлар 2019 йилга нисбатан 2,0% га камайди*).

Умуман олганда, Энергетика вазирлиги маълумотларига кўра 2021 йилда амалга оширилган ташкилий-техник чора-тадбирлар натижасида 2,0 миллион тоннага яқин ёқилғи эквивалентини тежаш таъминланди. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг электроэнергетика соҳасида оқилона ишлаб чиқариш моделини шакллантиришнинг асосий омилларидан бири сифатида қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш асосида энергия қувватларини диверсификация қилиш, электр энергияси ишлаб чиқариш бирлиги таннархини ишлаб чиқариш учун махсус харажатларни камайтириш вазифалари аста-секинлик билан ҳал қилинмоқда.

2021 йилда янгиланган “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунда харидларнинг комплекс тамойиллари белгилаб берилган ҳамда давлат харидларини амалга оширишда “ижтимоий ва иқтисодий сиёсатнинг устувор

йўналишлари, жумладан, юқори технологияли ва инновацион ишлаб чиқаришларни жорий этиш, қулай экологик вазиятни сақлаш”ни ҳисобга олиши шартлиги белгилаб қўйилган.

Қонунда белгиланганидек, давлат харидларини амалга ошириш жараёнида экологик муҳитни яхшилашга қўмаклашиш ёки атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтириш мақсадида иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва пудратчини аниқлашда куйидаги мезонлар қўлланиши мумкин.

Хусусан, энергия самарадорлиги, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик тоза материаллар ва иккиламчи хомашё, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ва сотиб олинган товарлар (ишлар, хизматлар) нинг экологик тозалигини баҳолаш учун бошқа омиллар.

Қонун давлат харидлари тизимини модернизация қилиш ва такомиллаштириш асосларини белгилаб берган бўлса-да, унинг самарадорлиги кўп жиҳатдан мансабдор шахсларнинг салоҳиятини ошириш ва малакасини оширишга йўналтирилган инвестициялар, харидлар ва шартномаларни бошқариш билан боғлиқ.

Кейинги чора-тадбирлар:

– маҳсулотлар, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришда энергия ресурсларидан фойдаланишнинг оқилона параметрларини шакллантиришга қаратилган тармоқ энергия тежаш чора-тадбирларини амалга ошириш учун инвестиция шартларини такомиллаштириш;

– турар-жой секторида қурилиш меъёрларига риоя қилиш ва энергия хизматларини кўрсатишнинг замонавий мониторингини жорий этиш;

– қишлоқ жойларда биринчи навбатда қуриладиган куёш ва шамол станцияларини ўз ичига олган ҳолда шамол электр станциялари қурилмаларини ўрнатиш соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;


– энергияни тежаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича “**яшил**” лойиҳаларни амалга оширишнинг ижобий натижаларини намоиш этиш ва аҳоли ўртасида тарғиб қилиш орқали салоҳиятни ошириш ва оқилона истеъмол намуналаридан фойдаланишга ўтишнинг афзалликлари тўғрисида жамоатчилик билиминини ошириш;

– ЭСГ (*атроф-муҳит, ижтимоий ва корпоратив бошқарув*) тамойилларига мос келадиган компаниялар рейтингини яратишни кўриб чиқиш.

13-мақсад. Иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши курашиш учун тезкор чоралар кўриш.

Ўзбекистон иқлим ўзгаришига нисбатан энг заиф давлатлар қаторига киради. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жаҳон метеорология ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги кунга қадар дунёдаги ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 1880 йил даражасидан 1 даража цельсийга ошган. Ўзбекистонда айна шу даврда ўртача йиллик ҳаво ҳарорати цельсий бўйича 1,6 даражага (13,2 дан 14,8 даражагача) ортди. Республикада ўртача ҳаво ҳароратининг кўтарилиш интенсивлиги дунё миқёсида кузатилган ўртача кўрсаткичдан юқоридир. Иқлим ўзгариши экотизимларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда, бу эса мамлакатнинг барча минтақаларида экологик вазиятнинг кескинлашишига олиб келади.

EDGAR халқаро базасига кўра, 2021 йилда Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг углерод сифими 0,465 тонна CO₂/1000\$ ташкил этди (2017 йил доимий нархларида) ва 2019 йилга нисбатан 6,6% га камайди (13.1-расм).



13.1-расм. ЯИМнинг углерод сифими, тонна CO₂/1000\$ ХҚП бўйича ЯИМ (2017 йил доимий нархларида)⁴⁸

2019 йил октябрь ойида республикада 2030 йилгача атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси қабул қилинди. Концепцияда атроф-муҳитни (атмосфера ҳавоси, сув, ер, тупроқ, ер ости бойликлари, биологик хилма-хиллик, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар) антропоген таъсирлардан ва бошқа салбий омиллардан сақлаш, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни кенгайтириш ва чиқиндиларни бошқаришнинг экологик тоза тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар мавжуд. Концепцияни амалга ошириш орқали куйидаги ўзгаришлар кутилмоқда:

- Орол денгизининг қуриган тубининг Ўзбекистон ҳудудидаги қисмига ўрмон экиш майдонини 28 % дан (0,9 млн гектар) 60 % га (2 млн гектар) етказиш;
- ифлослантирувчи моддалар ташламаларини 10 % га камайтириш (2,492 миллиондан 2,243 миллион тоннагача);
- 80 % (тахминан 6500 та) жамоат транспортини табиий газ ёқилғиси ва электрда ҳаракатланишга ўтказиш;
- ўрмон билан қопланган ҳудудни 3,2 миллиондан 4,5 миллион гектаргача етказиш;

⁴⁸ Манба: EDGAR – Emissions Database for Global Atmospheric Research.

– муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар майдонини 3,5 % дан (1,5 млн га) 12 % га (5,4 млн) кўпайтириш;

– аҳолининг қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари билан камраб олиншини 48 % дан (16 млн киши) 100 % етказиш;

– ҳосил бўлган қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳажмини 18% дан (1,3 млн тонна) 65% гача (4,6 млн тонна) ошириш.

Орол фожеаси нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиёнинг иқлим шароитига кучли салбий таъсир кўрсатиб, ёзда қуруқ ва иссиқни кучайтиради, қишда эса совуқ кунлар давомийлигини оширади. Оролбўйи ҳудудида ҳарорати 40°C дан юқори бўлган кунлар сони 2 баравар, Ўзбекистоннинг қолган қисмида эса ўртача бир ярим баравар кўпайди. 1950 йилларнинг бошидан бошлаб республика ҳудудида ҳароратнинг ўртача ўсиш суръати ўн йил ичида 0,29 °C ни ташкил этди, бу глобал иссиқ суръатларидан 2 баравар кўпдир.

2020 йил сентябрь ойида БМТда сўзлаган нутқида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Орол денгизининг қуриши натижасида Оролбўйи ҳудуди «экологик ҳалокат эпицентрига» айланганини қайд этиб ўтди. Айни шу сессияда у Оролбўйи минтақасини «экологик инновациялар ва технологиялар зонаси» деб эълон қилишни таклиф қилди. 2021 йил май ойида БМТ Бош Ассамблеяси Оролбўйи минтақасини «экологик инновациялар ва технологиялар зонаси» деб эълон қилган резолюцияни бир овоздан маъқуллади.

2021 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Оролбўйи минтақасида тадбиркорликни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни имзолади. Бундан кўзланган асосий мақсад – мавжуд ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ҳудудларида қулай агробизнес муҳитини яратиш ҳисобланади.

2022 йилнинг январь ойида ҳукумат томонидан 2022–2026 йилларда Орол денгизи туби ва Оролбўйи ҳудудини қоплаш учун яратилаётган ҳимоя ўрмонлари майдонлари, шунингдек, 2022–2026 йилларда Орол денгизи туби ва Оролбўйи ҳудудини қоплаш учун ҳимоя ўрмонларини яратиш учун чўл ўсимликлари уруғларини тайёрлаш ҳажми тасдиқланди. Ушбу режага кўра, 2026 йил охирига қадар Қорақалпоғистон ҳудудида 500 минг гектар саксовул, корабароқ ва черкез экилиши мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 январдаги «Оролбўйи ҳудудини экологик инновациялар ва технологиялар зонасига айлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан Оролбўйи ҳудудини экологик инновациялар ва технологиялар зонасига айлантириш концепцияси ҳамда 2022–2026 йилларда Оролбўйи ҳудудига хорижий

инвестицияларни жалб этишнинг устувор йўналишлари бўйича кўп томонлама «йўл харитаси» тасдиқланди.

Жаҳон банкининг «Орол денгизи тубидан қум ва чанг бўронларини камайтириш мақсадида Ўзбекистонда ландшафтлар тиклашнинг аҳамияти» номли сўнги тадқиқотига кўра, ҳар йили Оролқумнинг қум ва чанг бўронлари Қорақалпоғистонга 44 миллион доллардан ортиқ иқтисодий зарар етказди. (Минтақа ялпи ички маҳсулотининг 2%и). Кейинги 20 йил ичида Жаҳон банки маълумотларига кўра, ушбу вазиятни ҳал этишдаги сусткашлик минтақага 840 миллион доллардан кўпроқ зарар етказиши тахмин қилинмоқда.

2018–2021 йилларда Орол денгизининг қуриган тубида 1,5 миллион гектар майдонда саксовул, черкез, кандим ва қорабарок каби чўл ўсимликларидан ҳимоя ўрмонзорлари яратилди. Ишларга 4000 дан ортиқ ишчи ва 1600 та техника, шу жумладан самолётлар жалб этилди. 2022 йилда 107 минг гектар майдонда ҳимоя ўрмон плантациялари ташкил этилди, бунинг учун 580 тонна чўл ўсимликларининг уруғларидан фойдаланилди. Бундан ташқари, 100 гектар майдонда питомник ташкил қилинди.

Ҳозирги вақтда 26 минг гектар майдонда иш олиб борилмоқда, экиш учун 562 тонна уруғ тайёрланган.

Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, Оролқумдаги ландшафтни тиклаш бўйича чора-тадбирлар йилига тахминан 39 миллион доллар (Қорақалпоғистон ЯИМининг 1,9%) қўшимча фойда келтириши мумкин. Ландшафтни тиклаш, шунингдек, ялпи ички маҳсулотнинг 0,3%ига тенг бўлган тахминан 5,5 миллион долларлик ҳосил йўқотилишининг олди олинади. Ўзбекистонда ландшафтларни тиклаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш натижасида экотизим хизматларининг афзалликлари, агар тупроқни тиклашнинг тегишли усуллари қўлланилса, экинлар етиштиришни кенгайтиришнинг иқтисодий ва молиявий фойдаларига қараганда нисбатан муҳим аҳамиятга эга.

Республиканинг «яшил» иқтисодиётга ўтиш жараёнида 2019 йилда Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Концепциянинг мақсади ёш авлодда экологик билим, онг ва маданиятни шакллантириш, инновацион технологияларни жалб қилган ҳолда экология соҳасидаги илм-фанни такомиллаштиришдир.

Мактабгача таълим муассасаларида «эколог болакай» дастурини жорий этиш ва "экологик йўлақлар"ни ташкил этиш, шунингдек, «она табиат» мавзусида очик ҳавода дарс соатлар ўтказиш йўлга қўйилди. Умумтаълим мактабларида «энг яхши экологик тоза мактаб» ва «энг яхши эколог ўқувчи» танловлари ўтказилмоқда. Лицей ва коллеж ўқувчилари учун «экология билимдони» ва «энг яхши экологик лойиҳа» танловлари ўтказиш мўлжалланган. Олий ўқув юртлирида «Эко-клублар» ташкил этилиши режалаштирилган.

Экологик маданият ва таълимни шакллантириш мақсадида мактабларда 1-2 синфлар учун «табiiй фанлар», 3-4 синфлар учун «Табиатшунослик» фанлари жорий этилди.

Республикада экологик таълимни ривожлантиришда «Замин» жамғармасининг ҳиссаси катта. 2021 йилда жамғарма томонидан экологик масъулиятли авлод тарбиялашга имкон берувчи – «Zamin Eco Education» лойиҳаси ишлаб чиқилди ва амалга оширишга киришилди. Дастур экологик таълим учун бир нечта мустақил таркибий қисмларни ўз ичига олади.

Иқлим ўзгариши оқибатларининг олдини олиш, уларга мослашиш ва хавфли иқлим ҳодисалари хавфининг эрта олдини олиш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар тўғрисида билим ва хабардорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги веб-саҳифасида «яшил иқтисодиёт» деб номланувчи алоҳида янгиликлар ва таҳлилий бўлим ишга туширилди. Шунингдек, 2022 йил 29 апрель куни ушбу вазирлик ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтида яшил ўсишни таъминлаш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва фикр алмашиш концепцияларини шакллантириш, шунингдек экспертлар, илмий-тадқиқот муассасалари, халқаро молия институтларини жалб этиш ва қўшма фаолиятни амалга ошириш орқали мамлакатнинг «яшил» иқтисодиётга ўтиш жараёнларини жадаллаштиришга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган «Green Hub» платформасини ишга тушириш маросими бўлиб ўтди.

Келгусидаги қадамлар:

– углерод сизимининг ЯИМга нисбатини камайтиришни таъминлаш мақсадида республикада «яшил технологиялар»ни жорий қилиш ва ривожлантириш ;

– «яшил» иқтисодиёт соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шу жумладан икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш;

– Париж келишуви бўйича ихтиёрий равишда қабул қилинган мажбуриятларни бажаришни давом эттириш;

– хорижий инвесторларни мамлакатнинг иқлимга оид лойиҳаларига жалб қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

– миллий режаларга киритиш орқали иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш бўйича чора тadbирларни зарур молиявий маблағлар билан таъминлаш;

– кўп углерод ишлаб чиқарувчи тармоқлардан бўшаган ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва иш билан таъминлаш чораларини кўриш орқали «яшил» иқтисодиётга адолатли ўтишни таъминлаш.


15-мақсад. Ер усти экотизимларини ҳимоя қилиш ва тиклаш ҳамда улардан унумли фойдаланиш, барқарор ўрмон бошқарувини таъминлаш,

чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг деградациясини тўхтатиш ва қайтариш ҳамда биохилма-хилликнинг йўқолишини тўхтатиш.

Ўзбекистон сийрак ўрмонли давлат бўлиб, миллий статистика маълумотларига кўра ўрмонлар майдони 8,7% ни ташкил этади. Шу билан бирга, 2019 йилдан бошлаб умумий ер майдонига нисбатан ўрмонлар майдони амалда 0,1 фоизга ошди (15.1-расм). Ўрмон фонди ерларининг энг катта майдонлари – Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида жойлашган бўлса, энг кичик майдонлари – Самарқанд, Сирдарё вилоятлари ва Фарғона водийсида сақланиб қолган.

2021 йилда жами 609 минг гектар майдонга, асосан, чўл ҳудудларида дарахт ниҳоллари экилди. Шунингдек, тоғли ва тоғолди ҳудудларида 8 минг гектар, ўрмонларда 1000 гектар майдонга ёнғоқ турлари экилиб, ўрмонларни қайта тиклаш ишлари олиб борилди. Шу билан бирга, табиий кўпайиш учун шароит яратилди.

2021 йилда 672 минг гектар майдонда ўрмонлар яратилди ва қайта тикланди. Жумладан чўл зонасида – 658 минг гектар майдонда, тоғли ва тоғолди зонасида – 10,6 минг гектар майдонда ёнғоқ плантациялари, водий ва тўқай зоналарида қолган – 3,4 минг гектарда ўрмонзорлар барпо этилган.



15.1-расм. Умумий ер майдонига нисбатан ўрмон майдонлари (фоизда)⁴⁹

Кейинги йилларда табиий ҳудудларни сақлаш ва тиклаш, экологик муҳитни яхшилаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, 2019–2021 йилларда Угом-Чотқол давлат биосфера резервати, Хоразм миллий табиат боғи ва “Жанубий Устюрт” миллий табиат боғи, давлат буюртмаси асосида “Судочье-Акпетки” кўрикхонаси ташкил этилиб, республикада муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар улуши қарийб икки баробар ошди.

2022 йилда давлат экология институти шаклида қўйидагилар ташкил этилди:

– Учқудук туманидаги умумий майдони 1,2 миллион гектар бўлган “Марказий Қизилқум” миллий табиат боғи;

⁴⁹ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

– Томди туманидаги умумий майдони 40 минг гектар бўлган “Оқтоғ-Томди” давлат кўриқхонаси.

2019 йилда Ўзбекистон Қизил китобининг янги нашри чоп этилди. Ўсимлик дунёсига бағишланган биринчи жилд 314 ўсимлик турини ўз ичига олади (2009 йил нашрида 324 та). Бундан ташқари, рўйхатга 15 та янги тур кўшилди ва 0-тоифа (“эхтимол йўқ бўлиб кетган”) 19 тадан 10 тага қисқартирилди, 157 тур ўз мақомини ўзгартирди.

Ўзбекистон фаунасини тавсифловчи иккинчи жилдга сут эмизувчиларнинг 30 тури (кичик турлари билан – 32), кушларнинг 52 тури, судралиб юрувчиларнинг 21 тури, балиқларнинг 17 тури (кичик турлари билан – 18), чувалчанларнинг 3 тури, моллюскаларнинг 14 тури ва артроподларнинг 66 тури киритилган.

Республикада мавжуд 44,9 миллион гектарнинг атиги 4,3 миллион гектари (10 фоизга яқини) суғориладиган ерлардир. Бу ерларнинг 2 миллион гектарга яқини (45%) иккиламчи шўрланишга учраган, 800 минг гектар майдонда сув эрозияси муаммоси мавжуд. Шамол эрозияси 2 миллион гектардан ортиқ майдонда учрайди.

Ер деградациясига барҳам бериш мақсадида 2022 йил 10 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида алоҳида янги бошқарма ташкил этилиб, унга республикада ерларнинг деградацияси ва унинг олдини олиш муаммоларини ҳал этиш юклатилди.

Кейинги қадамлар:

– биохилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланиш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

– ер муҳофазасини рағбатлантириш ва тупроқ унумдорлигини тиклашнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш;

– муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (МТХ) тизимини янада ривожлантириш, МТХнинг моддий-техник базасини яхшилаш, ходимларнинг ботаника, зоология ва экология соҳалари бўйича доимий малакасини ошириш;

– географик ахборот тизимлари асосида қишлоқ хўжалиги ерларининг мониторинги механизмини такомиллаштириш;

– биохилма-хилликни сақлаш масалаларини иқтисодиётнинг барча тармоқларига интеграция қилиш;

– табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш.

4.3. Рақамли иқтисодиёт ва инновацияларни ривожлантириш

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт нисбатан тез суръатлар билан ривожланмоқда. 2020 йил октябрь ойида ҳукумат рақамли инфратузилмани, электрон ҳукуматни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни рақамлаштириш, миллий ИТ секторини яратиш ва ИТ таълимни кучайтириш мақсадида «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини қабул қилди. Рақамлаштиришнинг асосий натижалари:

– мамлакат ЯИМда ахборот иқтисодиёти ва рақамли тижорат секторининг улуши 2019 йилдаги 1,8 фоиздан 2021 йилда 2,6 фоизга ёки 1,6 баробарга ошди. Уч йил давомида (2019–2021 йиллар) «ахборот ва алоқа» соҳасида кўрсатилган хизматлар ҳажми 1,6 баробарга кўпайди. Шу билан бирга, телекоммуникация инфратузилмаси жадал ривожланмоқда (оптик-толлалар линиялар узунлиги 3,2 баробарга, мобил алоқа учун база станциялари сони 1,8 баробарга ошди);

– 2019–2021 йиллар мобайнида мобил алоқа абонентлари сони 21,7 фоизга ошиб, 29 миллион кишига, интернетдан фойдаланувчилар сони эса 1,5 баробарга ошиб, 23 миллион кишига етди. Провайдерлар учун интернет хизматлари тарифлари нархи 3,4 бараварга камайди;

– Корея Республикаси кўмагида йилига 50 минг км қувватга эга оптик толлалар кабеллар ишлаб чиқарувчи завод қурилди, бу ички эҳтиёжларни қондириш ва кабель маҳсулотларини экспортга етказиб бериш имконини яратди;

– Ўзбекистоннинг инновациялар соҳасидаги муваффақияти мамлакатнинг Глобал инновациялар индексидаги ўрни орқали баҳолаш мумкин. 2021 йил якуни бўйича Ўзбекистон 82-ўринни эгаллади ва 4 поғонага кўтарилди (Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи ўрин);

– 2022 йилда Ўзбекистон «Барқарор ривожланиш учун инновацион шарҳлар» дастури доирасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа иқтисодий комиссияси томонидан мамлакатнинг инновацион тизимида ижобий баҳо берилди.

Рақамлаштириш ва инновациялар барқарор ривожланишнинг деярли барча миллий мақсад ва вазифаларига хосдир. *Инновацион жиҳатга 9-мақсадда алоҳида эътибор қаратилган.*

9-мақсад. Барқарор инфратузилмани яратиш, умумқамровли ва барқарор саноатлашув ва инновацияларга кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикасида автомобиль йўлларининг умумий узунлиги ўсиб бормоқда, 2021 йилда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг узунлиги 42 869 км ни ташкил этди, бу 2019 йилга нисбатан қарийб 200 км га кўпдир. Қаттиқ қопламали йўлларнинг улуши мос равишда 98,5% дан 98,7% гача ўсди. Умумий фойдаланишдаги асфальт автомобиль йўлларининг зичлиги 2019 йил якунига кўра ҳудуднинг 1000 квадрат км 93,7 км ни ташкил этган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 94,2 бирликни ташкил этган. Бундан ташқари, метро йўллари узунлиги сезиларли даражада ошди, хусусан, 2019 йилдаги 36,1 км дан 2021 йилда 59,1 км гача кўпайган.

Йўл қурилиш ишлари сифати ва ҳажмини ошириш мақсадида бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 9 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси йўл ҳўжалиги тизимини чуқур ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги декабрдаги “2020–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги “Автомобиль йўллари соҳасида очиқлик стандартларини жорий этиш ва соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқалар.

2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди. 2018–2021 йилларга мўлжалланган ислоҳотлар давомида республикада умумий қиймати 19,8 триллион сўмлик 45,3 минг километрдан ортиқ умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва ҳўжаликлараро автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, А-380 автомобиль йўлининг 125 километри “Ғузор – Бухоро – Нукус – Бейнеу” ва “Қамчик” автомобиль йўли цемент-бетон қопламаси; М-39 “Олмаота – Бишкек – Тошкент – Термиз” автомобиль йўлининг 115 километри асфальт-бетон қоплама билан реконструкция қилинди; А-373 “Тошкент – Ўш” автомобиль йўлининг 208-274-км қисмида Сирдарё устидан 250 м узунликдаги кўприк қурилди; шунингдек, Тошкент вилоятининг Қибрай ва Юқоричирчиқ туманлари ҳудудидан ўтувчи 19,2 километр узунликдаги янги автомобиль йўли қурилди.


Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, республиканинг инвестицион жозибadorлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш,

транспорт коммуникацияларининг стратегик ривожланиши ва барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ташкил этилди. Натижада автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё транспорти, метро ҳамда автомобиль йўллар хўжалигини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича давлат бошқаруви органи тузилди. Ягона давлат транспорт сиёсатини амалга оширишнинг аниқ йўналишларини белгилаш, барча транспорт турларини ягона транспорт тармоғига интеграция қилиш ва самарали транспорт-логистика тизимларидан фойдаланишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 9-августдаги “Транспорт тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида электр транспортини оммалаштиришда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, электромобиллар импорти акциз ва божхона тўловларидан, шунингдек, бир қанча тўловлардан озод қилинди. Таққослаш учун, 2019 йилда 39 та электромобил импорт қилинган бўлса, 2021 йилда уларнинг умумий сони 809 тага етди. Тошкент кўчалари бўйлаб электробуслар ҳаракати йўлга қўйилди, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида 673 та электробус харид қилиш режалаштирилган.

Кейинги қадамлар: 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида транспортнинг барча турлари билан биргаликда ягона транспорт тизимини ривожлантириш, йирик шаҳарлар ўртасидаги мунтазам транспорт йўналишларида ҳар кунги қатновларни йўлга қўйиш учун шарт-шароит яратиш, юк ташиш ҳажмини ошириш ҳамда шаҳарлараро ва шаҳар атрофи темир йўл йўналишларининг жозибадорлигини ошириш кўзда тутилган.

Темир йўл инфратузилмасини электрлаштириш даражасини 60 фоизга етказиш, автомобил йўллари тармоғини жадал ривожлантириш, шунингдек, ташқи савдо учун транспорт тизимида транзит имкониятларини кенгайтириш ҳамда транзит юк айланмасини 15 миллион тоннага етказиш бўйича вазифалар белгиланди.



9.1-расм. Ишлаб чиқариш саноатининг ЯИМдаги улуши, %⁵⁰

Ўзбекистоннинг саноат сектори барқарор суръатларда ривожланмоқда. Қайта ишлаб чиқариш сектори саноатни ривожлантиришга асосий хисса қўшмоқда. Сўнгги уч йилда унинг ЯИМга қўшган хиссасининг барқарор ўсиши кузатилиб, 2021 йилда 20 фоизни ташкил этди (9.1-расм).

Қайта ишлаб чиқариш тармоғининг юқори суръатларда ўсиши, барқарор иш ўринлари ташкил этилиши ва аҳоли бандлигини таъминлашга тармоқнинг қўп меҳнат талаб қиладиган озиқ-овқат саноати (2019–2021 йилларда 27 % га), тўқимачилик ва тикувчилик саноати (45 % га) нинг барқарор ўсиши ёрдам берди. Кимё (16 %), металлургия (24 %) каби бошқа базавий тармоқлар барқарор ривожланди. Ушбу даврда машинасозлик саноатида (30 %) сезиларли ўсишга эришилди. Бу компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар (3,4 баравар), электр жиҳозлари (10,5 % га), шунингдек, автотранспорт воситалари (13 %) ишлаб чиқаришни фаол ривожлантириш ҳисобига содир бўлди.

Ўзбекистон саноат салоҳияти билан бир қаторда юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар экспорти ҳажмини ошириш ҳисобига экспорт салоҳияти оширилмоқда. 2019 йилда Ўзбекистон экспортидаги минерал ёқилғи ва пахтанинг умумий улуши 26 % дан ортиқ бўлган бўлса, 2021 бу кўрсаткич 17 % га етди.

Экспортни қайта ишлаш даражаси юқори бўлган маҳсулотларга йўналтириш сиёсати олиб борилмоқда. Натижада 2019–2021 йилларда тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим-кечак экспорти 2,3 баробар, фармацевтика маҳсулотлари – қарийб 2 баробар, электротехника машиналари ва ускуналари – 1,9 баробар ошди. Худди шундай ижобий ўзгаришлар юқори қўшилган қийматга эга бошқа қатор турдаги саноат товарлари экспортида ҳам кузатилди.

Ўсишнинг бундай муҳим кўрсаткичларига янги қорхоналар қуриш, мавжуд қувватларни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш, саноатнинг хомашё базасини ривожлантириш ва саноат хомашёсини қайта ишлашни чуқурлаштиришни назарда тутувчи тармоқ ва ҳудудий ривожланиш стратегияси ва дастурларининг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши ҳам ёрдам берди. Саноатдаги салмоқли инвестиция лойиҳалари қаторида синтетик суюқ ёқилғи

⁵⁰ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон GTL, Тошкент металлургия комбинати, Навоий ва Самарқанд вилоятларида қайта тикланувчи энергия технологияларидан фойдаланадиган фотоэлектр станциялари, Тўрақўрғон ИЭС, тўқимачилик, тикувчилик, нефть-кимё, цемент саноати ва бошқа бир қатор лойиҳалар ишга туширилганини алоҳида қайд этиш лозим. Экспорт ҳажмининг ўсиши ва унинг таркибий ўзгаришларига ташқи бозорларга сотишга мўлжалланган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари таъсир кўрсатди.

Шу билан бирга, иқтисодийнинг саноат секторида унинг барқарор ривожланиши учун хавф туғдирувчи қатор муаммолар сақланиб қолмоқда.

Юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича етарли даражада технологик занжир боғланмаганлиги туфайли хомашёни қайта ишлаш даражаси пастлигича қолмоқда.

Тармоқлараро кооперациянинг паст даражаси саноатни ривожлантириш учун ички ресурсларни максимал даражада жалб қилишга имкон бермаяпти. Ушбу ҳолат импорт қилинадиган товарларни истеъмол қилишнинг даражаси кескин ўсишига олиб келади.

Кейинги қадамлар: 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ва юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар ташкил этиш бўйича қуйидаги чора-тадбирлар ва лойиҳалар кўзда тутилган:

- кластерлар яратиш, мис, табиий газ ва бошқа хомашёларни қайта ишлашни чуқурлаштириш;

- автомобилсозлик соҳасида кооперацияни ривожлантириш ва маҳаллийлаштириш даражасини ошириш;

- қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни икки баробарга ошириш;

- тўқимачилик саноати ишлаб чиқариш ҳажмини икки баробарга ошириш;

- чарм-пойабзал саноатини ривожлантириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробарга ошириш;

- фармацевтика саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробарга ошириш;

- электротехника саноатини ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни икки баробар ошириш.

Бундан ташқари, тайёр маҳсулотларни Европа бозорларига экспорт қилишни рағбатлантириш, шунингдек, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш дастурларини амалга ошириш ва кадрлар тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар кўриш назарда тутилган.

Барқарор саноатлаштиришни таъминлаш учун амалга оширилиши керак бўлган қўшимча тадбирлар қуйидагилардир:

- энергетика, автомобиль транспорти ва бошқа саноат инфратузилмаларни комплекс ривожлантириш;

– маҳаллий муҳандислик-тадқиқот ва ишланмалар базасини ривожлантириш ҳамда илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва кенгайтириш, саноат тармоқларининг технологик салоҳиятини юксалтиришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;


– саноатни модернизация қилиш, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда ҳавфсиз экологик технологиялар ва ишлаб чиқариш жараёнларидан кенгроқ фойдаланиш учун зарур инвестициялар ҳажмини таъминлаш.

Мамлакатимизда юқори технологияли ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг яхлит тизимини жорий этиш, инвестицияларни фаол жалб этиш, харидоргир маҳсулотларнинг кенг ассортиментини ўзлаштириш, саноат кооперациясини кенгайтириш ва республика экспорт салоҳиятини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида 2022 йилнинг 24 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Ўрта ва юқори технологияли саноат маҳсулотларининг умумий ҳажмида қўшилган қиймат улушини ошириш мақсадида ҳудудларда юқори қўшимча қиймат яратувчи инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологияларини ўзлаштирган ҳолда инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопаркларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.


Академик фанни ривожлантириш, фан, иқтисодиёт тармоқлари ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш, илмий ташкилотларнинг илмий-тадқиқот тизимини тубдан такомиллаштириш ва ходимларнинг айрим тоифалари меҳнатини рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 июндаги “Фанлар академияси илмий ташкилотларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган. Илмий ташкилотларни барқарор молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 майдаги “Давлат илмий ташкилотларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий молиялаштиришга ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

2019 йилга нисбатан илмий-тадқиқот ишларига сарфланган харажатларнинг ЯИМдаги улуши 2021 йилда 0,12 %дан 0,15 %гача ошди (9.2-расм).



9.2-расм. Илмий-тадқиқот ишларига сарфланган харажатларнинг ЯИМдаги улуши (%)⁵¹

2015 йилда ҳар 1 миллион аҳолига тўғри келадиган тадқиқотчилар сони (тўлиқ бандлик эквиваленти) 407 нафарни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб ҳар 1 миллион аҳолига 956 нафар тадқиқотчи тўғри келди (9.3-расм).



9.3-расм. Бир миллион аҳолига тўғри келадиган тадқиқотчилар сони⁵²

3G/4G технологиялар кесимида мобил тармоқлар билан қамраб олинган аҳоли улуши 2019 йилдаги 70 фоиздан 2021 йилда 95 фоизга кўтарилди.

Инновацион ривожланиш соҳасида инновацион фаолликнинг босқичма-босқич ўсиш тенденцияси кузатишмоқда. Ўзбекистоннинг 2021 йилда Глобал Инновациялар (Global Innovation Index) индекси рейтингдаги ўрни (дунёнинг 132 та давлати орасида 82-ўрин) бундан далолат беради. Бир йил ичида мамлакатимиз 4 поғона юқорига кўтарилди.

Ўзбекистоннинг инновациялар соҳасидаги муваффақияти Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Глобал инновациялар индексида (ГИИ) қайд этилган бўлиб, ҳозирда Ўзбекистон Марказий Осиёда ГИИ бўйича минтақавий етакчи ҳисобланади.

2022 йилда Ўзбекистон “Барқарор ривожланиш учун инновацияларни баҳолаш” (ISDR) дастури доирасида БМТнинг Европа Иқтисодий Комиссияси томонидан ўзининг инновацион тизимини баҳолашдан ўтказди.

⁵¹ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

⁵² Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

Тадқиқотда миллий ва ҳудудий ҳокимият органлари ўртасида инновацион сиёсатни мувофиқлаштиришни такомиллаштириш, инновацион сиёсат бўйича ташаббусларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мониторинг қилишда инновациялар билан боғлиқ барча вазирликлар, хусусий сектор ва фуқаролик жамияти иштирокини ошириш орқали инновацияларни бошқариш воситаларини янада такомиллаштириш тавсия этилган.

Ўзбекистонда 2022 йилда мамлакатда инновацион ривожланиш муҳитини янада яхшилашга қаратилган 2022–2026 йилларга мўлжалланган “Инновацион ривожланиш стратегияси” ишлаб чиқилган.

Хусусан, стратегия ва тегишли “йўл харитаси” янада либераллаштиришни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш чоратадбирларини жорий этиш, ҳудудларнинг имкониятларини кенгайтириш, рақобатбардошлик шароитларини яхшилашга қаратилган.

Кейинги қадамлар. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига кўра, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш асосий “драйвер” сифатида белгиланган ва унинг ҳажмини камида 2,5 баробарга ошириш мақсад қилинган.

Рақамли инфратузилмани янада ривожлантириш ҳисобига барча аҳоли пунктлари, ижтимоий объектлар ва магистрал йўлларни кенг толали тармоқлар билан камраб олиш кўзда тутилган. Шунингдек, 2026 йил охиригача иқтисодиётнинг реал сектори, молия ва банк секторларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 70 фоизгача ошириш режалаштирилган.

Дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноати ҳажмини 5 баробар, экспортини 10 баробарга ошириб, 500 миллион АҚШ долларига етказиш кўзда тутилган.

4.4. Глобал ва минтақавий ҳамкорликни фаоллаштириш

Ўзбекистон халқаро ҳамкорликнинг энг муҳим марказларидан бирига айланмоқда. Мамлакат ташқи сиёсатини тубдан ўзгартириб, кўп томонлама ва ўзаро манфаатли шериклик эшигини очди. Глобал ва минтақавий ҳамкорликнинг сезиларли ўсиши қуйидаги натижалардан яққол кўриниб турибди:

– Марказий Осиё мамлакатлари билан яхши қўшничилик ва дўстона муносабатлар тикланди. Биргина 2019–2022 йилларда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 1,4 баробар, Қирғизистон билан 1,5 баробар, Тожикистон билан 1,4 баробар, Туркманистон билан 1,7 баробар ошди. Шунингдек, давлат чегаралари муаммолари ҳал қилинди, транспорт коридорлари ва логистика фаол ривожланмоқда, 500 дан ортиқ қўшма корхона ташкил этилди, саноат кооперацияси йўлга қўйилди, маданий ва спорт тадбирлари, савдо ярмаркалари ташкил қилиш юқори даражага кўтарилди.

– Европа, Осиё, Африка ва Американинг деярли барча мамлакатлари, хусусан, Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорлик фаол ривожланмоқда. Йилдан йилга Ўзбекистон ушбу мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ҳамда мамлакат ўз маҳсулотларининг экспорт географияси ва ҳажмини кенгайтирмоқда. Ўзбекистонга GSP+ умумий имтиёзлар схемасидан бенефициар мамлакат мақомини бериш бир қатор товарларга тарифларнинг тўлиқ бекор қилиниши ҳисобига қўшимча иқтисодий фойда келтиради, бу эса ўз навбатида экспортнинг ўсишига ёрдам беради ва мамлакатга қўшимча инвестицияларни жалб қилиш имконини беради.

– Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, шунингдек, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари (БМТ, Европа Иттифоқи, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, ЖСТ ва бошқалар) доирасидаги ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда.

– Ўзбекистон глобал ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича БМТ Бош Ассамблеяси томонидан кўриб чиқилган ва маъқулланган қатор ташаббусларни илгари сурди.

– либераллаштириш ва очиқликни таъминлаш халқаро ёрдамнинг кўпайишига ёрдам берди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2019–2021 йилларда хорижий давлатлар ва халқаро молия институтларининг барқарор ривожланишини таъминлаш учун Ўзбекистонга расмий ёрдам миқдори 2 баробар ошди (2016–2020 йилларда Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2,7 баробар ошиб, 1,46 миллиард АҚШ долларини ташкил этди). Бу даврда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 4,4 баробар ошди. Financial Times 2020 йилда Ўзбекистонни янги

лойиҳаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш самарадорлиги индексига киритди ва унга Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари орасида 4-ўринни берди;


– Ўзбекистон иқтисодиётига дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакати сармоя киритди ва 2021 йилда ўзлаштирилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 11 миллиард АҚШ долларида ошди. Худди шу йили халқаро бозорлардан капитал жалб қилиш мақсадида 5 та давлат ва корпоратив облигациялар чиқарилди. Мамлакат дунёда биринчилардан бўлиб, БРМни мақсадли молиялаштиришга қаратилган давлат облигациялари Sovereign SDG Bonds облигацияларини (2,5 трлн сўм) жойлаштирди. Олинган маблағлар барқарор ривожланишнинг 9 та Миллий мақсадига эришишга қаратилган аниқ лойиҳаларни амалга ошириш учун мақсадли фойдаланилади. Хусусан, глобал ва минтақавий ҳамкорлик қуйида БРМнинг 16 ва 17-миллий мақсадларида ўз аксини топган.



16-мақсад. Барқарор ривожланиш учун тинч ва очик жамиятни тарғиб қилиш, ҳамма учун адолатни таъминлаш ва барча даражаларда самарали, ҳисобдор ва иштирок этувчи муассасаларни яратиш.

Бошқарув ислоҳоти ушбу БРМ мақсадини амалга оширишда асосий ҳаракатлантирувчи омил бўлиб, миллий стратегия доирасида ҳукуматнинг кенг камровли ислоҳотлар дастурининг бир қисмига айланди.

Жаҳон банки рейтингига кўра, 2021 йилда давлат бошқаруви сифати индекси (*Жаҳон бошқаруви кўрсаткичлари*) кўрсаткичлари барча олти компонента яхшиланди. Тартибга солиш суб-индикатори сифати ҳам яхшиланди (*бу ҳукуматнинг хусусий секторни ривожлантиришига имкон берадиган ва тарғиб қилувчи оқилона сиёсат ва қоидаларни шакллантириши ва амалга ошириши қобилиятини акс эттиради*). Хусусан, 2021 йил охирига келиб мамлакат **33** позицияга кўтарилиб, **144**-ўринда қайд этилди (*16.1-расм*).




16.1-расм. Давлат бошқаруви сифати⁵³

Қонун ижодкорлиги сифатини ошириш мақсадида баҳолаш институти жорий этилди. Коррупцияга қарши курашиш ва гендер-ҳуқуқий экспертиза туфайли ҳуқуқий экспертиза турлари кенгайтирилди. Сўнгги бир неча йил ичида “тартибга солувчи гильотина” усули билан ўз аҳамиятини йўқотган 4000 дан ортиқ ҳужжатлар бекор қилинди. Натижада амалдаги қонунчилик 10 фоизга қисқартирилди.

Қонун ҳужжатлари фаол кодификация қилинди. Хусусан, 3 та қонун ва 50 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари бирлаштирган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”, “Лицензиялаш, рұхсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-

⁵³ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

таомиллари тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинди. Бюрократияни камайтириш учун Тадбиркорлик кодекси лойиҳаси тайёрланди, унда тадбиркорлик соҳасидаги ҳақиқий текширувлар сонини 2 баравар камайтириш кўзда тутилган.



16.2-расм. Ҳукумат самарадорлиги⁵⁴


Кўрилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон “Ҳукумат фаолияти самарадорлиги” бўйича 208 давлат орасида 116-ўринни эгаллаб, 2021 йилда олдинги натижани 22 поғонага яхшиланди (16.2-расм).

Ўзбекистон 2021 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг электрон ҳукуматни ривожлантириш индексида 69-ўринга кўтарилди (193 мамлакат ичида 2019 йилда 81-ўринни эгаллаган), бу рақамлаштиришнинг жадаллашувини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 январдаги “Давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 24 та йўналишда 49 турдаги давлат хизматлари кўрсатиш кўзда тутилган.


Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтлари орқали (2020 йилда) кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхати тасдиқланди.

⁵⁴ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари



16.3-расм. Дастлаб тасдиқланган бюджетга нисбатан бирламчи давлат харажатлари (млрд сўм)⁵⁵

Давлат бюджети ҳужжатлари ва фискал ҳисоботларда белгиланган жами давлат харажатлари дастлаб тасдиқланган миқдорни қай даражада акс эттиришини ўлчаш учун “Дастлаб тасдиқланган бюджетга бирламчи давлат харажатлари” кўрсаткичи қўлланилади. 2021 йилда тасдиқланган бюджетга нисбатан бирламчи давлат харажатлари **99,2** фоизни ташкил этди. Ҳақиқий харажатлар прогнозларнинг тўғрилигига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра дастлаб тасдиқланган бюджетдан четга чиқади.



16.4-расм. Дастлабки тасдиқланган бюджетдаги давлат бирламчи харажатларининг улуши⁵⁶

2019–2020 йиллар давомида бюджет-солиқ сиёсати коронавирус пандемиясининг оқибатларини юмшатишга, 2021 йилда эса мамлакат иқтисодиётининг тикланишини рағбатлантиришга қаратилди. Давлат бюджети харажатлари 2021 йил учун дастлаб режалаштирилган бюджет харажатларига

⁵⁵ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

⁵⁶ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

нисбатан 25,8 % га, 2020 йилда эса 30,9 % га ошган. Давлат бюджети харажатларининг ўсишини таъминлаган асосий йўналишлар ижтимоий соҳага, иқтисодийга, шунингдек, марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга сарфланган харажатлардан иборат.

Давлат бюджети харажатлари ўсишининг бундай динамикаси фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга, шунингдек, иқтисодий ўсишни бюджет томонидан рағбатлантиришга қаратилган рағбатлантирувчи хусусиятга эга.


Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот очиклигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари матбуот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари матбуот хизматлари фаолиятини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси қошидаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан давлат органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Республикамиздаги 100 дан ортиқ идора, бирлашма, ташкилот ва компанияларда илк бор матбуот хизмати фаолияти йўлга қўйилди, 200 га яқин шаҳар ва туман ҳокимликларида ҳам шундай хизматлар ташкил этилган.

Сўнгги уч йилда Ўзбекистонда коррупция даражасини пасайтиришга қаратилган қатор ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2020 йилда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Шунингдек, 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш органи фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-34-сон қарори қабул қилинди.

Давлат бошқарувини самарали ислох қилиш, Миллий стратегиянинг асосий тамойилларидан бири бўлган коррупцияга қарши курашда кучли туртки бўлиши мумкин. Transparency International томонидан тузилган Коррупцияни идрок этиш индексига кўра, Ўзбекистон 2021 йилда 140-ўринни эгаллаган (*180 мамлакат ичида, 2019 йилда 153-ўрин*) (16.5-расм).



16.5-расм. Коррупция устидан назорат⁵⁷

2019–2021 йилларда суд тизимининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш бўйича муҳим қадамлар қўйилди:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси ўрнига суд ҳокимияти органи сифатида Судьялар олий кенгаши ташкил этилди;

– Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ҳар бир туман ва шаҳрида маъмурий судлар ташкил этилиб, уларга мансабдор шахсларнинг фуқаролар устидан ноқонуний хатти-ҳаракати ва фаолияти тўғрисидаги мурожаатларини ва ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни кўриб чиқиш ваколати берилди;

– жиноят ишларини судлар томонидан қўшимча терговга қайтариш институти бекор қилинди ва янги тартибга кўра, суд тергови давомида айблов ҳукми учун етарли асослар аниқланмаса, судлар оқлов ҳукми чиқариши шарт.

– судьяларни тайинлаш ва сайлашнинг янги тартиби белгиланди, унга кўра судья биринчи марта 5 йилга, кейин 10 йилга, кейинчалик эса доимий муддатга тайинланади;

– Конституциявий ва Олий суд судьялари учун энг юқори ёш **70** ёш, бошқа судлар судьялари учун эса 65 ёш этиб белгиланди;

– биринчи марта тайинланган судьяларнинг амалдаги малакаси қайта кўриб чиқилиб, шу муносабат билан энг талаб қилинадиган энг кичик ёш **35** ёш этиб белгиланди;

– “Хабеас корпус” институти қамровини кенгайтириш, жиноят ишини юритишнинг содалаштирилган тартибини жорий этиш, шунингдек, суд-тергов

⁵⁷ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида муҳим ижобий қадамлар ташламоқда, бу эса барқарор ривожланишга ҳар қандай ҳуқуққа асосланган ёндашувнинг асосини ташкил этади. Фуқаролар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари, хусусан:

– жиноятларнинг айрим тоифаларини декриминаллаштириш, озодликдан маҳрум қилиш жазолари рўйхати кенгайтирилди;

– Ўзбекистонда қийноқ, руҳий, жисмоний ва бошқа зўравонлик ҳаракатларига, жиноят иши жараёни давомида ноқонуний равишда олинган ҳар қандай маълумотлардан, шу жумладан ашёвий далиллар, аудио- ва видео материаллардан фойдаланишга қатъий тақиқ қўйилган бўлиб, бундай ҳаракатларни содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик кучайтирилди.

Мамлакат жинойи жазолар тизимига “мажбурий жамоат ишлари”ни киритиш билан қамоққа олиш тарзидаги жазо бекор қилинди:

– адвокатларнинг жиноят иши бўйича тергов ва суд органлари томонидан текширилиши ва баҳоланиши лозим бўлган далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқи белгиланди;

– диний экстремистик оқимларга алоқадорликда “қора рўйхат”га киритилган фуқароларни назорат қилиш тизими бекор қилинди;

– фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш жараёнида жисмоний ва юридик шахслар томонидан тўланадиган давлат божи миқдори камайтирилди;

– мулкдорнинг мол-мулкидан жиноят қуроли ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик предмети сифатида фойдаланишда айбдор бўлмаган тақдирда, уни олиб қўйиш (*вақтинчалик олиб қўйишдан ташқари*) ва мусодара қилиш тақиқланди.

– тадбиркорлик субъектларига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига тўсқинлик қилувчи жинойи жазоларни, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш жараёнида етказилган зарар тўлик қопланган тақдирда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва озодликдан маҳрум қилиш каби жазоларни қўллаш тақиқланади.

– тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Бизнес омбудсман институти ташкил этилди.

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан хулқ-атворида муаммоси бўлган ва жиноят содир этган болалар жойлаштириладиган ёпик муассасалар ислоҳоти бошланди.

Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ўз фуқароларини, асосан, аёллар ва болаларни Ватанга қайтаришни кенг кўламли амалга оширган давлатлардан бўлди. Хусусан, 434 нафар аёл ва болалар Сурия, Ироқ ва Афғонистондан

кайтириб олиб келинди ва реабилитация марказларида уларга ёрдам кўрсатилди. Ушбу тажриба БМТ томонидан маъқулланди (2021 йил).

Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида Ўзбекистонда бир қатор муҳим меъёрий-ҳуқуқий чоралар кўрилди. Жумладан, соҳалараро болаларни ҳимоя қилиш бўйича стандарт оператив тартиб-қоидалар ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди.

Амалга оширилган чора-тадбирларга қарамай, МICS 2021-2022 йиллар маълумотларига кўра, 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг 62 % и зўравонликка учраган.

Одил судловга эришиш кафолатини кучайтириш мақсадида Олий суд томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, ҳозирги кунга қадар барча судларда электрон суд тизими жорий этилган. Тизим фуқаролик судлари ва хўжалик судларига даъво ва аризаларни электрон форматда (E-SUD) қабул қилиш имконини беради. Тизим ишга тушган биринчи йилнинг ўзидаёқ фуқаролик ишлари бўйича судларга электрон судлов тизими орқали 440 мингдан ортиқ муурожаат келиб тушган бўлиб, бу барча келиб тушган муурожаатларнинг 40 фоизини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ Сенат раиси раҳбарлигида одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича Миллий комиссияга айлантирилди.

Таъкидлаш жоизки, БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан “маърифат ва диний бағрикенглик” Резолюциясининг қабул қилиниши диний соҳада муҳим воқеа бўлди. Мазкур қарорнинг асосий мақсади таълимга барчани жалб қилиш имконини таъминлаш, саводсизлик ва жаҳолатни бартараф этишдир.

Диний таълим ва маърифат жамиятнинг маънавий-ахлоқий янгиланишида муҳим омил бўлиб қолиш билан бир қаторда, диний экстремизм таъсирига барқарор қаршилик кўрсатишга хизмат қилмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистонда динга оид жиноятларда айбланаётган шахсларни жиноий жавобгарлик ва радикализмдан чиқариш, экстремизм сабабларини барвақт аниқлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ижобий натижалар билан бир қаторда жиноятчилик, зўравонлик, одам савдоси, одил судловдан фойдаланиш, адолатли судловнинг бошқа кафолатлари тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги, шаффофлиги ва сифати каби

масалаларни ҳал этиш зарур. Профессional юридик ёрдам олиш имконияти, адвокатларнинг етарли сони, уларнинг мустақиллиги ва бошқалар, қонун устуворлиги ва коррупция устидан назоратга таъсир кўрсатади.

Жиноят тўғрисидаги маълумотларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилишда иштирок этувчи турли субъектлар (*масалан, ички ишлар органлари, прокуратура, судлар, қамоқхоналар, Статистика агентлиги*) ўртасидаги ҳамкорлик тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги маълумотларнинг номувофиқлигига олиб келади.

Кейинги қадамлар:

– Янги Ўзбекистонни маъмурий ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги қарори*);

– 2022–2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясида назарда тутилган якуний натижаларга эришиш;

– болаларни зўравонликнинг барча шаклларидадан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонунни қабул қилиш ва амалга ошириш.



17-мақсад. Глобал ҳамкорлик ишини жонлантириш доирасида амалга ошириш воситаларини кучайтириш ва барқарор ривожланиш.

Ўзбекистонда сўнги уч йилда макроиктисодий барқарорликни таъминлаш ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш, маъмурий ва институционал ислохотларга алоҳида эътибор қаратилаётган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Макроиктисодий барқарорлик нуктаи назаридан нархларни либераллаштириш, инфляция даражасини пасайтириш, пул-кредит, фискал ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш, қулай инвестиция муҳити ва ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича мақсадли чора-тадбирлар макроиктисодий барқарорлик нуктаи назаридан энг муҳим ҳисобланади.

Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини молиялаштиришни 2020–2022 йиллардаги тенденциялари мақсадли жамғармалар бўйича консолидацияланмаган харажатлар юқори эканлигини кўрсатмоқда (17.1.-расм).



17.1- расм. Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини молиялаштириш.⁵⁸

Давлат бошқаруви соҳасини тўлиқ ҳисобга олиш ва акс эттириш мақсадида, 2020 йилдан бошлаб “умумий фискал баланс” кўрсаткичи жорий этилди. 2021 йилда Республика бюджетининг ички солиқлар ҳисобидан молиялаштириладиган улуши жами тушумларнинг 67 фоизини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 10,7 фоиз пунктига, 2019 йилга нисбатан эса 7,1 фоиз пунктига кам (2018 йилда

ички солиқларнинг умумий тушумдаги улуши 68,5 фоизни ташкил этган) (17.1-жадвал).

17.1-жадвал. Бюджет даромадлари⁵⁹ (мақсадли фондлардан ташқари), млрд сўм

Кўрсаткичлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022* й.
Бюджет даромадлари (мақсадли фондлардан ташқари), жами	112165,4	132938,0	164799,4	199500,0
Тўғридан-тўғри солиқлар	31676,8	45206,9	58930,3	68511,1
Билвосита солиқлар	46427,2	46428,4	56290,4	73164,9

⁵⁸ Манба: Статистика агентлиги маълумоти

⁵⁹ Манба: Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари

Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	19680,8	21257,0	23036,4	25690,3
Бошқа даромадлар	14272,8	20045,8	26542,2	32633,7

* Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги Қонунига мувофиқ прогноз параметрлари

Қуйидаги қонун ҳужжатлари қабул қилинди:

– Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиришлар киритилди;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони;

“Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилги давлат бюджети тўғрисида”ги тасдиқланган қонуни ҳамда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг 2022 йилга мўлжалланган даромадлари ва харажатлари, шунингдек, 2023 йилга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлари асосида солиқ юки сезиларли даражада камаяди. Маълумотларга кўра, 2019 йилда Давлат бюджети ва мақсадли давлат жамғармалари даромадлари 137 триллион сўмни (ялпи ички маҳсулотга нисбатан 26,1 фоиз) ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 27 фоизга кўпдир. 2018 йилда даромадлар 108 триллион сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 26,5 фоизни ташкил этди.

Ички солиқлар ҳисобидан молиялаштириладиган Республика бюджетининг умумий даромадларга нисбатан улуши 2019 йилда – 74,3 фоиз, 2021 йилда – 67,2 фоиз бўлган.

Давлат бюджетининг даромадлари 0,3 % пунктга ошди ва 2021 йилда 22,4 % ни ташкил этди. 2021 йил якуни бўйича Давлат бюджети даромадлари 2020 йилга нисбатан 23,9 % га ёки 31 861,3 миллиард сўмга ўсди. 2021 йилда бюджет даромадларининг ўсишига қимматбаҳо металлларга жаҳон нархларининг юқорилиги сақланиб қолаётгани, карантин чекловларининг юмшатилиши, солиқ назоратининг янги дастаклари ва бошқарув каби омиллар таъсир кўрсатди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва ривожланишга расмий ёрдамлар жами давлат бюджети харажатларига нисбатан тез ўсиши кузатилмоқда.

Ўзбекистон сиёсатининг либераллашуви, унинг очиклигини ошириш, фаол ислохотларни амалга ошириш халқаро ёрдам ва ривожланиш соҳасида ҳамкорликни фаоллаштиришга хизмат қилди. Ривожланган мамлакатлар ҳукуматлари ва халқаро молия институтлари томонидан кўрсатилган давр учун (2019–2021 йиллар) ривожланишга расмий ёрдам миқдори Жаҳон банки маълумотларига кўра 2 баробарга ошган.

Тўғридан-тўғри инвестициялар динамикасида ҳам фаол ўсиш кузатилган. 2019–2021 йилларга мўлжалланган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 4,4 баравар ошган.

2021 йилда Ўзбекистонга 11,1 миллиард доллар миқдорда хорижий инвестициялар жалб этилди. Ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми асосий капиталга жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлар улушининг 42,7 % ини, халқаро молия институтлари ва хорижий давлат молия ташкилотларидан жалб қилинган маблағлар ҳажми 2,1 миллиард долларни ташкил этди.

Хорижий капиталнинг энг катта ҳажмлари энергетика, металлургия, кимё саноати, электротехника, ахборот технологиялари, қурилиш, фармацевтика, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқаларга тўғри келади.

Ўзбекистон иқтисодиётига 50 дан ортиқ давлат сармоя киритган. Улар ичида етакчилари Хитой (2,2 миллиард доллар), Россия (2,1 миллиард доллар), Германия (800,7 миллион доллар), Туркия (1,18 миллиард доллар) ва Жанубий Корея (137,4 миллион доллар) ҳисобланади.

2021 йилда халқаро бозорлардан капитал жалб қилиш мақсадида 5 та давлат ва корпоратив еврооблигациялар муомалага чиқарилди.

2021 йил июль ойида Ўзбекистон Республикаси МДХ мамлакатлари ва дунёда биринчилардан бўлиб БРМни мақсадли молиялаштиришга қаратилган Sovereign SDG давлат еврооблигациялари бозорларга жойлаштирди. Эмиссия 3 йил муддатга 14 % билан 2,5 триллион сўмни (тахминан 235 миллион АҚШ доллари) ташкил этди. Олинган маблағлар 9 та аниқ миллий БРМга эришишга қаратилган тадбирлар ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилади. Financial Times ўзининг 2020 йилда янги лойиҳалар бўйича тўғридан-тўғри инвестициялар самарадорлиги индексида Ўзбекистон 3,58 бирлик индекс қиймати билан Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари орасида 2019 йилда 40 та янги лойиҳага жалб қилинган инвестициялар бўйича 4-ўринни эгаллаган.

Ўзбекистоннинг 2019 йилдан буён OECD томонидан ҳисобланган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни тартибга солиш чекловлари индексига киритилгани ҳам диққатга сазовор. Ўзбекистон дунёда 44-ўринни, Осиё-Тинч океани минтақасида эса 4-ўринни эгаллаган.

17.2-жадвал. Ўзбекистон Республикаси давлат қарзининг динамикаси, миллиард АҚШ доллари⁶⁰

Кўрсаткичлар	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Давлат ташқи қарзи	6,5	7,5	9,9	15,7	21,1	23,6
Давлат ички қарзи	3,2	4,0	5,0	2,1	2,3	2,7
Жами давлат қарзи	9,7	11,6	14,9	17,8	23,4	26,3

⁶⁰ Манба: Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлари

Давлат қарзини макроиқтисодий барқарор даражада ушлаб туриш ва уни самарали бошқариш, шунингдек, миллий валютанинг барқарор курси шароитида республика иқтисодиётининг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар натижасида 2021 йилда давлат қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбати барқарорлашди. Хусусан, давлат қарзининг ЯИМга нисбати 2021 йил бошидаги 39,0 фоиздан (2021 йил охирида 38,0 фоиз) 2022 йил 1 октябрь ҳолатига кўра 34,1 фоизга камайди.

Халқаро валюта жамғармасининг мамлакатлар иқтисодиёти бўйича ҳисоботида кўра, айти пайтда Ўзбекистон Республикасининг давлат қарзи “мўтадил” даражада.

Сўнгги йилларда давлат қарзини ўртача даражада ушлаб туриш ва уни самарали бошқариш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг 2022 йилги Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати) номидан ва қафиллиги асосида ташқи қарзларни жалб этиш тўғрисидаги қонунга биноан янги имзоланадиган йиллик шартномаларнинг максимал ҳажми 2022 йилда **4,5 млрд. АҚШ долларидан** ошмаслиги белгилаб кўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси номидан муомалага чиқарилган давлат қимматли қоғозларининг максимал соф ҳажми 12,0 триллион сўм этиб белгиланди.

2021 йилдан бошлаб ички мажбуриятлар бўйича давлат қафолатларини бериш амалиёти тўхтатилиб, ўз лойиҳаларини молиялаштириш учун давлат қорхоналари ва банклар трансформация жараёнларига мувофиқ, жаҳон молия бозорлари тизимида давлат қафолатсиз маблағларни жалб қилишга ўтказилмоқда.

2019–2021 йилларда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, “Ўзмиллийбанк” АК, “Ипотека банк” АТБ, “ЎзАвтоМоторс” АЖ, “Ўзбекнефтгаз” АК халқаро облигациялар чиқариш орқали жами 2 миллиард долларга яқин маблағ жалб қилди.

АҚШ Ҳазначилиги, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар кўмагида “Давлат қарзи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ишлаб чиқилди ва Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланди.

Қонун давлат қарзини халқаро стандартлар асосида бошқариш, бу жараёнда парламент ролини ошириш, уни макроиқтисодий барқарорлик учун хавфсиз даражада сақлаш, давлат қарзига ўз вақтида қафолатланган хизмат кўрсатишни таъминлаш, давлат қарзини диверсификация қилиш ва рискларни камайитириш, унга хизмат кўрсатиш харажатларини ошириш ва давлат қафолатлари механизмини такомиллаштириш каби йўналишларни ўз ичига олади.

Давлат қарзи портфелини диверсификация қилиш ва валюта рискин камайтириш мақсадида хорижий валютадаги давлат қарзининг улушини босқичма-босқич камайтириш мақсадида миллий валютадаги халқаро облигацияларни чиқариш амалиёти йўлга қўйилди.

Хусусан, 2020-2021 йилларда Лондон фонд биржасига миллий валютадаги 4,5 триллион сўмлик суверен халқаро облигациялар жойлаштирилди ва ўрта муддатли истикболда миллий валютанинг суверен халқаро облигациялардаги улушини бозор шартларидан келиб чиқиб ошириш тўғрисида ҳукумат қарори қабул қилинди.


Ички молия бозорини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар натижасида давлат қимматли қоғозларини жойлаштириш ҳажми 2018 йилдаги 597 миллиард сўмдан 2021 йилда 4,9 триллион ўсди ва давлат қимматли қоғозларининг тўлов муддати 10 йилгача узайтирилди.

“Истеъмол нархлари индекси (ИНИ)+6%”га тенг бўлган купон тўлови билан 111 миллиард сўмлик инфляция билан боғлиқ давлат қимматли қоғозлари жойлаштирилди ва инфляция билан боғлиқ давлат қимматли қоғозлари бўйича биринчи бенчмарк яратилди.

Давлат қарзини ҳисобга олиш ва ҳисобот беришни автоматлаштириш, шунингдек, қарзлар статистикасининг шаффофлигини ошириш мақсадида мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, давлат қарзини бошқариш ва молиявий таҳлил тизимида (*DMFAS-6 дастурий мажмуаси*) давлат ташқи қарзи тўғрисидаги маълумотлар автоматлаштирилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (АТКРВ) Ўзбекистонда электрон бошқарув ва интернетга уланиш учун масъул бўлган асосий давлат органи бўлиб, у 2030 йилга бориб Глобал Инновациялар индексида 50 та етакчи давлат қаторига киришга ёрдам беради. Шунингдек, АТКРВ 2030 йилгача АКТ миллий стратегиясини ва коррупция хавфини камайтириш ва рақамли тафовутни бартараф этишга қаратилган уч йиллик электрон ҳукумат дастурини ишлаб чиқиш учун масъулдир.

Кенг полосали Интернетнинг доимий абонентлари, шу жумладан 2019 йилда 10 Мбит/с дан 30 Мбит/с гача бўлган интернет фойдаланувчилари сони 0,2 миллион кишини ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб 2,1 миллион кишига етди.




17.2-расм. Стационар кенг полосали интернет абонентлари сони⁶¹

⁶¹ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

Телекоммуникация тармоқларини жадал ривожлантиришга таъсир этувчи салбий омилларни бартараф этиш, электрон давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш, шунингдек, ҳудудларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун зарур инфратузилмани яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (2019 йил 22 май), “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди (2021 йил 11 май) кенг полосали телекоммуникациялар тармоғини 900 минг портга кенгайтириш; мобиль алоқа учун 2000 та интеграциялашган база станцияларини ўрнатиш ва аҳоли пунктларини кенг полосали мобиль интернет билан камраб олиш даражасини 95 фоизга ошириш белгиланган.

Кенг полосали интернет тармоғига уланишнинг доимий абонентлари сонини кўпайтириш учун интернет-провайдерлар ўртасида рақобат муҳитини ривожлантириш, олис аҳоли пунктлари атрофидаги ҳудудлар камровини ошириш механизмини ишлаб чиқиш зарур.




7.3-расм. Интернетдан фойдаланадиган аҳолининг улуши⁶²

Республикада рақамли саноатни жадал ривожлантириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши бўйича Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 05 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегияси ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

⁶² Манба: Статистика агентлиги маълумотлари


Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга кўтариш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазолади. 2030 йилга бориб интернет фойдаланувчилари улушини 90,6 фоизга ошириш мақсади қўйилди. Аҳолининг интернет тармоғидан фойдаланиш улушини ошириш учун чекка аҳоли пунктларида тегишли алоқа тармоқларини ўрнатиш, фойда келтириши паст бўлган ҳудудларда ишлаётган операторларни субсидиялаш механизмини ишлаб чиқиш лозим.

2021 йилда Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти 734 587,7 миллиард сўм бўлиб 2020 йилга нисбатан реал кўрсаткичларда 7,4 фоизга ўсди. ЯИМ дефлятор индекси 2020 йилдаги нархларга нисбатан 113,6 фоизни ташкил этди.



17.4-расм. ЯИМ ўсish суръати (%)⁶³

2021 йилда ЯИМ ўсиши 2020 йилдаги 1,9 фоиз ва 2019 йилдаги 5,7 фоиз ўрнига 7,4 фоизга тезлашди.



17.5-расм. Харид қобилияти паритети бўйича аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми (АҚШ доллари)⁶⁴

⁶³ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

⁶⁴ Манба: Статистика агентлиги маълумотлари

Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда хусусий ва давлат сектори, фуқаролик жамияти институтлари ўртасида самарали ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида шерикликни тартибга солувчи куйидаги қонун ҳужжатлари қабул қилинди:

– Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Қонуни;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 декабрдаги “Йўл соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4545-сонли Фармони;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ, давлат-хусусий шериклик механизмлари асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хўжалиги, сув хўжалиги ва бошқа тармоқларда умумий қиймати 14 миллиард АҚШ долларилек лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

2020-2021 йилларда МICS ЮНИСЕФ билан биргаликда олиб борган тадқиқотлар яқунланди. Сўровнома халқаро миқёсда таққосланадиган зарур статистик кўрсаткичларни шакллантириш бўйича маълумот олиш, болалар ва аёлларнинг аҳволини яхшилаш бўйича миллий мақсадлар ва глобал мажбуриятларга эришишдаги муваффақиятларни кузатиш имконини берди.

Жаҳон банки кўмагида уй хўжалиklarини танлаб ўрганишни ўтказиш методикасини такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Уй хўжалиklари сўровномалари САPI дастури ёрдамида, яъни иш сифати ва маълумотлар ишончилигини ошириш учун планшетлар (махсус дастурий таъминот) ёрдамида ўтказилади.

Статистика агентлиги Жаҳон банки билан ҳамкорликда “2020–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси статистикасини ривожлантириш миллий стратегияси”ни ишлаб чиқди, унинг амалга оширилиши фойдаланувчиларнинг долзарб статистик маълумотлар, шу жумладан БРМ кўрсаткичлари бўйича эҳтиёжини қондириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги янги қонуни ишлаб чиқилди, у халқаро стандартлар ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб беради. Янги қонун 7 боб ва 44 моддадан иборат бўлиб, аввалги қонундан тубдан фарқ қилади.

Биринчидан, янги концепция – расмий статистика тушунчаси амалиётга татбиқ этилмоқда. Қонунда расмий статистика Ўзбекистон Республикасидаги иқтисодий, демографик, ижтимоий, молиявий, экологик ҳодиса ва жараёнларни тавсифловчи статистик маълумотлар сифатида аниқ белгилаб берилган.

Иккинчидан, статистика органларидан ташқари, расмий статистикани ишлаб чиқарувчи ва тарқатувчи бошқа давлат органларини ўз ичига олган миллий статистика тизими яратилмоқда.

Учинчидан, маълумотларни баҳолашнинг статистик усулларини қўлаш, фойдаланиладиган манбалар ва усулларни хужжатлаштириш, шунингдек, респондентларнинг фикрларини ўрганиш, баҳолашда илмий ташкилотлар ва жамоатчилик билан ҳамкорлик қилиш орқали расмий статистика ишлаб чиқарувчилари томонидан статистик маълумотлар сифатини таъминлаш ва статистик методология механизмлари белгиланади.

Фуқаролик жамияти ва жамоатчилик назоратини ривожлантириш соҳасида тегишли ҳуқуқий меъёрларда такрорланиш ва параллелликка йўл қўймаслик мақсадида “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳририни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритилди. Амалдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги қонунни, шунингдек, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги қонунларни бирлаштириш ва зарур процессуал механизмлар билан тўлдириш орқали, шунингдек, қонуности хужжатлари ва ҳавола меъёрларининг сезиларли даражада қисқариши белгиланган.

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳасига жамоатчилик назоратини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, қонунда белгиланган жамоатчилик назоратининг барча турларини амалга оширишнинг процессуал механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек, давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятининг роли ва мувофиқлаштирилишини кучайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Фуқаролик жамияти ижтимоий муносабатлар ривожининг ажралмас қисми ва давлатда демократия, қонун устуворлиги ва шахс эркинлигининг энг муҳим кафолатидир.

2019 йилда халқаро стандартларга мос келадиган ва ХМТнинг тегишли конвенциялари талабларига тўлиқ жавоб берадиган “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг янги қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонун:

– касаба уюшмаларининг ҳуқуқ ва ваколатларини сезиларли даражада кенгайтиради, уларни рўйхатдан ўтказишни имкон қадар соддалаштиради;

– касаба уюшмаларининг аъзолик базасини кенгайтиради: бундан буён кенгрок тоифадаги ишчилар касаба уюшмаларига аъзо бўлиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқаролик жамияти институти сифатида миқдорий ва сифат жиҳатидан ўсиб бормоқда. Айти пайтда мамлакатимизда 9 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият

кўрсатмоқда, 29 та халқаро ва хорижий нодавлат-нотижорат ташкилотларининг филиал ва ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти учун мавжуд қонунчилик базаси яратилди. Расмий маълумотларга кўра, мустақиллик йилларида фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш, фуқароларнинг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Келгусида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришнинг энг долзарб масалаларидан бири уларнинг касбий маҳорати ва рақобатбардошлигини ошириш, ташкилий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, ННТларнинг жамиятдаги қонунийлигини мустаҳкамлашдир.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида оммавий ахборот воситалари уларнинг онги, дунёқараши ва сиёсий маданиятини юксалтириш, фуқаролик позициясини мустаҳкамлашнинг муҳим элементига айланди.

Ўндан ортиқ қонунлар қабул қилиниб, журналистларнинг касбий фаолият кўрсатиши учун зарур ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратилмоқда. Нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базасини ва инсон ресурсларини мустаҳкамлаш мақсадида жамоат ташкилотлари ташкил этилди: бугунги кунда 100 дан ортиқ электрон оммавий ахборот воситаларини ўз ичига олган электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ташкил этилди.

Республикада 1500 дан ортиқ оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда ва мулкчилик шакли, йўналиши ва маълумот узатиш усули билан фарқланади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи – «маҳалла» ҳисобланади. Мустақиллик йилларида маҳалла институти вакили бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди ва ривожлантирилди. Мазкур орган мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисми сифатида шаклланиб, маҳалла ривожини учун барча зарур шарт-шароит яратилиб келинмоқда.

Маҳалла – ўзини ўзи бошқаришнинг вақт синовидан ўтган шакли сифатида Ўзбекистон халқининг табиати ва эҳтиёжларига тўла мос келади, мамлакатимизда тинчлик ва тотувлик муҳитини, ижтимоий барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг ишончли омилидир. Бунга маҳалла фуқаролар йиғинлари ва оқсоқолларнинг ваколатлари кенгайтирилаётгани кўмак бермоқда.

5. КЕЙИНГИ ҚАДАМЛАР

Ушбу Иккинчи Ихтиёрий Миллий Ҳисобот биринчи Ҳисоботга нисбатан БРМни амалга оширишда эришилган реал ютуқларни баҳолаш, 2030 йилгача белгиланган мақсадларга эришиш учун мавжуд тафовутлар, имкониятлар ва тўпланган салоҳиятни, ички ва ташқи таҳдидларни аниқлашга қаратилган.

Муайян қийинчиликларга қарамай, камбағалликни камайтириш ва кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни ташкил этиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Бошқарувнинг миллий модели фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар) орқали амалга оширилмоқда. Хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини мақсадли амалга ошириш орқали жамиятнинг кескин табақаланишига йўл қўйилмади.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишдаги аниқ ижобий ўзгаришлар мамлакатнинг озик-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш имконини берди.

Умр кўриш давомийлигининг ўсиши, оналар, болалар ва чақалоқлар ўлимининг камайиши аҳоли саломатлигини яхшилаш имконини берди.

Тўлиқ саводхонлик ва мактабгача таълим қамровининг сезиларли даражада ошиши, умумий ва олий таълимдаги туб ислохотлар таълим сифатини яхшилаш имконини берди, болалар меҳнатига барҳам берилди.

Кенг қўламли уй-жой қурилиши орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида салмоқли ютуқларга эришилди.

Ўзбекистон қизларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, парламент, давлат хизмати ва ҳукуматда аёлларнинг вакиллигини ошириш, хотин-қизлар ва ёшларни мақсадли қўллаб-қувватлаш орқали гендер тенглигини ҳал этишда катта қадам ташланди.

Шунингдек, аҳолининг марказлаштирилган сув таъминоти ва канализация хизматларидан фойдаланиш имкониятларида ижобий силжишлар юз берди.

Янги энергия қувватлари, кичик гидроэлектростанциялар, шамол ва қуёш энергиясидан фойдаланишни жорий этиш орқали энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш ва ноанъанавий энергия манбаларини кенгайтириш жадал суръатларда амалга оширилди.

Иқтисодий ўсишнинг нисбатан юқори даражасига, саноат ва хизматлар соҳасининг, шу жумладан туризмнинг барқарор ривожланишига эришилди.

Қайта ишлаш саноатининг ҳиссасини ошириш, йирик инновацион ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишни кўпайтириш йўналишида таркибий ўзгаришлар юз берди.

Энергия тежайдиган ва «яшил» технологияларга ўтиш таъминланди, яшил иқтисодий ривожлантиришнинг мақсадли стратегияси ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Иқлим ўзгаришига қарши курашиш мақсадида CO₂ чиқиндиларини камайтириш, Орол денгизининг ёндош ҳудудларида яшил зона яратиш, барча шаҳар ва туманларга тизимли равишда дарахт экиш чора-тадбирлари амалга оширилди.

Ўрмонлар ва ўрмон ресурслари майдонини кискартиришга йўл қўймаслик бўйича аниқ институционал ва иқтисодий механизмлар қабул қилинди.

Суд-ҳуқуқ тизимининг мустақиллигини таъминлаш, фуқаролар ва хусусий тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатини мустаҳкамлаш, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини ривожлантириш бўйича муҳим қадамлар қўйилди.

Мамлакат ташқи дунё билан ҳамкорлик қилиш учун тўлиқ очилди. Марказий Осиё, МДХ, ШХТ ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик сезиларли даражада ўсди.

Ўзбекистоннинг БМТ Бош Ассамблеяси томонидан маъқулланган барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламент аъзоларининг ролини ошириш, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва ҳамкорлик, ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни қабул қилиш ва бошқа ташаббусларни алоҳида қайд этиш лозим.

Ҳисоботда миллий мақсад ва вазифаларга мослаштирилган тараққиёт стратегияси ва концепцияларининг натижадорлиги ва самарадорлигини ошириш, коррупциянинг сезиларли даражада камайишини таъминлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш сифатини яхшилаш, инфратузилмани ривожлантириш, жумладан, сифатли ичимлик сувидан фойдаланиш ва иқлим ўзгаришига қарши курашда ва экологик хавфсизликни таъминлашда янги инновацион, рақамли ва «яшил» технологияларни жорий этиш мақсадида ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар аниқланди.

Барқарор ривожланишнинг миллий мақсадлари ва вазифаларига, 2030 йилгача мақсадли параметрларига эришиш учун кейинги қадамлар қуйидагилардан иборат:

– барқарор ривожланишнинг миллий мақсад ва вазифаларини фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий модернизиациялаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ислохотларни амалга оширишни назарда тутувчи 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига тўлиқ мослаштириш;

– 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатида қайд этилган, самарали давлат бошқаруви тизимига ўтиш, «ижтимоий давлат» қуриш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, экологик, айниқса, сув ресурслари муаммоларини ҳал этиш ва эркин бозор механизмларини жорий этиш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётга хусусий ва хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштиришни назарда тутадиган, барқарор ривожланишга эришишга мос келадиган устувор вазифаларни амалга ошириш;

– стратегия, концепция, Давлат дастурларини, мамлакатни, тармоқлар ва соҳаларни, ҳудудларни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда барқарор ривожланишнинг мақсадли параметрларига (индикаторлар, субиндикаторлар) эришишни ҳисобга олишнинг мажбурий тартибини жорий этиш;

– амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида, хусусий тадбиркорлар ва мамлакат ҳудудлари аҳолисидан келиб тушаётган таклиф ва тавсияларни инобатга олган ҳолда, миллий мақсад ва вазифаларга эришишда фуқаролик жамияти институтларини БРМ мониторингини ташкил этиш ва унинг натижаларини баҳолашдаги иштирокини кенгайтириш;

– жамият ва аҳолининг миллий мақсад ва вазифаларга эришиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида хабардорлигини ошириш, амалга оширилаётган барқарор ривожланиш чора-тадбирлари асосида шаҳар, туман ва маҳаллаларда аҳоли талаб ва эҳтиёжларини қондиришдаги устувор йўналишлар бўйича мунтазам равишда махсус социологик сўровлар ўтказиш;

– камбағалликни қисқартириш, ижтимоий табақаланиш, манзилли ижтимоий ҳимоя, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматлари сифатини ошириш, гендер тенглиги, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат хавфсизлиги, энергия ва экологик хавфсизлик ва бошқа ижтимоий-экологик муаммоларни биринчи навбатда ҳал қилишда ва БРМга эришиш чора-тадбирларини Давлат бюджети томонидан молиялаштириш имкониятларини кенгайтириш;

– давлатнинг хусусий сектор ва халқаро ташкилотлар билан мулоқотини давом эттириш, дунёнинг барча мамлакатлари, жумладан Марказий Осиё мамлакатлари билан халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, Ўзбекистоннинг БМТ томонидан қабул қилинган, БРМ билан ўзаро боғланган минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, парламентлар ролини ошириш, ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ташаббусларини амалга ошириш.

ХУЛОСА

Ўзбекистоннинг Иккинчи Миллий Ҳисоботи COVID-19 авжига чиққанидан кейинги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг тикланиш даври, 2017–2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишнинг асосий натижалари, демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини куриш жараёнлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла асосида қуйидан бошқаришнинг миллий моделини шакллантириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишни кўзда тутди.

Биринчи Ихтиёрий Миллий Ҳисобот натижаларига кўра, миллий мақсад ва мақсадларга эришиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида расмий ҳужжат қабул қилиш орқали БРМлар бажарилишининг тизимли мониторингини таъминлаш бўйича жиддий ўзгаришлар киритилди ва янги тузилган мувофиқлаштирувчи кенгаш, шунингдек, тегишли эксперт гуруҳлари фаолияти кучайтирилди. Халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ ва Жаҳон банки томонидан молиявий ресурслар ва ички салоҳиятни баҳолаш, бошқарув тизимларининг самарадорлиги, ижтимоий ҳимояни шакллантириш, табиий ресурсларни барқарор бошқариш, алоҳида кўрсаткичларни ҳисоблаш методологияси билан боғлиқ институционал муаммолар ва таклифлар, тўлиқ ахборот платформасини шакллантириш ҳисобга олинди.

Иккинчи Ҳисобот «инсон шаъни ва кадр-қиммати йўлида» тамойили асосида Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва БРМларни мамлакатда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг барча йўналишларини ислоҳ бўйича миллий устуворликларга мослаштириш нуктаи назаридан тайёрланган. Ҳисобот барча манфаатдор томонлар: парламент комиссияси, илмий доиралар, хотин-қизлар ва ёшларнинг вакиллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлар, нодавлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан муҳокама ва фикр алмашиш жараёнидан ўтди. Парламент ва ҳукумат тузилмалари орқали БМТ агентликлари кўмагида ҳудудларда аҳоли ўртасида Ҳисобот натижаларини муҳокама қилиш бўйича ахборот кампаниясини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳисоботни тайёрлаш Ўзбекистоннинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича келишилган мақсадли параметрларга эришишдаги ҳақиқий ютуқларини кўрсатиш, алоҳида мақсад ва вазифаларни амалга ошириш кўламини аниқлаш, мавжуд номутаносиблик ва имкониятларни аниқлаш, ҳали амалга оширилиши керак бўлган энг муҳим қадамларни аниқлаш имконини берди.

Иккинчи Миллий Ҳисобот Ўзбекистонни барқарор ривожлантиришнинг мақсад ва вазифаларида эришган ютуқларидан келиб чиққан ҳолда, амалга оширилаётган ва ишлаб чиқиляётган стратегиялар, концепциялар, мамлакат,

тармоқлар ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини такомиллаштириш ва аниқлаштириш имконини беради.

1-илова

Барқарор ривожланишнинг миллий мақсад ва вазифалари ҳамда 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мақсадларининг ўзаро боғлиқлиги

Миллий мақсадлар	Миллий вазифалар	2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг мақсадлари
<p>1-мақсад. Барча жойларда аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш.</p>	<p>1.1-вазифа. 2030 йилгача мамлакатда камбағаллик даражасини икки бараварга қисқартириш.</p>	<p>85-мақсад. Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш.</p>
	<p>1.2-вазифа. 2030 йилгача кам таъминланган эркаклар, хотин-қизлар ва барча ёшдаги болаларнинг улушини кам таъминланишнинг барча кўринишларида икки бараварга қисқартириш.</p>	<p>85-мақсад. Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш.</p>
	<p>1.3-вазифа. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллилиги ва самарадорлигини кучайтириш, ижтимоий ҳимоя қилиш хизматлари сифатини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари доирасига муҳтожларнинг барчаси тўлиқ камраб олинишига эришиш.</p>	<p>53-мақсад. Аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш.</p> <p>53-мақсад. 3-хатбоши. Мажбурий ижтимоий кафолатлар бўйича қонунчиликни тизимлаштириш ва такомиллаштириш, белгиланган ижтимоий ҳимоянинг қатъий таъминланишини назорат қилиш.</p> <p>85-мақсад. 3-хатбоши. Норасмий ишлаётган 2,5 миллион нафар фуқаронинг бандлигини легаллаштиришга ёрдам бериш орқали уларда ижтимоий кафолат ва имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш.</p> <p>85-мақсад. 7-хатбоши. Ижтимоий нафақа тайинлаш мезонларига жавоб берадиган барча эҳтиёжманд аҳолининг камида 85 фоизини ижтимоий ёрдам дастурлари билан камраб олиш. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва аҳоли қатламларига, шунингдек, вақтинчалик</p>

		оғир шароитга тушиб қолган фуқароларга тўғридан-тўғри давлат ижтимоий ёрдамини кўрсатиш.
	1.4-вазифа. 2030 йилгача бутун аҳолининг, жумладан, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг базавий захиралардан (ер участкалари, янги технологиялар, банк кредитлари, масофавий банк хизматлари ва бошқалар) фойдаланишлари учун қулай иқтисодий ва молиявий шарт-шароитлар, чакана тўлов тизимлари инфратузилмалари, янги технологиялар ва молиявий хизматлар, шу жумладан микромолиялаштириш билан таъминлаш.	53-мақсад. Аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш.
	1.5-вазифа. 2030 йилгача аҳолининг ижтимоий заиф қатламларининг яшаш шароитларини яхшилаш, шу жумладан, уларга иқтисодий, ижтимоий ҳамда экологик муаммоларнинг салбий таъсирининг олдини олиш.	53-мақсад. Аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш
	1.а-вазифа. Аҳолининг барча шаклдаги камбағаллик даражасини тугатиш бўйича дастурлар ва стратегияларни амалга оширишга прогноз қилинадиган маблагни таъминлаш учун турли манбалардаги, жумладан, ривожланиш мақсадида ҳамкорликни фаоллаштириш асосидаги салмоқли захираларни сафарбар этиш.	85-мақсад. 2-хатбоши. Камбағалликни қисқартириш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
	1.б-вазифа. Аҳолининг камбағаллик даражасини қисқартириш бўйича тадбирларга тезкор сармоя киритилишига қўмаклашиш учун кам таъминланган фуқароларнинг манфаатлари ҳамда гендер жиҳатларни инобатга оладиган ривожланиш, мониторинг ва баҳолашни стратегик прогнозлаштириш механизмларини такомиллаштириш.	85-мақсад. Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 баравар қисқартириш.
2-мақсад. Озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, овқатланиш рационини яхшилаш ҳамда қишлоқ	2.1-вазифа. 2030 йилгача зарур ҳажмда овқатланишнинг юқори сифати ва баланслашганлигини таъминлаш ҳамда аҳолининг барча қатламлари, айниқса, гўдақлар билан бир қаторда, ижтимоий заиф кишиларнинг ҳаёт учун муҳим ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларидан йил бўйи тўлиқ фойдаланишларига эришиш.	45-мақсад. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бошланғич синф ўқувчиларини босқичма-босқич бепул овқат билан таъминлаш.

хўжалигининг барқарор ривожланишига кўмаклашиш.	<p>2.2-вазифа. 2030 йилгача тўйиб овқат емасликнинг барча шакллариغا барҳам бериш, жумладан, 2025 йилгача беш ёшгача бўлган болаларнинг ўсиши ва вазнидаги кечикишга қарши курашишга оид халқаро даражада келишилган мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳамда ўсмир кизлар, хомиладор ва эмизувчи аёллар, кекса одамларнинг овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондириш.</p>	
	<p>2.3-вазифа. 2030 йилгача қишлоқ хўжалигида озик-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг ўртача самарадорлигини ҳамда қишлоқ хўжалигида озик-овқат етиштирувчиларининг даромадини ошириш.</p>	<p>30-мақсад. Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш.</p>
	<p>2.4-вазифа. 2030 йилгача озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг барқарор тизимлари яратилишини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш имконини берадиган қишлоқ хўжалигини юритиш усулларини жорий қилиш.</p>	<p>30-мақсад. Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш.</p>
	<p>2.5-вазифа. Қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғликлари, шунингдек, чорва молларининг ва тегишли ёввойи ҳайвонлар турларининг генетик хилма-хиллигини, жумладан, уларнинг захираларини тегишли тарзда сақлаш орқали таъминлаш</p>	<p>30-мақсад. 8-хатбоши. Агрологистика марказларини ривожлантириш ва замонавий лабораториялар сонини кўпайтириш. Уруғчилик ва кўчат етиштириш бўйича миллий дастурни амалга ошириш.</p>
	<p>2.а-вазифа. Қишлоқ хўжалиги соҳасининг ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида қишлоқ инфратузилмаси, қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқотлар, инновацион технологияларни ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларининг ва чорва молларининг генетик захираларини яратишга сармоя киритилишини ҳамда халқаро молия институтлари ва халқаро ҳамкорликни фаоллаштириш йўли билан кучайтириш.</p>	<p>30-мақсад. Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш.</p>
	<p>2.б-вазифа. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг жаҳон бозорларида савдо чекловлари киритилиши ва хатолар юзага келишини бартараф этиш ҳамда бунга йўл қўймаслик.</p>	

	<p>2.с-вазифа. Республика аҳолисини асосий турдаги озик-овкат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш, ички истеъмол бозорига маҳсулот етказиб берилишини тизимли мониторинг қилиш ҳамда назоратни йўлга қўйиш ва нарх-навонинг асоссиз ўсиб кетишига қарши курашиш чораларини кўриш.</p>	
<p>3-мақсад. Соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва барча ёшдаги кишиларнинг фаровонлигига қўмаклашиш</p>	<p>3.1-вазифа. 2030 йилгача оналар ўлими кўрсаткичини учдан бир бараварга камайтириш.</p>	<p>60-мақсад. Репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.</p>
	<p>3.2-вазифа. 2030 йилгача янги туғилган чақалоқлар ва беш ёшгача бўлган болалар орасидаги ўлимни икки баравар камайтириш.</p>	
	<p>3.3-вазифа. Аҳолининг сил ва ОИВ билан касалланиш даражасини камайтириш ҳамда сув орқали юқадиган гепатит ва бошқа юқумли касалликларга қарши курашишни таъминлаш.</p>	
	<p>3.4-вазифа. 2030 йилгача аҳоли ўртасида юрак-контмир, онкологик, қандли диабет ва сурункали респиратор касалликлар туфайли бевакт ўлимни 30 фоизга қисқартириш.</p>	
	<p>3.5-вазифа. Рухий фаоллаштирувчи моддаларга қарамлик, шу жумладан, гиёҳванд моддалар ва алкоғолли ичимликларни истеъмол қилишнинг профилактикаси ва даволанишини яхшилаб бориш (алкоғолнинг зарарли истеъмол қилинишини 10 фоиз камайтириш).</p>	
	<p>3.6-вазифа. 2025 йилгача йўл-транспорт ҳодисалари сонини, жумладан, пиёдалар томонидан йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши натижасида юзага келадиган ЙТХ ҳолатларини икки баравар қисқартириш.</p>	

Отформатировано: Шрифт: 11 пт, не полужирный, Цвет шрифта: Авто

<p>3.7-вазифа. 2030 йилгача жинсий ва репродуктив саломатликни асраш бўйича хизматлардан, шу жумладан, оилани режалаштириш ва ўн саккиз ёшгача бўлган қизлар учун никоҳ ёшини узайтириш хизматларидан умумий фойдаланишни ҳамда Миллий стратегия ва дастурларга репродуктив саломатликни асраш масалаларининг киритилишини таъминлаш.</p>	<p>60-мақсад. Репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш</p>
<p>3.8-вазифа. Соғлиқни сақлаш хизматлари билан умумий қамраб олишни, шу жумладан, соғлиқни сақлашга сарфланаётган катта харажатлар туфайли химоялашни, асосий сифатли тиббий-санитария хизматларидан фойдаланиш ва барча учун хавфсиз, самарали, сифатли ва арзон асосий доривор ва эмлаш воситаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш.</p>	<p>60-мақсад. Репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.</p>
<p>3.9-вазифа. Хавfli кимёвий моддаларнинг таъсири, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши натижасида, жумладан, кимёвий ишлаб чиқариш ҳамда зарarli моддалар кўмилган жойларда, ўлим ва касалланиш ҳолатларини қисқартириш.</p>	
<p>3.а-вазифа. Заруратга кўра, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тамакига қарши кураш ҳадли конвенцияси (2003 йил май ойида Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг 56-сессиясида қабул қилинган) амалга оширилишини фаоллаштириш.</p>	

	<p>3.b-вазифа. Юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларни даволаш учун эмлаш ва доривор воситалар бўйича тадқиқотлар ва ишланмаларга қўмаклашиш;</p> <p>Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо аспекти бўйича битимнинг аҳоли саломатлигини асраш мақсадида мослашишни намоён этиш, хусусан, барча учун доривор воситалардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш коидаларидан ривожланаётган мамлакатларнинг тўлиқ ҳажмда фойдаланиши кўзда тутилган «ТРИПС бўйича битим ва жамоатчилик соғлигини сақлаш» Доҳа декларациясига (Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) ҳомийлигидаги музокаралар туркумига) мувофиқ, арзон асосий доривор ҳамда эмлаш воситаларидан фойдаланиш имкониятини яратиш.</p>	
	<p>3.c-вазифа. Соғлиқни сақлашни молиялаштиришни изчил ошириш, кадрларни тайёрлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, муносиб иш ҳақи билан таъминлаш.</p>	<p>56-мақсад. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, тиббий хизматларни марказлаштириш ва аҳолини тиббий сугурталаш амалиётини жорий қилиш.</p> <p>65-мақсад. Малакали шифокорларнинг ойлик маошларини босқичма-босқич 1 000 АҚШ доллари эквивалентига етказиш.</p>
	<p>3.d-вазифа. Халқаро тиббий-санитария коидаларининг (ХТСҚ ЖСТнинг базавий ҳужжати, коидаларнинг ҳозирги таҳрири Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг 2005 йил 25 майдаги 58-сессиясида қабул қилинган) жорий қилиниши ҳамда умумий соғлиқни сақлаш соҳасидаги фавқуллодда вазиятларда чора-тадбирларни амалга оширишга тайёрликни таъминлаш.</p>	
<p>4-мақсад. Умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага бутун</p>	<p>4.1-вазифа. 2030 йилгача бошланғич ва умумий ўрта таълимни, умумий қамровни сақлаб қолган ҳолда, ўқитишнинг долзарб ва самарали натижаларига эришишни таъминлайдиган янги сифат босқичига кўтариш.</p>	<p>38-мақсад. Мактабгача таълимдаги қамров даражасини ҳозирги 67 фоиздан камида 80 фоизга етказиш.</p>

умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш.	4.2-вазифа. 2030 йилгача барча ўғил ва қиз болалар учун кичик ёшдаги болаларни ривожлантириш, парваришлаш ва мактабгача ўқитишнинг сифатли тизимларидан улар бошланғич таълимни олишга тайёр бўлишлари мақсадида тўлиқ фойдаланиш имкониятини таъминлаш.	39-мақсад. Мактабгача таълим тизимида таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш.
	4.3-вазифа. 2030 йилгача барча хотин-қизлар ва эркеклар учун арзон ва сифатли ўрта махсус, олий, касб-хунар ҳамда кўшимча таълимдан тенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш.	37-мақсад. Ҳар бир фуқарога давлат ҳисобидан аниқ касб-хунарга ўқиш имкониятини яратиш. Касбга ўқитиш қўламини 2 баравар ошириб, жами 1 миллион нафар ишсиз фуқарони касб-хунарларга ўқитиш ва бу жараёнда нодавлат таълим муассасаларининг иштирокини 30 фоизга етказиш
	4.4-вазифа. 2030 йилгача ишга жойлашиш, муносиб ишга эга бўлиш ва тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш учун меҳнат бозорида талаб катта бўлган кўникмаларга, шу жумладан, касбий-техник кўникмаларга эга ёшлар ва катталар сонини жиддий равишда кўпайтириш.	37-мақсад. Ҳар бир фуқарога давлат ҳисобидан аниқ касб-хунарга ўқиш имкониятини яратиш. Касбга ўқитиш қўламини 2 баравар ошириб, жами 1 миллион нафар ишсиз фуқарони касб-хунарларга ўқитиш ва бу жараёнда нодавлат таълим муассасаларининг иштирокини 30 фоизга етказиш
	4.5-вазифа. Таълим муассасалари шароитларини имконияти чекланган болаларнинг манфаатларини ҳисобга оладиган даражада яхшилаш орқали ногиронлар учун барча даражадаги таълим ва касбий-техник тайёргарликдан тенг фойдаланиш имкониятини, барча учун хавфсиз ва самарали ўқитиш муҳитини таъминлаш.	66-мақсад. Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, уларнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш.
	4.7-вазифа. 2030 йилгача барча ўқувчилар ва талабаларнинг барқарор ривожланишига кўмаклашиш учун уларнинг зарур бўлган билим ва кўникмаларни эгаллашларини таъминлаш.	70-мақсад: Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш.
	4.a-вазифа. Ўқув муассасаларининг барча учун хавфсиз ва самарали ўқув муҳитини таъминлайдиган шарт-шароитларини яхшилаш.	
	4.b-вазифа. 2030 йилгача олий ўқув юртларида таълим олиш учун ажратиладиган кредитлар ва грантларни, шу жумладан, халқаро кредитлар ва грантлар миқдорини кўпайтириш чораларини кўриш.	

	4.с-вазифа. 2030 йилгача малакали ўқитувчиларнинг сонини, жумладан, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш орқали жиддий равишда қўпайтириш.	44-мақсад. Мактабларда таълим сифатини ошириш, педагог-кадрларнинг билими ва малакасини халқаро даражага олиб чиқиш.
5-мақсад. Гендер тенгликни таъминлаш ва барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш.	5.1-вазифа. Ҳамма жойда барча хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш.	69-мақсад. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш.
	5.2-вазифа. Хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг барча шакллари, шу жумладан, одам савдоси, жинсий эксплуатация ҳамда эксплуатациянинг бошқа шакллари тугатиш.	69-мақсад. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш.
	5.3-вазифа. Эрта никоҳлар ва зўрлаб никоҳлашни тугатиш.	
	5.4-вазифа. Коммунал хизматлар, инфратузилма ва ижтимоий ҳимоя тизимларини тақдим этиш орқали парваришлаш ва уй ҳўжалигини юритиш бўйича ҳақ тўланмайдиган меҳнатни тан олиш ва қадрлаш, миллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда оилада ҳўжалик юритиш учун умумий масъулият тамойилини рағбатлантириш.	
	5.5-вазифа. Хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча босқичларида ҳар томонлама иштирок этишларини ҳамда қарор қабул қилишда етакчилик қилишлари учун тенг имкониятларни таъминлаш.	69-мақсад. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш.
	5.6-вазифа. Репродуктив саломатликни асраш соҳасида умумқамровли тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш учун соғлиқни сақлаш хизматларидан умумий фойдаланишни таъминлаш.	60-мақсад. Репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.
5.а-вазифа. Хотин-қизларни уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширишларида қўллаб-қувватлайдиган дастурларни кенгайтириш.	69-мақсад. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш. 69-мақсад. 3-хатбоши. Гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислохотларни амалга ошириш.	

	<p>5.1-вазифа. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қўмаклашиш мақсадида юқори самарали технологиялар, хусусан, ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланишни икки барабар ошириш.</p>	<p>69-мақсад. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш.</p>
	<p>5.с-вазифа. Гендер тенглик тамойилларини бошқарувнинг турли босқичларида давлат дастурларини қабул қилиш жараёнига тўла сингдириш.</p>	<p>60-мақсад. Репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.</p> <p>69-мақсад. 3-хатбоши. Гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислохотларни амалга ошириш.</p>
<p>6-мақсад. Барча учун сув ресурслари ва санитариянинг мавжудлиги ҳамда улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш.</p>	<p>6.1-вазифа. 2030 йилгача барча учун тоза ичимлик сувдан умумий ва тенг ҳуқуқли фойдаланиш имкониятини таъминлаш.</p>	<p>34-мақсад. Худудларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш.</p> <p>34-мақсад. Худудларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш.</p>
	<p>6.2-вазифа. 2030 йилгача тегишли санитария-гигиена воситаларидан умумий ва тенг ҳуқуқли фойдаланиш имкониятини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий заиф қатлами эҳтиёжларига алоҳида эътибор қаратиш.</p>	
	<p>6.3-вазифа. 2030 йилгача сув муҳитининг ҳар қандай, жумладан, қуруқликдаги фаолият натижасида ифлосланишни сезиларли равишда камайтириш ҳамда оқова сувларни хавфсиз тарзда қайта ишлатиш ҳажмини ошириш.</p>	
	<p>6.4-вазифа. 2030 йилгача иқтисодиётнинг барча секторларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли ошириш.</p>	<p>31-мақсад. Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислох қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш.</p>
	<p>6.5-вазифа. 2030 йилгача барча даражаларда сув ресурсларининг комплекс, шу жумладан, заруратга қўра трансчегаравий ҳамкорлик асосида бошқарилишини таъминлаш.</p>	<p>31-мақсад. Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислох қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш.</p>
	<p>6.6-вазифа. 2030 йилгача сув билан боғлиқ экотизимлар, шу жумладан, тоғлар, ўрмонлар, сувли-ботқоқли худудлар, дарёлар, сувли қатламлар ва</p>	<p>31-мақсад. Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислох қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш.</p>

	кўлларнинг қўриқланиши ва тикланишини таъминлаш.	
	6.б-вазифа. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг сув хўжалиги ва санитарияни яхшилаш ишидаги иштирокини кўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш.	31-мақсад. Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш.
7-мақсад. Арзон, ишончли, барқарор ва замонавий энергия манбаларидан барча учун умумфойдаланш имкониятини таъминлаш.	7.1-вазифа. 2030 йилгача арзон, ишончли ва замонавий энергия таъминотидан умумий фойдаланишни таъминлаш.	24-мақсад. Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда «Яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш.
	7.2-вазифа. 2030 йилгача жаҳон энергетика мувозанатида тикланувчан манбалардан олинадиган энергия улушини сезиларли равишда кўпайтириш.	24-мақсад. Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда «Яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш.
	7.3-вазифа. 2030 йилгача энергия самарадорлигини кучайтириш бўйича кўрсаткични икки баравар ошириш.	24-мақсад. Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда «Яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш.
	7.б-вазифа. 2030 йилгача замонавий ва барқарор энергия билан таъминлаш учун инфратузилмани кенгайтириш ва технологияларни модернизация қилиш.	24-мақсад. Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда «Яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш.
8-мақсад. Самарали бандликни ошириш ҳамда эркаклар ва хотин-қизларни муносиб иш билан таъминлаш асосида барқарор ва умумқамровли иқтисодий ўсишга кўмаклашиш.	8.1-вазифа. 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажмининг аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда икки 2,6 баравар ўсишини таъминлаш.	21-мақсад. Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни – 1,6 баравар ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш.
	8.2-вазифа. Диверсификация, техник модернизациялаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш воситасида иқтисодиётда самарадорликнинг ўсишига эришиш, бунда юқори қўшилган қиймат ва меҳнат талаб секторларга алоҳида эътибор қаратиш.	

Отформатировано: не выделение цветом

<p>8.3-вазифа. Меҳнат бозорида фаол чора-тадбирларни амалга ошириш, хусусий мулкни муҳофаза қилиш, кичик ва йирик бизнесни ҳамда хусусий, онлавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва тезкор ривожлантиришдаги тўсиқларни бартараф этиш орқали аҳолини, айниқса, ёшлар, ногиронларни муносиб иш билан таъминлаш ва самарали бандликни кенгайтиришга йўналтирилган қулай шарт-шароит яратиш.</p>	<p>29-мақсад. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш.</p>
<p>8.4-вазифа. 2030 йилнинг охиригача бўлган бутун муддат давомида истеъмол қилиш ва ишлаб чиқариш тизимларида ресурслардан фойдаланишнинг глобал самарадорлигини аста-секин ошириб бориш ҳамда Истеъмол ва ишлаб чиқаришнинг оқилона моделларидан фойдаланишга ўтиш бўйича ўн йиллик ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилганидек, иқтисодий ўсиш атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашуви билан бирга кечмаслигига интилиш.</p>	
